

ҚУЁШ ЗАРРАЛАРИ

ТОШПЎЛАТ
ҲАМИД

ШЕЪРЛАР,
БАЛЛАДАЛАР,
ПОЭМАЛАР

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САЎБАТ НАШРНОТИ
ТОШКЕНТ — 1978

ШЕЪРЛАР ВА БАЛЛАДАЛАР



— Не боисдан қўшиқни севдинг,
Нима учун қалбингда баҳор?!
Сабабларин айтиб бер,— дединг,
Мана айтай,
унутма зинҳор:

Қўлимга соз тутқазди ўлкам,
Қўшиқ бўлди ҳамроҳ бир умр.
Қўшиқ билан Ватаним кўркам,
Қўшиқ айтиб қиламан ҳузур.

Қўшиқ билан олам мунаввар,
Шунинг учун қалбимда баҳор.
Завқ бағишлар ҳар тонг, ҳар саҳар,
Шунинг учун қўшиқ менга ёр!

1953

Қуёш қанча бұлмасин юксак,
Инсонга порлоқ —
Истиқбол дарчасин очиб бермади.
Боболар ўтдилар иқболга чанқоқ,
Оламни титратди оналар дарди.
Сиз қуёш янглиғ балққан заҳоти
Қўлкалар судралиб чекинди секин.
Сиз билан нур кўрди инсон ҳаёти,
Эй буюк мураббий —
меҳрибон Ленин!

1958

Тўтиё тупроғинг кўзимга суртиб,
Дунёни кўролган ўғлинг — эркангман:
Ҳар қарич еринг-чун, эй, она юртим,
Жангларда мардона кўкрак керганман.
Меҳри зўр бағрингни севмай бўлурми?
Қалбимда куй қайнар сенинг шаънингга.
О, диёр!
Тупроғинг зарми, биллурми?
Ҳеч юрт тенг келурми
сен — Ватанимга!

1958

Дилрабо богларнинг кўркам жамоли,
Зумрад япроқларнинг ҳусни виқори,
Гул ҳиди анқитган водий бағридан
Сахий қучоғини очган чўлгача,
Ўлкамнинг оромбахш, серфайз баҳори,
Бўстонда лаб очган ғунча-гулгача:
Партиям, нур эмар сендан —
Қуёшсап,
Ғамхўр мураббийсан,
Ҳаётга бошсан.
Қунлар исиганда о, қанчалар соз,
Белини тиклолмас чаросдан ишком.
Мевалар етишар — юз хил десам оз,
Бугдойзор чайқалар, дала дилором,
Гўзал ёз фаслида неки бор, бари —
Партиям, нур эмар сендан —
Қуёшсан,
Ғамхўр мураббийсан,
Ҳаётга бошсан.
Кузакда мевалар йигади шарбат,
Тарсиллаб ёрилар пуштада қовун.
Қизлар олма ташир, бошларда сават,
Осмонга бўй чўзар оқ олтин тоғи,
Кузимиз сермахсул, кузимиз тўкин,
Ҳосилга тўлади Ватан қучоғи,
Партиям, нур эмдик сендан —

Қуёшсан,
Ғамхўр мураббийсан,
Ҳаётга бошсан.
Қиш кириб қумушранг рўмолин ўрар,
Шохларга қўнади кабутардай қор.
Ҳаёт яшнаб кетар, олам гуркираб,
Ўзингсан онгларга тиниқлик берган,
Шу учун юртимнинг тўрт фасли баҳор.
Қалбларга совимас илиқлик берган —
Қуёшсан, партиям,
Сўнмас қуёшсан!
Ғамхўр мураббийсан,
Ҳаётга бошсан!

1958

ҚУВОНЧ

Уриб кетди Зеби юраги,
Марварид тер босди юзини.
Қувончидан унутиб қўйди
Секретарга айтар сўзини.
Партбилетни секин оларкан,
Севингандан кўзларида ёш...
Гўё, шу пайт осмондан учиб,
Қафти узра қўнганди қуёш.
Ер юзини ёритган ёғду
Ярақларди унинг қўлида.
Шу ойдинлик, шу сахий қуёш
Нур сочади Зеби йўлига.
Ҳаяжонда, аста деди у:
— Мана, бугун ушалди ҳавас.
Партиянинг зўр ишончидек —
Толе борми олий, муқаддас!

1958

МИРЗАЧЎЛГА!

(Қўшиқ)

Комсомолнинг йўлланмасин олиб қўлга,
Дўстлар билан кўчиб келдик Мирзачўлга,
Мирзачўлга, Мирзачўлга.
Яйдоқ чўлда турнақатор уйлар қурдик,
Сирдарёни жиловладик чўлга бурдик,
Ўчмиз гулга, ўчмиз гулга.
Баҳор бўлиб ҳаёт бердик Мирзачўлга.

Мавжланади денгиз каби кенг пахтазор,
Чевар қизлар пахта терар айтиб гулёр
Ўнгу сўлда, ўнгу сўлда.

Меҳнатимиз куртак очиб ёзди япроқ,
Лўппи-лўппи пахталарга тўла чаноқ,
Карвон йўлда, карвон йўлда.
Меҳнат куйи жаранглайди Мирзачўлда.

Келажаги порлаб турар Мирзачўлнинг,
Эслатади Фарғона-ю, Янгийўлни,
Сербоб гулга, сербоб гулга.

Кел, сафдошим, дўстим, келгин, шимар енгини,
Ёшлик шунда, ёр-дўстларинг ўзинг тенги,
Чиққин йўлга, чиққин йўлга,
Марҳамат қил, бизнинг янги Мирзачўлга!

1957

Қаердадир сайрар чуғурчиқ,
Дала гүё ёнар, жимирлар.
Ўқариқда малла бир чумчуқ
Сувга қанот қоқиб типирлар.
Қақиллайди шийпон томонда
Томоқ қоқиб товуқ галаси.
Қушлар учмас мовий осмонда,
Ловиллайди кўк алангаси.
Майли қуёш кўкдан керилиб
Пахтазорга нуруни сочсин.
Шу иссиқда «қирс-қирс» ёрилиб,
Тўқ кўсаклар лабини очсин!
.
Қаердадир сайрар чуғурчиқ...

1957

БУВИМГА

Тунларни тонгларга
Уладим баъзан,
Келмасди кўзимга уйқу шундаям.
Қутлуғ бағрингизда яйраб ўсганман,
Эртаклар эшитиб, азиз муҳтарам.
Иссиқ кўксингизга,
Келинг, қўяй бош,
Ардоқлай сийпалаб оқ сочингизни.
Қалбингиз зўр дарё,
Севгингиз қуёш,
Унутиб бўлурми қучоғингизни?

1957

РАҲМАТ, ОНАЖОН!

Раҳмат, онажоним!
Раҳмат, минг карра,
Қўз очиб дунёга келганим учун,
Навбаҳор бағридан гуллар саралаб,
Боғларда шамолдай елганим учун.
Она, сўзингиздан чиқмасдан юрдим,
Бахтимни тополдим, айтганингиздай,
Истиқбол куйини чал, деди юртим,
Қўлимга соз олдим, айтганингиздай.
Ғайратим тошади дарёлар мисол,
Дўстларга дўстману ёвларга душман.
Қўлимдан етаклар перлоқ истиқбол,
Меҳнатдан шон топдим, меҳнатга ўчман.
Баъзан тикиламан:
Манглайингизда
Ўтмишнинг қатма-қат
Ажинлари бор.
Кексалик ёндашмас бир умр сизга,
Қалбингиз саҳнида қулф урар баҳор.
Онажон, қарздорман ҳимматингизга,
Сиз билан қалбимда шодлик бир жаҳон:
Умрим ўтаверсин хизматингизда,
Сиздан миннатдорман,
Раҳмат, онажон!

1957

БАҲОР ЗАВҚИ

(Пейзаж)

Кўм-кўк новдаларда
Ғужум-ғужум бўлиб,
Устма-уст қўнгандай
Оппоқ капалак —
Ўрик гули яшнаб туради.
Арилар визиллар,
Гуллар атрин сўриб:
Шудринг — ойнак тақиб,
Бир туп наъматак
Ғира-шира тонгни кўради.
Шунда қуёш чиқар
Тонг кетидан чопиб.
Шудринглар учганда
Илиқ нафасдай,
Бодроқ-бодроқ гуллар кулади.
Қунга багринг очиб,
Шодон қаҳ-қаҳ ётиб,
Севимли богимда
Бир лаҳза қўймай,
Баҳор дилним гулга улади!

1957

ТОНГДА

Кумуш тонгнинг жамолига боқаман,
Хаёл суриб гулшанларда оқаман...
Йўлларимга яшил гилам пояндоз,
Юрагимни тутқун қилар гул чаман.
Қир бетида мисли қирмиз пиёла
Бош силкитиб мени чорлайди лола.
Тоғ қушлари қанот ёзиб сайрашар,
Тошлараро кўпиради шалола.
Қайга бормай ҳаёт қайнаб тошади,
Қувончларим боғдан-боққа ошади.
О, қандай соз бу — ўлкамнинг гул фасли!
Тонг жилмайиб кумуш ранг нур сочади.
Ўйларимни гулга, нурга ўрайман,
Қатъий туриб ўз-ўзимдан сўрайман:
— Не боисдан юртим бунча жилвадор?!
Шунда менга жавоб берар гул чаман:
— Бу ўлканинг тўрт фасли ҳам навбаҳор!

1957

с

Клуб тўла одам...
Эснашиб,
Тинглашарди лектор сўзини.
«Дин — афюн», деб томоқ қирарди,
Лектор залга тикиб кўзини.
Ва ниҳоят тугаб маъруза,
Нотиқ қўлтиқлади папкасин —
Ойнагини тақиб чиқаркан —
Қулоқча босиб шапкасин,
Қора мушук кўрди олдида,
Манглайига созлаб муштлади:
Тиззалари бўшаб, қалтираб,
Асабидан лабин тишлади,
Дин дилига чангал солди-да,
Лектор вайсай кетди чиппа-чин.
Атрофига қараб олди-да,
Пичирлади,
«Раббим, асрагин».

1957



Боғ гулларин атрини пуркар
Сарин еллар ҳовлинг юзига.
Садарайҳон, нафис нилуфар
Мафтун қилар мени ўзига.
Гул фаслида ўйлаб кетаман
Мирзачўлга келган вақтингни.
Унутмайман:— Шу чўлда чаман
Яратамиз! — деган аҳдингни.
Эсингдами, бир кун икковлон
Чўлда юрдик. Сен тердинг лола.
— Баҳор кепти; бу ерда бирон
Қалдирғочдан йўқдир нишона,—
Девдинг... Мана, қонибсан гулга,
Орзуларнинг ёзибди қулоч.
Баҳор олиб келган шу чўлга
Ўзинг эдинг тўнғич қалдирғоч!

1957

Водий нафасидан гул ҳиди келар,
Ўлкада кезади баҳор — келинчак.
Куртаклар ёқасин чок этиб йиртар,
Оламга юз тутар сулув бойчечак...
О, қандай нашъали,
Кун қизиғида
Ҳаммада кўкламнинг завқи, шавқи бөр.
Қувониб боқаман:
Қуёш тигида,
Меҳнат қўшиғида акс этар баҳор!

1957

ЖАБАЙ ОТА

*(Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони
кекса чўпон Жабай Балимановга)*

Томди чўлларининг ўрта белида
Ўтларни куйдирар аямай қуёш.
Қушлар ҳам чийиллар кириб инига,
Куннинг иссиғига беролмай бардош.
Нам қумсаб йўргалар калтакесаклар,
Илонлар кулчаси тошлар тагида.
Оёғи куйгандай қуёнлар сакрар,
Кийиклар ҳансирар тоғ этагида.
Кўктой ҳам энтикиб, тили осилиб,
Саксовул остига ночор олар йўл.
Барханлар қизиган худди тандирдай,
Нафасни қайтарар ёниб ётган чўл.
Сиз эса, чарчамай, қуёш тигида
Отарлар изидан юрасиз ҳар чоғ.
Дўмбира чертсангиз, кун қизигида
Нақ янграб кетади қадрдон Оқтов...
Отахон, ғайрату зўр бардошингиз
Сизни ёшартирар, ҳеч қаримассиз,
Ҳар баҳор бошланар йигит ёшингиз
Қўйлар бирин-кетин туққанди эгиз.
Кун ботиб,
Осмонга кўтарилар ой,
Сокин тун...
Тинчийди шўх қарчиғайлар.
Қайдадир сайрайди гоҳ сўфитурғай,
Чашмалар жўш уриб,

Яшнайди сойлар.
Мафтунман, ўтовни безабсиз,
Қойил,
Радио жаранглар — янграйди «Ушшоқ»,
Сиз билан саҳронинг кўрки чиройи,
Сиз билан қадрли бу қир,
Бу ўтлоқ!

1957

НОРХОЛА

I

Тутун буралади гўё зарпечак,
Ошхона ичида очолмай кўзин —
Норхола ўчоққа пуфлайди бирдак,
Қурумдай қорайган манглайи, юзи.
Ўт ёнмас,
ёнади хола юраги,
Асаби қайнайди,
қайнамас қумғон:
Кўз ёши оқади, ивир кўкраги,
Ер муштлаб ўзини қарғайди чандон:
«Даладан ҳўл ўтин териб оч-наҳор,
Шўргинанг қурисин, ўтса кун шундоқ...»
Холанинг кўзига дунё, атроф тор,
Хит бўлар, қумғони қайнамас узоқ.

II

Ошхонада чарақлар электр чироқ,
Белида фартуги, кезади хола.
Лабида табассум, чехраси қувноқ,
Гуручдан ўлчайди тўрт-беш пиёла...
Катта оиланинг катта ошпази
Газ плита устига қўндирар қозон,
Қўк газга термилар, келар ҳаваси,
Қалбига сиғмайди қувонч, ҳаяжон.

Эсига келади:

пастак ошхона,

Ҳўл ўтин,

аччиқ дуд,

қорайган қумғон...

Шунда дер:

«Садағанг кетай, замона,

Айланай, дилларда қолмади армон!»

1958

Дилинг уриб турибди гурс-гурс,
Оташ бериб бутун танингга.
Гўзаликка ошиқсан,

дуруст,
Маҳлиёсан ҳур Ватанингга.
Гулни куйлаш ҳунаринг,

яхши,
Богларни ҳам, гулни ҳам куйла.
Бироқ, гўзал ҳаётнинг нақши —
Одамлар бор,

бу ҳақда ўйла!
Шулар билан яшнайди бўстон,
Шулар бог-роғ яратувчилар!
Дарёларни жиловлаб ҳар он,
Саҳроларга қаратувчилар.
Шулар бўғиб уруш бўғзидан,
Соқчи бўлиб оёққа турган.
Душманларнинг қўрқмай дўқидан
Етти йиллик режасин қурган.
Одамлар бор — шу ҳақда ўйла,
Шунда шеъринг боглайди қанот.
Улар билан бирга юр, куйла,
Сени шунга чорлайди ҳаёт!

1958

БОЛАЛИГИМ

Қувноқ болалигим томларда толмай,
Қизгалдоқ терарди дастама-даста.
Мунчоқ кўз ниначи чап бера олмай,
Қанотин тутарди унга бирпасда.
Дарё тошқинидек ўтди у дамлар,
Сакради кўпириб баланд тоғлардан.
Хивич от жilовин бурди тутамлаб
Гул ҳиди анқиган гўзал боғларга.
Ҳаётман, сўнмайди дилимпинг ўти,
Болалик йилларин қўмсамайди ким?
Юрагим чашмасин шопириб ўтдинг,
Меҳрингга тўймадим,
О, болалигим!

1958

Нега кўзим юмай, замондош?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧИРОҚЛАР

Зулумат ўргимчаги...
Минг-минг алҳазар
Суруниб оламини тутсайди агар,
Одамлар ўларди ташна зиёга,
Одамлар ўларди келмай дунёга.

Чироқни ёқтирмас бир кўршапалак,
Парвона нур дея бўлади ҳалак.
Нур борки, бу ҳаёт гўзал бир малак,
Нур берган нур каби яшаши керак!

Уйларда ёнади юзлаб чироқлар,
Ёнади ҳаётдан сўзлаб чироқлар.
Чироқлар зулматни ёриб чарақлар,
Равшандир кўзларга яқин-йироқлар!

1954

Ой сузади оқ булутлар устида,
Чигирткалар бедазорда чириллар.
Илҳомимни олиб қочмоқ қасдида,
Сочим силаб майин шамол ғириллар.

Тун қўйнига пардоз берар нур — упа,
Нигоҳимни узолмайман даладан.
Шийпондаман.

Каравотим — шосула.
Қоровулим — бир жуфт терак оқбадаи.

Ойнинг нури тангаланар ҳовузда,
Тол барглари бошим узра шивиллар.
Гулзор нурда товланади товусдай,
Дала туни юрагимни сеҳрлар.

Шунда, шамол тўзғитса-да сочимни,
Шеър ёзаман сира бермай эътибор,
Далаларга кенг очиб қулочимни,
Янги тонгни кутаман танҳо, бедор!

1959

ТУПРОҚ ҲИНИ

Ҳалим Жунайдулла

Болаликда кўча бошида
Ҳинар эдим ҳар куни тупроқ.
Меҳригиё кўриб чошида,
Ясар эдим қумдан девор, тоғ.
Шу тупроққа чўзилса ёт қўл,
Қўнғир сочим бўларди найза.
Ўзгаларга бермас эдим йўл,
Улар эса дердилар — қайсар!
— Йўқ, йўқ, бермам, менинг тупроғим...
Ўзни ташлаб, олардим қучиб.
Бугун эса, кўзим қароғи
Феълим сенга ўтибди кўчиб.
Тупроқ ўйна, оташ, меҳр-ла,
Болаликдан Ерни сева бил.
Қипригингга қўнса ижирғанма,
Қутлуғ Ерга, ўғлим, таъзим қил.

1959

ҚУЁШ ЗАРРАСИ

Қуёш заррасиман!

Барра ўтларга,
Майсаларга бағишлайман жон.
Дуч келганда гоҳ булутларга,
Бағрин тилиб ўтаман шу он.
Нурман!

Қанот бўлиб елларга,
Тинимни билмайман сира ман.
Зулмат қоплаб ётган элларга
Ҳаёт, ёғду бўлиб кираман!

1959

Дунё ташвишида оттираман тонг,
Қўз юмсам тинчитмас бир лаҳза хаёл.
Наҳотки, мурувват,
ақл,
идроқ,
онг,—

Шу улуғ асрда топади завол!
Ахир мен инсонман!

Жаҳон тақдири
Менинг ҳам елкамда,
Тинчлик-матлабим.

Шунинг-чун ўй суриб тунлари балким
Тонгларни кутаман ухлолмай, бедор!
Дунё ташвишида оттираман тонг...

1960

КЎЛМАК

Тиниқ, аммо, сассиқ эди бешак,
Заҳ тўқайда тўпланган кўлмак.
Жилмас эди кўпдан бери у,
Келмас дерди ҳеч устимга сув.
Дарё тошқин бўлиб шу баҳор,
Устига сув келди ҳужумкор.
— Бўшат ўрнинг,— деди сув оқиб,
Кўлмак ғойиб бўлди тутоқиб!..

1960

ИҲОТА ДАРАХТЛАРИ

Кизилқум бағрида қўлни қўлга бериб,
Гармсел, довулларни енгиб шиддаткор,
Офатларга қарши тик кўкрак кериб,
Иҳота дарахти саф тортмиш қатор.
Бўронлар ўкириб совуқ қиш чоғлари,
Қоронғи тунларда қилишар ҳамла.
Гоҳида учириб қуриган шохларни,
Бўридай увиллаб,

хўнграр алам-ла.

Қанийди томирдан отса сугуриб...

Йўқ!

Бўрон енгилар

ва бўлар таслим.

Иҳота дарахти ҳамон саф туриб,

Шудринг-ла ювилиб,

кўрар тонг васлин.

Кизилқум бағрида қўлни қўлга бериб,
Гармсел, довулларни енгиб шиддаткор,
Офатларга қарши тик кўкрак кериб,
Иҳота дарахти саф тортмиш қатор.

1960

(Ўлуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчи қизларга)

Мен сени кўрганман рус ўрмонида,
 Елкамдан зирқираб оққанида қон.
 Суянчиғ бўлгансан Волга ёнида,
 Танимда қолмаган кезларда дармон.
 Неча бор сарвдек қоматинг учун
 Ёвларни қулатдим, тишлатдим тупроқ.
 Ёвлардан ололдим куйганинг ўчин,
 Бехатар ўссин деб ҳар дарахт, япроқ.

Ясаниб-тусаниб бугун уйимга
 Сўроқлаб, эшигим қоқиб келибсан.
 Яна мен ёнмайми ҳижрон, кўйингга,
 Марварид сирғалар тақиб келибсан.
 Бўйнингда ловиллаб ёнувчи маржон
 Оловли йилларнинг ёлқиними ё?
 Ё чўян елкамда зирқираган қон
 Устингга ол рангда ёпдими сарпо?!
 Мен сени кўрганман рус ўрмонида,
 Қоматинг ловиллаб ёнган чоғда ҳам
 Тик туриб ёнгансан юрт посбонидай,
 Душманга қаддингни сира қилмай ҳам!

1960

Файзулла Ансорийга

Уч-тўрт ўғлон мени олди бир кун ўраб,
Илҳому шеър манбаини қолди сўраб:
— Лолаларнинг ол рангида, дедим, шеърим,
Тўрғайларнинг оҳангида менинг шеърим,
Подаларнинг яйловларда яйрашида,
Булбулларнинг тонгда «чаҳ-чаҳ» сайрашида,
Зарафшоннинг мавжларида менинг шеърим,
Ҳофизларнинг авжларида менинг шеърим.
Бўстонимнинг файзли, толзор йўлларида,
Олмаларнинг гулларида менинг шеърим.
Ўйнаб-ўсган далаларда юрар кезиб,
Муштоқ дилим турар бугун шуни сезиб:
Шеърларимни мен ёзаман ўша ерда,
Ўзим униб-ўсган азиз чўлу қирда!

1960

ҚИШ ҚУНИДА

(Лавҳа)

Қор тўзгиб тўзитар ҳовли юзини,
Нафасни қайтарар изғирин, совуқ.
Илқ бор татигандай қишнинг тузини
Бўғот панасида чирқирар чумчуқ.

Дон излаб тополмай, айвонга учиб,
Мўридан термилар гоҳ ошхонага.
Шох-шабба «шир» этса, «пир» этар чўчиб,
Жонини ҳовучлаб қочар панага.

Шу чоқ кампир сепар товукларга дон,
Чумчуқ ҳам ўзини давраға урар.
Хўроз бўйин чўзиб, қувар беомон,
Лайча тутмоқ бўлиб югурар, ҳурар.

1961

ҚУРБОНЛАР

Степан Шчипачевдан

Оёғим остида яхлит Ер шари,
Тирикман, жарангдор қўшиқ-қуйларим.
Ватан деб, жон берган Ватан эрлари,
Доим ёдимдасиз, сизда ўйларим.

Шунчалар яқинсиз юракка, дўстлар,
Майлига, санамай Сизни номма-ном.
Жангларда жон бериб ва лекин бизга —
Мангулик ҳаётни этдингиз инъом!

Дил хижил тортади, қаридим десам,
Тил бормас ўлимдан гоҳи гап очсак,
Эшитсам — дилимни кемиради ғам:
Бировлар ўз қадрин дон каби сочса.

Мен ўлиб кетардим аллақачонлар,
Шинелим бўлганди ўқдан увада.
Сивашда тўкилди беҳисоб қонлар,
Ўшанда ўлардим, балки, Уфада.

Мен деб қулади, афсус, тенгдошим,
Кўзида кўрмадим милт этган намни.
Жангларда кетарди танамдан бошим,
Кўрмасдим, балки мен, оқ соч онамни.

Қулоқлар ўқ пурккан йили устимга,
Умрининг эгови, оғу, озори —

Ўқлар келиб тегди минглаб дўстимга,
Нишона қолгани — «Дўстлик мозори».

Солдатлик йилларин тарихи узоқ,
Она юрт чорлади яна курашга.
Йўлларга тушдилар қизчалар шу чоғ —
Душманлар бомбасин излаб ковлашга.

Ўлимни кўрдим мен, ёнишин ял-ял,
Бу даҳшат чиқмагай эсдан бир умр.
Жангларда мум каби эрирган металл,
Қадамда ўлигу, қадамда чуқур.

Қон иси бурқсиган даҳшатли сўқмоқ
Ҳаммага манзилгоҳ, қўноқ, эш эди,
Менимас, Черняховский — дўстимни бироқ.
Бир парча осколка кўкрагин тешди.

Мен эмас, қийналиб қонга булганган,
Азобга чидаган, сира демай «вой».
Душманга тил бермай, шердай тўлганган —
Ўн олти ёшарлик Олег Кошевой!

Шунчалар яқинсиз юракка дўстлар,
Майлига санамай Сизни номма-ном.
Жангларда жон бериб
ва лекин бизга —
Мангулик ҳаётни эттингиз инъом!

Яхшиям дунёга келдим туғилиб,
Онажон, сиз учун, сиз учун фақат.
Сочингиз оқини кўрсам бўғилиб,
Дейманки:

— Кексалик бунча бешафқат.

Ўша оқ толани бўлса-ю имкон
Кўзим қорачиғи билан бўясам...
Умримни алмашай, келинг, онажон,
Қарзим узолмасдим сиздан шунда ҳам.
Дунёда бормикин онадек улуғ,
Онадек мўътабар, онадек гамхўр.
Юраги қуёшдек меҳр билан тўлиғ,
Онадек муштипар, онадек масрур.
Оналар кашф этган қуёш, ёғдуни,
Меҳр ҳароратин берган жаҳонга.
Оналар енголган алам, қайғуни.

Сув устида кўприк турар букчайиб,
Гўё бели ёй — букилган, кекса чол.
Тўлқинлар ҳам тебратолмас кучаниб,
Юк кўтариб бардам турар алп мисол.

Сув устида кўприк турар букчайиб,
Гоҳи уни босиб ўтар одамлар.
Ўйинқароқ гўдаклар ҳам улғайиб,
Йиллар ўтса шу йўл билан қадамлар.

Сув устида кўприк турар букчайиб,
Гоҳи унга биз бермаймиз эътибор.
Кўпни кўрган.

Ҳали у зўр ва чайир.

Сукут сақлар.

Сукутида ҳикмат бор!

1962

БАТАНДОШИМГА

Қўлингга узатай меҳрим тўла жом,
Бир жомки, лиммо-лим иззат-эҳтиром.
Сен офтоб, азизим, мен кунгабоқар:
Шунинг-чун эгилиб бераман салом.

Қайғурсанг қайғуриб, кулсанг куламан,
Қувонсанг қувониб, завққа тўламан.
Маърака — тўйингга бир пой шерикман,
Сен билан бир сафда токи тирикман.

Қаерда бўлмайин сен ёнимдасан,
Қўшигим, шеъримда, виждонимдасан!

1962

1

Чумчуқлар чирқирар яланғоч толда,
Осмонда йўртади тойлоқ булутлар.
Хазонрез шагиллаб учар шамолда,
Аёзда тебранар жизғинак ўтлар.
Кемадай сузишиб ҳовуз мавжида
Бир-бирин қувишар толларнинг барги.
Сахий куз неъматин тутар ҳовучида,
Бу унинг илтифот, туҳфаси балки!

2

«Шолп» этиб ҳовузга тушди бир олма,
Олмаки, бир юзи лоладай қизил.
Олмани отган қиз, ғафлатда қолма,
Бу ёқ кел!

Далалар жамолин кўргил!
Олмани ёрига отади киши,
Севгиси бориға отади киши.
Қизми ё дарахтдан сўнгги олмани,
Кузми ё дарахтдан сўнгги олмани —
Туширди?

Билгунча қўймайман сира,
Олтин куз, нозингга тўймайман сира!

1962

Қуёш ботган...
Шошқин Зарафшоннинг
Сапчиб чопар шўх тўлқинлари
Бўстони қирғоқда,
Азим дарёни
Сайр этаман мен ёз тунлари.
Ой қалқийди кумуш мавжларида,
Бир лаҳза тикилиб сураман хаёл:
Отам атайинми дарё лабида
Экиб кетган экан мажнунтол?
Билганмикан, ўгли шоир бўлиб,
Мақташин унинг чиройин?
Қўз қорачиғидай чин юрагидан
Севишини туғилган жойин!
Билганмикан, шу айқин тўлқинлар
Бир кун келиб тарашин зиё?
Мажнунтолга қараб хаёл сулардим,
Бир қўл тушди елкамга ногоҳ,
Чўчиб кетдим...

О, шоир ота,
Тўқсон ёшда, ғазал ошиғи!
Кулиб дўмбирасин қўлга олди-да,
Бошлаб берди дарё қўшиғин:
«Гулга қўмилибди Бўстон ёвони,
Қўшиғимни эшит гўзал Зарафшон.

Сенда оққан эди инсон ҳижрони,
Бугун бўлдинг азим дарё нурафшон.
Қайна, шошил, пишқира бер шўх дарё,
Турмушимиз бўлди гулгун, тўқ дарё.
Ўзинг айт-чи, сени севмай бўлурми,
Гўзалликда сира тенги йўқ дарё?!»

Ой ҳам ботди...

Шошқин Зарафшоннинг

Ҳамон чопар шўх тўлқинлари.

Шоир ота билан дарё қирғоғини

Сайр этамиз биз ёз тунлари.

1963

БАҲОР ТУНАБ УТИБДИ...

Зубайда Абдуқодировадан

**Қуёш нури теккан ерга
Бойчечаклар тутди юз.
Хусн кирди чўлу қирга,
Жилмайди тонгда юлдуз**

**Шарқирашиб сувлар оқди
Қуй таратиб сойлардан.
Қушлар базми дилга ёқди,
Пана-пастқам жойлардан.**

**Ола-чўқир қир-адирда
Елди баҳор нафаси.
Тонг чоғида турсам, бирдан
Қанотланган ҳавасим:
Қор жўнапти...
Атроф кўм-кўк...
Қирни лола тутибди.
Сабабини билсам,
Шу кеч
Баҳор тунаб ўтибди!**

ҚАРШИ ЧЎЛИДАГИ ХАЁЛЛАР

Мавжланади Қарши чўли
Оёқларим остида.
Майса ўтлар бир гиламдай
Майин тўшалиб ётар.
Ёшлик, баҳор атри бурқсир
Шаффофдек ҳавосида,
Одамзоднинг пойқадами
Етган тупроқ, муаттар.
Хаёл учди қайларгадир,
Уфқларда нигоҳим.
Сочларимни тортқилайди
Чўлнинг бебош еллари.
Эй, жўшқинкор ижод дарди,
Сенга қалб хумор доим.
О, қуйилинг юрагимдан
Чўл илҳомин селлари!
Яккам-дуккам саксовулмас,
Жаҳолат кўланкаси.
Қадим бунда тонгни ютган,
Шу она-Ер гувоҳи!
Қанча бева-бечоранинг
Қуригану тинкаси,
Жон сақлолмай, ўтиб кетган
Фалакка етмай оҳи.
Қарши чўли...

От чоптирди жаҳонгашта Темурлан,
Сўқмоқ йўллар ҳамон гувоҳ
Карвонларнинг изидан.
Қор бўрони, қум тўфони
Ҳукм сурган минг йиллар,
Минг йилларки, осмонида
Соврилган гирдибод.
Мана, бугун Қарши чўли
Оёқларим остида.
Майса ўтлар бир гиламдай
Майин тўшалиб ётар.
Меҳнат гаштин кузатади
Қуёш туриб постида.
Меҳнат, ҳаёт ғувури-ла
Ҳар кун бунда тонг отар!

1963

ДАЛА ГАШТИ

(Лавҳа)

Пахтазордан қайтдик чарчаб
Ойтуғди қишлоғига.
Даврон ака бизни бошлаб
Кирди колхоз боғига.
Боғ деса боғ, бир томонда
Тутаб ётар анжирзор.
Қирмиз чойнак каби келар
Бир ёнда ҳар бир анор.
Ишкомлардан шарбат томар
Узумлар пишган айни.
Татий десанг, томоғингни
Қириб кетар ҳусайни.
Полиз ёқдан ҳид таратди
Кузги бўрикаллалар.
Гулзор ичра райҳонларни
Шамол силар, аллалар.
Тепамизда пишиб ётар
Олмалар юзида нақш...
О, бу боғни унутмаймиз,
Бу боғ эди илҳомбахш!

1963

Сергей Орловдан

Шимол гўзал...

Ўрмон мудрар
Юз товланиб бир ёнда.
Айиқ янглиғ оёқ судрар
Оқ булутлар осмонда.
Малла укки каби кўкка,
Ҳу, уфқдан чиқди ой.
Оққайинлар ташлар кўлка,
Маст бўламан мен ичмай!
Қушлар сайрар, ғижирлаб дуб,
Учиб ўтар турналар.
Қайф қиламан ҳар гал кўриб:
Гўзал ўлкам шунчалар!

ФИРУЗА ОҚШОМЛАРИ

Гоҳ ёнади, гоҳ сўнади осмон шамлари,
Гоҳи кўкка излар солар юлдузлар кўчиб.
Фирузада бўлганмисиз ёз оқшомлари,
Кўрганмисиз муздай салқин ҳавосин ичиб?

Кундузлари еру кўкни қиздирган қуёш —
Муз гардиши бўлиб қотар тунги самода.
Тоғ сиртига ҳал пуркайди сулув ой — наққош,
Атир иси бурқсиб ётар тоза ҳавода,

Тизма тоғлар хаёл суриб мудрар сервиқор,
Кўпиради, гувиллайди жарда шаршарак —
Хилват тун-да, ҳу, чўққида сакрайди олқор,
Қуруқ майса шарпасидан бўлиб жонсарак.

Қанотларин йигиб, пешвоз чиқай деб кунга,
Парвозига шайланади бургут қояда.
Фазоларга бўйин чўзса, туюлар унга —
Чарақлаган ситоралар пиллапоядай!

Гоҳ сўнади, гоҳ ёнади осмон шамлари,
Гоҳи кўкни чизиб ўтар юлдузлар кўчиб.
Фирузада бўлганмисиз ёз оқшомлари,
Кўрганмисиз муздай салқин ҳавосин ичиб?

1964

* * *

Л...га

Лабимдан аримас қургур папирос,
Ёзаман, йиртаман дарғазаб.
Столим устида сиёхдон, қоғоз,
Мижиглаб ташланган варақлар.

Фикрлар, бўёқлар менга қилиб қасд,
Барра булутлардай кезинган...
Келгин,
 рўпарамда тик тургин бирпас,
Хонамга шеър кирсин изингдан!

1964

Учқур қанот пайдо қилиб шеърларим
Қалдирғочнинг боласидай учдилар.
Орзуларим,

фикрим,

ўйларим

Хонамни тарк этиб, мана, кўчдилар.
Истардимки, дарак бериб баҳордан,
Қўшилсинлар улар қўшиқ, куйларга.
Истардимки, қалдирғочдай севилиб,
Ин қўйсинлар кириб бахтли уйларга!

1964

Қуёшга қарадим пешин чоғида,
Бош узра тик эди, қамашди кўзим.
Умрим ҳам тик ярим йил саноғида,
Баъзида ишонмай қоламан ўзим.

Шу ярим умримда омоч, жинчироқ,
Ракета, роботлар гувоҳи бўлдим.
Овундим эшитиб қуруқ шақилдоқ,
Гоҳида дард чекдим, гоҳида кулдим.

Кимёгар донишманд митти заррани
Юз миллион бўлакка бўлолгани рост.
Эшитдим ёққанин мен қизил қорни,
Бунга ҳам топилди мантиқий асос.

Афсуски, ўлимга топилмай чора,
Муътабар яктолар бўлдилар қурбон.
Умримиз узаяр бора ва бора —
Бир куни ўлимни енгажак инсон.

Бурнидан нарини кўра олмаган,
Эси паст, ғўрларни кўрдим бу ёшда.
Шу ҳаёт лаззатин сўра олмаган,
Ношукур кўрларни кўрдим бу ёшда.

Яхшилик силади бошимни обдан,
Яхши сўз бир сабаб завққа, илҳомга

Яхши одамлардан қарздорман кўпдан,
Улар-чун ҳаётим тайёр инъомга.

Қуёшга қарадим пешин чоғида,
Бош узра тик эди...

Қамашди кўзим.
Умрим ҳам тик ярим йил саноғида,
Баъзида ишонмай қоламан ўзим!

1964

ЮРАК ДАФТАРИГА ЁЗ

Дарё — шўх той,
Ёллари —
Қуёш зар тороғида.
Тўлқинлар қулоч отар
Қўзларинг қароғида.
Қирғоқда майса узра
Кезар бебош шаббода.
Саф тортиб худди мисра
Турна учар ҳавода.
Хуш сайрар жиблажибон
Сен каби маст, вақтичоғ.
Ху, юлғин шохига боқ:
Тўрғай ўйнар арғимчоқ.
Бу ҳаёт қандай гўзал,
Эркам!
Боққин барига.
Кипригинг-ла ёз ғазал
Юрагим дафтарига!

1965

Мусаффо қалбимга қўшиқ ҳукмрон,
Шодлик оғушида ўтар кунларим,
Москвам, бағрингда бугун мен меҳмон,
Бу гал ҳам уйқусиз ўтар тунларим.

Одамлар оқими мени сеҳрлар,
Хиёбон, кўчалар баъзан келар тор.
Тепамда чарақлар ёқут юлдузлар,
Мисоли беш юлдуз — кесилган анор.

Ухламай, Лениннинг қадамгоҳини
Зиёрат этаман, бош эгиб, эслаб.
Ҳассос шоирларнинг хоки пойини
Тверь бульварида юраман излаб.

Пушкинга қўйилган ҳайкал ёнида
Соатлаб тураман, ақлу хушим банд.
Ой бўлнб нур сочар шеър осмонидан
Тенги йўқ Лермонтов — устоз, жигарбанд.

Ўзимга келаман эсимни йигиб,
Кундуздек чароғон июль кечаси,
Ногаҳон шаббода қолади эсиб,
Бағрига тортади пойтахт кўчаси.

1965

Ху, узоқда нола қилар най,
О, ойдин тун,
Хислатларинг мўл.
Ошиғингман, намозшомгулдай
Қучоғингда ёзаман кўнгил.
Ойга қараб тўймайман асло,
Ёш гўдакдай санайман юлдуз.
Далаларга бўлиб маҳлиё,
Тасвирингга тополмайман сўз.
Ой нурини тўкар юзимга,
Тун гаштини сураман яккаш.
Яйдоқ тоғ ҳам шу кеч кўзимга
Кўринади бўлиб меҳнаткаш.
Ариқ бўйлаб тут дарахтлари
Хаёлимни тортади бир дам.
Аямайди улар баргларин
Гўё саҳий, меҳнаткаш одам.
Борлиғини ҳаётга бериб,
Осойишта олади нафас.

1965

Билмаган нарсам кўп ҳали дунёда,
Кунларим ўтмоқда афсус бесамар...
Минг йиллик умр бор баъзи гиёҳда,
Бу дунё мураккаб, дунё сеҳргар.

Не учун инсоннинг нозик юраги?
О, қани метиндан бўлса эди у?!
Одамзод бўларди осмон тиргаги,
Сира йўл бермасди йиғига кулгу.

Кўзимда эрийди атроф — тегралар,
Олам ўқилмаган китоб, муаммо...
Не учун қуёшда яйрар чеҳралар,
Юракка ғаш тушар, қорайса само?!

1965

ҚИШЛОҚНИ СОҒИНИБ

Қишлоқни севаман, онажон,
Соғиниб келдим мен шаҳардан.
Ёзайлик ўртага дастурхон,
Чордона қурайлик саҳардан.

Деҳқонча кўк чойдан бир ҳўплаб
Олмасам, босилмас чанқоғим.
Сўнг, уруғ-аймоқни бир тўплаб,
Керакдир дардларим айтмоғим.

Шаҳарда, тўрт қават бинода,
Шоҳона яшайман, минг шукур.
Камчилик бўлмас цирк, кинодан,
Бари-чун шаҳарга ташаккур!

Тўрт қават уйларнинг кўп сози,
Шоҳона яшайман, минг шукур.
Тонг чоги хўрозлар овозин
Қанийди эшитсам бирор қур.

Қўй, сигир маърашин ўғилчам
Тинглайди зангори экрандан.
Мана, у ўн ёшга кирса ҳам
Билар сув оқишин крандан.

Шаҳарда, тўрт қават бинода,
Шоҳона яшайман, минг шукур.

Дарёни кўрганда кинода,
Ўзим ҳам бўламан бир товур.

Дарёни соғиниб келдим мен,
Қалбимда илҳому эҳтирос.
Қишлоққа шамолдай елдим мен,
Табиат жилвасин қўмсаб боз.

Қишлоқни севаман, онажон,
Соғиниб келдим мен шаҳардан.
Ёзайлик ўртага дастурхон,
Чордана қурайлик саҳардан!

1965

Мана, бугун ниҳоят тўйинг,
Ёпинибсан о, ҳарир рўмол.
Куёв билан банд фикру ўйинг,
Эсингда ҳам йўқман, эҳтимол.

Сен кўрмайсан, турибман пастда,
Бошим қуйи: қўлимда қадаҳ.
Қулоғимда ўша илк ваъда,
Кўз олдимда боғдаги сада.

«Сизсиз ҳаёт йўқ!» деган ўзинг,
Севаман, деб айтган ҳам тинмай.
Бугун ҳатто тушмайди кўзинг,
Хаёл менга тутқизади май.

Истардимки тўйингга соқий
Бўлса шу чоғ боғдаги сада.
Садоқатиыг, севгинг ҳақида
Тилга кириб айтса бир қадаҳ!

1966

НАВНИҲОЛ

Сарвқомат паризоддек
Қад кўтарди навниҳол.
Ўрикзорда, илк баҳорда
Ташланди кўзга.

Исиса ҳам, ҳали борди
Хавф-хатардан эҳтимол,
Гуллади-ю...
Зебу зийнат бағишлади ўзга.

Ҳали куртак отмаганди
Атрофида — дов-дарахт,
Бодроқ-бодроқ оппоқ гулга
Кўмилди шошиб.

Ёшлик экан...
Очилишни у ўзига билди бахт,
Оро-торо берди чунон,
Ҳаддидан ошиб.

Бирданига ўзгарди-ю,
Илк баҳорда об-ҳаво,

**Ариқдаги сув ҳам ҳатто
Музлади чунон.**

**Очилди-ю қовжиради
Гули, энди йўқ даво,
Мавридида очилади
У бундан буён!**

1966

ОЙ ҚЎЛЛАРИДА ФОНАРЬ

«Восход» кемаси қаҳрамонларига

Чўғ юлдузлар — зинапоя,
Ой қўлларида фонарь.
Сомон йўли тубанларда,
Тубанда Зухра, Чўлпон.

Нилий гумбаз оғушида
Иқбол юлдузин санар —
Уч азамат — уч ватандош,
Уч забардаст паҳлавон.

Уч космонавт — осмон сирин,
Тилсимлари қўлида.
Хаёлдан ҳам тез учади,
Нур денгизи йўлида.

Қитъалардан қитъаларга
Тинмай елиб учади.
Она-Ватан шуҳратини
Байроқ қилиб учади!

Бир шуҳратки, саодати,
Келажаги жаҳоннинг.

**Бир иқболки, заковати,
Ақли буюк Инсонпинг!**

**Бу — минг йиллар орзу, хаёл,
Истак бўлган ҳақиқат.
Бундай жумбоқ жўн ечилар
Бизнинг тупроқда фақат.**

ЕРГА САЖДА

Оловингмас, меҳринг билан
Пиширгансан, ошимни,
Она замин!
Сажда қилай,
Сенга қўйиб бошимни.
Гардларингни кўзга суртай,
Қайтишим бор гард бўлиб...
Сенинг учун курашларга
Отланганман, мард бўлиб!
Саодатим, кулгуларим,
Шўхликларим ўзи — сен.
Мева-чева, гижда ноним,
Дастурхоним тузи — сен.
Чўллаганда зилол сувим,
Қуёшли кун соямсан.
Инобатим, ижобатим.
Эътиқодим, ғоямсан.
Ҳар қаричинг улкан дунё
Бўлиб кўринар менга.
Янтогинг ҳам меҳригил
Бўлиб кўрипар менга!

1967

Биламан, сездирмай чекасан фиғон.
Шахло кўзларингда кўраман ҳижрон.
Шаффоф юрагингни кемиради ғам,
Лола рухсорингга чанг солар алам.
Изтироб ботса ҳам юрак қаърига,
Чидагин, жонгинам, чида барига.
Ишонгин, бу ҳижрон ўтгувчи булут,
Қуёшинг чиқади...

Қуёшингни кут!

1967

ЁВВОЙИ ЁНҒОҚ

Чўққида унибсан, ёввойи ёнғоқ,
Ўзингни фалакда ҳис этма ҳар дам.
Кафтига кўтармиш сени улкан тоғ,
Ҳоврингдан бир оз туш, бошинг қилгин ҳам.
Баҳраманд бўлмаса сендан тирик жон,
Гар соя солмасанг инсон бошига,
Ҳатто янтоқдан ҳам эрурсан арзон,
Чўққидан туш,
Бош ургин инсон пойига!

1968

Қалбим энтикди-ю, кўзларим хумор,
Салқин ҳаволаринг соғиниб келдим.
Гўзал боғларингга муштоқ, интизор,
Савту наволаринг соғиниб келдим.

Савту наволаринг соғиниб келдим,
Ҳожи Абдулазиз куйига ташна.
«Боги шамол»ингда ел каби елдим,
Турфа гулларингнинг бўйига ташна.

Турфа гулларингнинг бўйига ташна,
«Оби раҳмат» билан ювдим юзимни.
Бағрингда бахтиёр сездим ўзимни,
Ҳар сирли гўшангда орттирдим ошна,

Ҳар сирли гўшангда орттирдим ошна,
Қолдирмай бир четда айтган сўзимни
Дўстларим ҳурматда юрди ардоқлаб,
Кошкийди, тузингни кетолсам оқлаб.

Кошкийди, тузингни кетолсам оқлаб,
Қалбим машъал бўлса ҳатто тунингда.
Мен келдим бу гал ҳам сени сўроқлаб,
Кошкийди, ярасам бирор кунингга!

1968

ТИЛ ОЧИШ

(Ҳазил)

Ҳовлида тўй-томоша,
Тўрда бахтли қарилар.
Созанда чалади соз,
Рақсга тушар парилар.

Куёв аста жилмайиб
Келинга ташлайди кўз.
Келин ҳам кулиб қўяр,
Айта олмай бирор сўз.

Куёв гапга солади,
Келин ҳеч бермас жавоб
Ҳамма ўйнаб-кулади,
Биргина куёв ҳуноб.

Шунда келиб қудаси
Тинчитади куёвни:
— Куёв, гапнинг лўндаси,
Тез жўнатинг бировни,

Бир қўй сўйиб, тилини
Ликобга солиб келсин.
Жигари-ю дилини
Қовуриб олиб келсин!

Сўйилади бўрдоқи,
Келин сйди тилини...
Тўйдан кейин куёви
Билар келин феълини.

Бир қўй сўйиб келиннинг
Тилини очдими, бас.
Энди уни ўнталаб
Хўкиз сўйиб тиёлмас!!!

1968

Ҳаво очик эди, беғубор, зилол,
Фируза кўк ёноғига бўлиб хол,
Юксак-юксакларда баҳодир лочин
Парвоз этар ёзиб қулочин.

Уни кўриб, қақшар, титрар зағизғон,
Алаmidан дилин кемирар фиғон:
— Нега мен учаман ер қучиб доим,
Дарахт бўйи учган энг баланд жойим?!

Аламдан деворга қўниб, юлар пат
Ва лочин шаънига тўқийди туҳмат:
— Парвозга йўл бермас бир умр Лочин,
Осмонни қоплаган ёзиб қулочин...

Шақиллар ҳали ҳам томда зағизғон,
Парвозда Лочинга етмай бағри қон!

1968

ЗИЁРАТГОҲ

*Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом ва Шайхзода
каби устодларнинг ёрқин хотираларига
бағишлайман.*

Кўзларимни ачитар
Қалқиб турган аччиқ ёш.
Мен сокин шу лаҳзада,
Жим, сокин Чигатой ҳам.
Қанча суюк шоирлар
Шу тупроқ ичра ётур.
Қанча буюк донолар
Шу тупроқ ичра ётур.
Айтилмай қолган калом,
Олам-олам фалсафа,
Тафаккуру маънолар.
Шунда ётган деҳқонга
Менда чексиз эҳтиром,
Шу деҳқон қилиб кетган
Боғ-роғимни обод.
Қафтлари қадоқ эди
Бунда ётган ишчининг.
Унинг руҳи олдида
Бош эгаман умрбод.
Мен гўдак эканимда,
Босқинчиларни қириб,
Қўксин найзага тутган
Инсонлар ётур шунда:
Шу мазорда қўш қабр,
Ётур доно устозлар,
Шу боисдан бу ерга

Бош эгиб келдим кунда.
Қўлимда бир даста гул,
Қўзларимда аччиқ ёш.
Истагим шу:
мозорот
Усти бўлсин боғ-роғ.
Гул, лола тошсин қайнаб,
Мозор бир чаман бўлсин.
Гул сайлига тўплансин
Бу ерга яқин-йироқ...
Шу фасли гул, навбаҳор,
Гул танладим бир қучоқ.
Мозоротга йўл олдим,
Устозлар бўлсин огоҳ!
Боболар қадамгоҳи,
Муборақбод бу тупроқ.
Бир тупроқки, унинг ўзи.
Муқаддас зиёратгоҳ!

1970

Бухоро тунлари...

Сеҳргар тунлар,
Қаърингиз тубида бор нашъу наво.
«Лаби ҳовуз» гуллари бағрига ундар,
Сайргоҳ кўчалар бунча дилрабо.
Нур ўйнар қўнгироқ,
ипак сочларда,
Нур ўйнар ранг-баранг мисли гулдаста.
Фонтан отилади қайрағочларга,
Юраман гўзаллик кўркидан мастдай.
Турфа ранг хонатлас кийган жононлар
Кўзларни яшнатар чамандай ёниб.
Қора кўзойнакда келган меҳмонлар
Қайтишар,

«Лаби ҳовуз» сайридан қониб.
Минора устида сузар рангпар ой,
Нурини тошларга этиб бахшида.
Асрий обидалар очади чирой,
Мен тилсим кўраман тошлар нақшида.
Учқур ҳаёлларга эргашиб шуур,
Ёниқ туйгуларнинг тутиб баридан,
Тупроқда зар кўриб,

ҳар бир тошда дур.
Хаёлан, гумбазлар узра учаман,
Ой нури осмондан сочади зарҳал...
Ва дейман туриб мен замон қаъридан,

— Заргар бўл,
 зар қадрин билгувчи бўлгин!
Самовий гумбазлар қайтарар садо:
— Заргар бўл,
 зар қадрин билгувчи бўлгин!
Бухоро тунлари... сеҳргар тунлар,
Сокин бағринғизда тинглайман наво!

1970

(Ҳамид Олимжон хотирасига)

«Водийларни яёв кезганда»,
 Устоз бўлмас хаёлдан канда,
 Мени бошлар гўзал богларга,
 Поёни йўқ қир, ўтлоқларга.
 Қўшиқ куйлар хушхон ирмоқлар,
 Ойна бўлур зилол булоқлар.
 Булбулларнинг тинглар овозин
 Ва ҳуш кўрар қушлар парвозин.
 Майсазорлар гилам йўлига,
 У тикилар ўрик гулига.
 Лабларига кўниб табассум,
 Хаёл суриб туради бир зум.
 Елда ўйнар қўнғироқ сочи,
 Боғ гулига очиб қулочин:
 «Мана, сенга олам-олам гул,
 Этагинга сиққунича ол.
 Бунда толе ҳар нарсадан мўл,
 То ўлгунча шу ўлкада қол!»—
 Дея, учар лабларидан шеър.
 Гул баргида шудринг — реза тер.
 Она юрти тенгсиз гулистон,
 «Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон» —
 Қўшиқ бўлиб қуйилар, пнграр,
 Боғ кезамиз икковлон саҳар.
 Фируза кўк юзида шу дам,
 Чаппар уриб ўйнар қушлар ҳам.

Ҳаёт бунча лаззатлик, тотлик,
Юрагига сифмайди шодлик.
Ердан олур бир сиқим тупроқ,
Дер: «Шогирдим, шу тупроққа боқ!»
Ақл сира қилмайди бовар,
Ҳар мисқоли олтин баробар,
Шу тупроқнинг қадрини билгин,
Ҳар заррасин сен қўшиқ қилгин!
Меҳнатсевар одамларни кўр,
Бирга бўлиб ҳолу аҳвол сўр.
Ғиждувонда Зайнаб ва Омон
Жавлон урар ёшлардай ҳамон,
Сен уларни қўшиқ қил элга,
Достон бўлсин меҳнати дилда.
Зарафшоннинг мавжларига боқ,
Ярақлайди минглаб шамчиноқ.
Дарё бўйи кета-кетган боғ,
Ёш ниҳоллар ёзади япроқ.
Узоқларга тикилар қувноқ.
Кўзлар сузук, сочлар қўнғироқ.
Атиргуллар этар маҳлиё,
Жаҳон бўлур юрагига жо.
Неларнидир кетади ўйлаб,
Шивирлайди лаблари куйлаб.
Яна кетар завқларга тўлиб
Ва дер менга у аста кулиб:
«Шогирд бўлсанг, унутма асло,
Халқ ичида бўлгин доимо,
Дил нозикдир еткизма озор,
Доим бўлгин камтар, хокисор...»

1970

КАРВОНБОШИ

(Атоқли туркман ёзувчиси Берди Кербобосвга)

Қорақум устида порлайди қуёш,
Сахийлик, эзгулик нурларин тўкиб.
Бўйинини осмонга тик чўзиб, ювош.
Саҳрода нортуя ётар тиз чўкиб...
Уфққа қадалган ўткир нигоҳи,
Йироқ-йироқларни чамалаб, кўзлаб,
У узоқ манзилга йўл олса, гоҳи,
Ортида буталар қолади бўзлаб.
Қорақум саҳросин одимлаб бир-бир,
Устига кўтариб эл-юрт ташвишин,
Ювош хаёлида бир дунё таъбир,
Йўл босар, чарчамай у ёзу қишин.
Йўл босар билмайин на ҳордиқ, тиним,
Бировлар юкини қолдирмай ерга.
Юлдузни кўзлайди гўё мунажжим,
Чарчашни билмайди ботса-да терга.
Қалбига сиғдириб бутун жаҳонни,
Бир умр қуёшдан олади сабоқ,
Нортуя бошқарар катта карвонни,
Йўллари нурафшон, манзили узоқ!

1970

Раҳна солди нохуш бир хаёл,
Дер: Юрагинг энди тузалмас.
Меидан ёдгор бўлиб шеърим қол,
Дўстлараро сен яшасанг, бас.
Ҳамроҳ эдинг бедор тунларим,
Сенинг билан эдим мен подшоҳ.
Сенсиз ўтган мудҳиш кунларим,
Юракка чанг солмиш баногоҳ.
Тузаларман, умидсиз шайтон,
Яна тушиб кетарман сафга.
Гар қисматим келса беомон,
Ўтинаман энг сўнгги дафъа:
Ҳаёт йўлим сен этгиз давом,
Ўзимдай шўх бўлиб умр кўр.
Даштга чиқу лолалардан жом
Ясаб олиб, ҳаёт кайфин сур!

1970

ТОҒЛАРГА БОҚ, ТОҒЛАРГА!

(Қўшиқ)

Офтоб нури шалола,
Қирларда ёнар лола.
Навбаҳор оҳусидай
Боқгин сўлу соғларга,
Тоғларга боқ, тоғларга!

Бошинг узра тик қоя,
Харсанглар пиллапоя.
Шилдир-шилдир сув оқар,
Юзинг юв булоқларга,
Тоғларга боқ, тоғларга!

Каклик сайрар какирлаб,
Тоғ-тошлар кетар янграб.
Бургут ҳукмрон бўлса,
Урин бўлмас зоғларга,
Тоғларга боқ, тоғларга!

Кўкўпар тоғ ҳавоси
Минг касалнинг давоси.
Кел, қучоғинг тўлдирай
Лолақизғалдоқларга,
Тоғларга боқ, тоғларга!

1973

РУҲИМ

Ҳаёт кўкка кўтаради руҳимни,
Руҳим — менинг бойлигим, полвонлигим,
Руҳим билан юзларим алвонлиги.

Ҳаёт кўкка кўтаради руҳимни,
Бода ичмай, элим аро сармастман,
Руҳим тушса, дўстлар, тирик эмасман.

Ҳаёт кўкка кўтаради руҳимни,
Руҳи тушган кунн ўлур ижодкор.
Ижодкорда руҳдан бошқа нима бор?!

Ҳаёт кўкка кўтаравер руҳимни,
Толиқтирма, ўтинаман минг карра.
Қайноқ қалбинг ичра мен ҳам бир зарра.

.

Ҳаёт
Сира толиқтирма руҳимни!

1973

И Л Т И Ж О

Итқитма бошимга
Тоғ тошларили.
Шу хаста дилимга
Бермагын озор.
Қалбимнинг ой,
Юлдуз, қуёшларини,
Бир совуқ сўз билан
Сўндирма зинҳор.
Бир совуқ сўз билан
Юрагим бўзлар,
Уяси бузилган
Чумчуқдай чунон.
Дўст бўлсанг,
Илиқ сўз айтишни кўзла,
Истасанг,
Жонимни қиламан қурбон!

1973

ЁШЛИК ВА БАҲОР

Ёшлигимни баҳорга
Ухшатардим мен ҳар гал.
Билсам, ёшлик баҳорга
Ухшамаскан ҳеч маҳал.
Қиш оппоқ қорин сочди,
Издан келди баҳор...
Ёшлигим бир қур қочди,
Қайтиб келмади зинҳор!

1973

Бола эдим содда, тўпори,
Сирли эди кўзимга олам.
Ўз боғимнинг олма, анорин —
Татир эдим тўрт фаслда ҳам.
Чўмилардим жавзо, саратоп,
Ўзимизнинг катта ариқда.
Дунё эди қишлоғим — Бўстон,
Тенги йўқдай Мағриб, Машриқда!
Содда эди мургак ўйларим,
Билмас эдим яхши-ёмонин.
Қишлоғимни илк бор куйладим,
Куйладим мен шўх Зарафшонни.
Шоир, деди қишлоғим аҳли,
Оқ йўл тилаб, бир кун саҳарда —
Йигит ёши етган маҳали
Кузатишди мени шаҳарга.
Шаҳар боқди, берди тузу нон,
Багишлади кўзимга зиё.
Оғушлади фарзандисимон,
Тупроғини билдим тўтиё.
Ўсган сари янгради созим,
Республикам кўрки қилди маст.
Водийларни тутди овозим,
Ўзбекистон — мисоли атлас,—
Шеърларимда товланди хил-хил.

Ўзбекмен деб, қилдим ифтихор.
Тўлишди-ю ақлим йилма-йил,—
Ўзбекистон келиб қолди тор.
Билсам Ватан менинг Ватаним,
Осмон каби экан бепоён.
СССРдек машҳур чаманим,
Ҳавас қилар жумлаи жаҳон.
Яна ўша бир парча гўша,
Дунё бўлиб кўринур Бўстон.
Ватанимдай ташланар кўзга
Қишлоғимдан жумлаи жаҳон.

1974

ҚАЙЛАРДАН СЕНИ ИЗЛАЙ

Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим...

(Адулла Орипов)

Қорамтир осмон саҳни юлдузларга кошона,
Ажралиб бир ситора чарақлайди шоҳона.
Нигоҳимга илашган яратиб бир афсона,
Мен қарайман қувона, ўша ўзинг эмасми?
Ёниб турган юлдузлар шаҳло кўзинг эмасми?

Бола эдим, ўшанда кирган эдинг дилимга,
Сени ўйлаб бир оқшом шеър келди тилимга.
Сен туфайли танилдим шоир бўлиб элимга,
Энди йўлинг йироқдир, етолмайман юлдузим.
Иложим йўқ, унутиб кетолмайман юлдузим.

Ёз тунлари сайр этиб, тикиламан осмонга,
Яна кўкдан излайман, дил тўла ҳаяжонга.
Бу гал бўлиб тўлин ой, нур таратиб жаҳонга,
Ёғдуларинг аямай ер юзига сочасан!
Нега булут ортига мени кўрсанг қочасан?

Ахир менинг гуноҳим — севишимми шунчалар?
Лабларингни эсласам, очилгандай ғунчалар.
Наҳот кетмиш ўзгариб у мургак тушунчалар?
Наҳот энди унутдинг, наҳот энди бегона?
Қайлардан сени излай, ҳажрингда ёна-ёна?!

Етолмадим қадрингга бўлганингда ёнимда,
Кўролмадим тўйгунча ҳар соат, ҳар онимда.

**Қолиб кетиб гафлатда, сақлолмадим жонимда,
Ер юзини излайман, тополмайман юлдузим,
Севгимизнинг китобин ёполмайман юлдузим.**

**Майли ҳаёлинг билан ўтаверсин кунларим,
Юлдузлар ичра сени излаб ўтсин тунларим,
Майли сенга етмасин оҳу зорим, унларим,
Хаёлингда мен яшаб, ҳар куни сени эслай,
Айтгин ахир малагим, қайлардан сени излай?!**

1974

Далада қий-чувлаб юрар кўп бола,
Далада тенгдошлар, кампирлар, чоллар,
Чаноқдан суғуриб оламан тола —
Узоққа элтади мени хаёллар.

Жонланиб кетади ҳу яланғоч тол,
Бағрига имлайди мусаффо ҳовуз.
Йўқотиб юрганим — ёшлик эҳтимол,—
Яшриниб юргандир шу ерда ҳануз.

Дарахтлар шохига илиниб қолган
Болалик онларим қайдасиз, айтинг?!
Ширин хаёлларим шунда йўқолган,
Шўхлик у чоғларим келарми қайтиб?!

«ХВС» ўтади сузиб ёнимдан,
Осмонга кўтариб елканин оппоқ.
Теримчи дўстларим тўрт томонимда
Оқ олтин теришар кулишиб иноқ.

Бу ерлар кафтимдай менгадир таниш,
Омочни кўтарди бунда янтоқлар.
Қўш қўшиб одамлар тортарди ташвиш,
Қонарди чўкиртак кириб оёқлар.

Оёғинг остидан учиб қирговул —
Чангалзор тегига қўнарди аста.

Подалар учганда чангир эди йўл,
Қўринмай қоларди қишлоқ бирпасда.

Қолдим мен даламни танимай бирпас,
Теримга келгандик эрлар, аёллар.
Узоққа тикилиб, қиламан ҳавас,
Домига тортади мепи хаёллар.

Юрибди зангори кемалар сузиб,
Уфққа туташиб кетган пахтазор.
Баҳорги булутдай хаёлим тўзғиб,
Далалар ҳуснига боқаман такрор.

Кетибди ўзгариб одамлар, ерлар,
Менинг ҳам сочимга тушсин майли оқ.
Чаманга айланди адирлар, қирлар,
Она-Ер наздимда ёшарсин бироқ!

1974

Ёш юкини кўтаролмай
Қолган эди мижжалар,
Хаётингиз турар эди
Ҳар соат қил устида.
Палатада оҳлар чекиб,
Ухлай олмай кечалар,—
Узоқ умр тилар эдим,
Тонггача Сиз — дўстимга.
Рози эдим, дори бўлсам —
Қасалингиз

давоси,
Рози эдим, шу чоқ икков
Алмаштирсак дилларни.
Бироқ сизга шифо бўлиб
Ҳаёт савту навоси
Деразани оч! — дедингиз,
Чорладингиз елларни.
Сарин еллар палатага
Кирганида эрталаб,
Ҳаёт порлаб кетди шу дам
Сўниб ётган кўзларда,
Осмондаги юлдузлар ҳам
Тонгда ўчди мисли шам,
Бир табассум пайдо бўлди
Терлаб турган юзларда.
Боғ еллари қанотида

Келтирди гул ҳидларин.
Қуёш чиқди...—
Деразадан мўралади
навбаҳор.

Сиз кулдингиз, очиқ айтсам,
Жимирлади этларим,
Нафас олдим тўйиб-тўйиб,
Ҳеч нарса емай наҳор.
Дилингизни кафтга олган
Қўллари гул жарроҳлар,
Пешонангиз узра артди —
Ялтироқ шабнам — терни.
Сиз дедингиз:
— Бўркангандир гуллолага
сахролар,

Қоплагандир чучмомалар
Суюкли она-Ерни?!
Зигирчалик кўринмасди
Кўзингизга шум ўлим,
Сиз ҳаётии севардингиз,
Ишони, умид дилга жо.
Кулардингиз, доғда қолган
Ажал йиғларди юм-юм.
Соғайинг, деб Сиз дўстимни,
Қилар эдим илтижо.
Шу эътиқод — гул ҳаётга
Чексиз меҳру муҳаббат,—
Мана, қайта олиб кирди
Сизни юрт қучоғига.
Ишонаман катта табиб —
Эътиқодга мен фақат,
Инсон ўлмас, у яшаса
Ҳаёт иштиёқида!

1975

ЖАВОБ

«Кўп ишлар вақтимни олур тамоми...»
 Гўзаллик меҳнатда, пешона терда.
 Дедингиз:— Бузилди, дўстим, оромим,
 Яйраб шеър ёзишлар энди қаерда?!
 Янглишманг, шеър учун келганман фақат,
 Жўшқин дарё бўлиб тошиб яшагум.
 Ҳаёт ташвишида яшаш бир лаззат,
 Нур каби қишлоқлар ошиб яшагум.
 Бари бир сармастман ҳаёт завқидан,
 Иш билан кўмилиб кетсам ҳам,
 дўстим,
 Куйчини тушириб бўлмас завқидан,
 Шавқим бор, завқим бор, йўқ
 камии кўстим.

**Кундузи вақтимни олур кўп ишлар,
Тунлари тўқаман кўзим зиёсин!
Афв этинг, оз ёзсам, яхши кишилар,
Шеърга сизмайди шоир дунёси.**

1975

Жонимга жон бўлур, серфараҳ бу боғ,
Бунда нур мўътадил, соя мўътадил.
Қуёш зар кокили тароғу тарог,
Субҳидам сайрибоғ истар бунда дил.

Майин ҳаволардан ютаман қониб,
Тунлари зар сочар кўкдан тўлин ой,
Табиат маҳв этар, юраман ёниб,
Сурмадай тортаман кўзимга чирой.

Чорлайди бағрига уфқлар бунда,
Чорлайди офтобнинг гулгун ёноғи.
Нурафшон тўйхона самовот тунда,
Ой гўё қўшнининг ёнган чироғи.

Юлдузлар бошгинам устида шундоқ,
Қўл чўзсам, тераман битта-битталаб.
Гўё ёр бўйнида ялтироқ мунчоқ,
Тун бўйи юраман гоҳ юлдуз санаб.

Минг хилда сайрайди бундаги қушлар,
Ғунчага роз ўқир булбул бутоқда.

**Райҳонлар, жамбиллар хаёлим ушлар,
Эгилиб чўмилар майса қирғоқда.**

**Мен боғни кезаман, яккаш, бош яланг,
Шеъримни ёзаман, бераман сайқал,
Тинчликдан қулогим остида жаранг,—
Тонг отиб, хаёлни бўлар бир маҳал.**

1975



Берди Кербобоев ва Тошпўлат Ҳамид

Оппоқ тонг отмоқда...

кабутардай оқ;
 Офтоб тиг тортади Шарқдан бежирим.
 Терак учларида ёнар шамчироқ,
 Анҳор мавжларида нур тилим-тилим.
 Мусича кукулар дарахт шохида,
 Мен боққа чиққанда тонгда ҳар сафар.
 Сени учратаман илҳом чоғида,
 Боғингда кезасан, дўстим, ҳар саҳар.
 Куртак, ғунчаларга тикилиб хушҳол,
 Баҳорий завқ билан ёзасан кўнгил.
 Бир япроқ очса ҳам боғда навниҳол,
 Қалбингда сайраган бўлади булбул.
 Мен шунда сенимас, сенинг

душманинг —

Жоҳил бир фашистни ўйлаб кетаман,
 Шу онда кашф этар янги бомбани,
 Сен бўлсанг, Ер юзин этасан чаман.
 Табиат инсоннинг умр тиркови,
 Одамзод боғу роғ экар ўзига.
 Инсон ҳам хилма-хил — боғбон

бирови,—

Ярашиб туғилган у Ер юзига.
 Бирови яшашни бойлик ҳис қилиб,
 Бошқа бир дунёни ўтиб сафига,
 Жаҳонни жанжаллар майдони билиб,

Кул бўлиб бойликка, ўзин нафига,
Бомбалар ҳақида юради вайсаб.
Гул қайда?!

Газ, заҳар ҳақида сўзлар.
О, дўстим, билсайдинг, қолмади асаб,
Тиришди пешона, тиришди юзлар!
Жаҳонда илондай судралади хавф,—
Қитъалар устига солиб соясин.
Океан остида ўтказар синов,
Тўхтамай портлатар атом бомбасин.
Уруш қуроллари экиб юрган ҳам,
Кўзингга бақрайиб, ўзин дер «инсон».
Сарҳадга бостириб кирган муттаҳам,
Дўстгинам, «инсон» дер ўзини, инон!
Сен бугун боғингга экиб ишқ гули,
Юртингни чаманга бўлибсан кўймоқ.
Боғу роғ кўкартсин Инсоннинг қўли,
Дунёни қуролмас,
тутиб кетсин боғ!

1975

Мунгли-мунгли оҳ урар шамол,
Қутургандай изғир қор, бўрон.
Яйдоқ чўлда яланғоч ниҳол
Зирқирайди зўрға сақлаб жон.
Аччиқ аёз қиличин қайраб
Ёш ниҳолга қилур дағдаға.
Ниҳол шунда аксинча яйраб,
Дер:
— Пўписа, дўқинг бир чақа!
Яхлатолмас совуқ муз отиб,
Минг чирансин баттол изғирин.
Йўқ, сумалак бўлмасман қотиб,
Вужудямда умид яширин!

1975

ОЛТИНТОПАРЛАР ЁР-ЁРИ

Зарафшонда бугун тўй,
Дўстлар, келинг, ёр-ёр.
Тилла йигитга тушди,—
Олтин келин, ёр-ёр.

Келин пошша олтинга
Сайқал берар, ёр-ёр.
Қизилқумдан ёрига
Гуллар терар, ёр-ёр.

Мурунтовнинг париси,—
Десанг, арзир, ёр-ёр
Ёри билан ёнма-ён,
Олтин қазир, ёр-ёр.

Мурунтовда қўшиғи
Жаранглайди, ёр-ёр,
Қизилқум осмонида
Куй янграйди, ёр-ёр.

Олтин шаҳри — Зарафшон
Тиллага кон, ёр ёр.

**Келин-куёв қиссаси
Бўлур дoston, ёр-ёр.**

**Зарафшонда бугун тўй,
Дўстлар, келинг, ёр-ёр.
Тилла йигитга тушди
Олтин келин, ёр-ёр.**

1975

ҚИШ БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

Қиш кўрпасин йиғиштириб,
Чиқиб турибди йўлга...
Муштоқ турар навбаҳорға
Қучоқ очиб бу ўлка.

Қор ёғару қуёш чиқиб
Эритади бир маҳал,
Ҳароратдан елка қизир,
Пойлар узоқдан ҳамал.

Келиб қолар эрта-индин
Қучоқ-қучоқ гул билан.
Келиб қолар сава билан,
Қумрию булбул билан.

Чеккасида лола билан
Элни пуркаб атирға.
Қушлар сайрар нола билан
Боғларда, қир-адирда.

Қиш кўрпасин йиғиштириб,
Чиқиб турибди йўлга...
Бободехқон режа тузар
Чин аҳд билан кўнгилда.

Ерга тушар эрта-индин,
Ҳосил уруғи яна.
Билакларда, тилакларда
Баҳор қилур тантана.

Хайр энди, жўнаб қолгин,—
Оқ йўл сенга, қишимиз.
Келиб қолди баҳоримиз,
Ташвишимиз, ишимиз!

1975

Кўк юзида баҳайбат булут,
Унгирларда сояси.
Момиқ булут ёки оқ қут
Қуёшнинг ҳамсояси.
Мен хаёлан зина-зина
Кўтарилдим кўп хурсанд.
Зина-зина... ҳа, ганжина,
Еру Қуёшга пайванд.
Ташбеҳини кўтаролмай
Хуноб шоир юрагим.
Оқ тиллодан, қаранг, бай-бай,
Турар осмон тиргаги.
Осмонўпар хирмонлар бу,
«Оқ олтин»дан бу тоғлар.
Бу тоғларни ўйиб қўйган
Олтин қўлу қадоқлар.
Бу тоғларда меҳр, инжу,
Ой нурлари яширин.
Мижжаларда қолган уйқу,
Дил қўрлари яширин.
Бу тоғларда яшириндир
Манглайдан томган терлар.
Бу тоғларга қўшиқ айтиб,
Зийнат берган кўп эрлар.
Бу тоғларда жононларнинг
Шуқуҳи бор, нози бор.

Шоирларнинг шеърларию
Машшоқларнинг сози бор.
Сувчи ошиқ йигитларнинг
Ўтган сирли тунлари,
Шу тоғларда яширинган
Келинларнинг кунлари.
Тун қўйнини чақмоқ каби
Ёриб ўтган универсал,
Худди шу тоғ қучоғида
Гуриллайди шу маҳал!
Ўқувчию талабалар
Ғайратидан чўққиси.
Унда тола бўлиб ётар
Газетчилар уйқуси.
Хирмон-хирмон шижоат бу.
Ирода, ишқ, куч, бардош.
Она юртга садоқат бу,
Қўзлардаги қувонч ёш!

1975

Ҳамал амал қилди аста,
 Ариқ бўйлари кўм-кўк.
 Сув лойланиб, чопар пастда,
 Ёш гўдакдай қувноқ, шўх.
 Икки қулоқ бўлиб ялпиз
 Ёриб чиқмиш тупроқни.
 Искаб кўрсам бермади ис,
 Ялпизми, отқулоқми?
 Қўлим чўзиб сувни тўсдим,
 Ёш боладай суюниб.
 Пайдо бўлди сувда, бир зум,
 Пуфакчалар ўйини.
 Кокилини сувда ювар
 Мажнунтол эгиб бошин.
 О, шарқираб оққан сувлар,
 Сиз умримнинг йўлдоши!

1975

МИТТИ ҚУШ

Дарё узра учган қуш,
Тўлқинларга урма тўш.
Митти қушсан, ўйлаб кўр,
Дарё зўр, гирдоби зўр.
Гирдоб ўраб кетмасин,
Камарларга элтмасин,
Балиқлар еб кетмасин!
Ҳой, митти қуш, митти қуш.
Тўлқинларга урма тўш!
...Дарё узра учар қуш,
Тўлқинларга урар тўш.

1975

Бинафша рангида уфқлар,
 Йўлимга мунтазир кўринур.
 Уфқлар сўнгида истиқбол —
 Қуёшим беназир кўринур.
 Нур сочар хонамга, кўнглимга,
 Нур сочар ҳар соат — онимга.
 Нур сочар юрганда йўлимга,
 Бир роҳат бағишлаб жонимга.
 Тинглангиз, бинафша уфқлар!
 Сизларга аталган гапим бор.
 Гапимни тўсолмас тўсиқлар,
 Тўсолмас на парда, на девор.
 Сизлар-ку келажак, толеим,
 Умидим, ишончим сизларда.
 Бахтимнинг юлдузи сиз маним,
 Чарақлаб боқасиз кўзларга.
 Бир жаҳон бахт бўлиб кўринган
 Бир санам, бир пари гўзалсиз.
 Шоирлар куйлолмай, уринган,
 Сехрли, бир ноёб ғазалсиз.
 Чўлларга чиқиб мен гоҳ яккаш,
 Боқаман сизларга кўп узоқ.
 Уфқлар!

бунчалар сиз дилкаш,
 Қизгишсиз, бинафша, гоҳи оқ.
 Истиқбол қуёши ниш урар,

Мен аста бораман у сари.
Уфқлар кўринур нилуфар,
Уфқлар гузаллик сарвари.
Бинафша рангида уфқлар
Йўлимга мунтазир кўринур.
Уфқлар сўнгида истиқбол --
Қуёшим беназир кўринур.

1975

ҲА Н Д А Л А К

Ҳой ҳандалак, тотлигим,
Атир сепдингми бунча?
Ичга сиғмас шодлигим,
Пишиб, берибсан думча.
Бориб пуштангдан узсам,—
Рӯмолинг кӯм-кӯк палак.
Ўзинг кўзингни суздинг,
Сўнг уздим-да ҳандалак.

1975

Ҳу, адир ортида ажиб воҳа бор,
 У ерда кишилар — ёвқур, фазогир.
 Арчалар устида ётган қатлам қор,—
 Қор эмас, осмондан ёққан жавоҳир.
 Уфққа туташган арчазор ўрмон,
 Қиш белбоғ ўраган дарахтлар қатор.
 Қорда из қолдирган бароқ олмахон —
 Ёввойи ёнғоқни излар интизор.
 Қор тўкиб, шохларга қўнар қарғалар,
 Ерларга тўшалган момик еқ кўрпа.
 Сут — чойшаб ёпиниб ётган далалар,
 Қор юкин арчалар кўтарар зўрға.
 Қайинлар учида муралайди ой,
 Қиличдай ярақлар нурда ҳар хивич.
 Ўрмон қоровули ичиб қора чоғ,
 Стакан, чақмоқ қанд тутиб,
 дейди: «Ич!»

Бу ўрмон мен учун азиз, табаррук,
 Шу ерда кўмилган дўсту қадрдон.
 Шу ўрмон дея у кўкрак бериб тик,
 Душманни қиргану дўстим берган жон.
 Янги йил киради хонадонларга,
 Янги бахт, янги қут, янги барака.
 Ер, осмон тор келар ҳаяжонларга,
 Эзгулик, истаклар, тўю маърака.
 Мен шу он эслайман ўрмон жангида

Ватан, деб жон берган ёвқур арслонни.
Сафларда тирикдай — ўлмас, нурдийда,
Довруги қоплаган жумла жаҳонни.
Сен арча безайсан, о шеърхон дўстим,
Арчангда руҳи бор ўша жангчининг.
Қизларинг туғилди, ўғилчанг ўсди,
Ғолибсан жаҳонда — бахтлидир элинг.
Шу жангчи туфайли истиқболинг ҳам,
Дўстларга ёзганинг — тўкин дастурхон.
Арча атрофига ҳамма бўлиб жам
Қўшиқлар айтишар, барчадир хушхон.
Кел дўстим, қадаҳ тут унинг шаънига,
Янги йил оқшоми ўтсин ҳуррам шод.
У — тирик, у учун ичмайлик нега?!
У — тирик, биз билан мангу барҳаёт!

1974

Сен — шуҳрат, сен — шонсан, комсомол,
Чарчашни, ҳордиқни билмаган.
Тогларни парчалаб, алпмисол,
Мушкулни назарга илмаган.
Дунёни ҳайратга сололган,
Қосмосни забт этган баҳодир.
Заррадан атомлар ололган,
Тупроқдан айирган жавоҳир.
Нур бўлиб гулларга ранг берган,
Чўлларни яшнатган қуёшсан.
Ошиқсан, ёрига гул терган,
Ёшсану ёшларга леқ бошсан.
Илму фан уммони остидан
Инжулар изловчи ғоввоссан.
Қон қусган урушлар қасдига
Тинчлик! — деб ҳайқирган овозсан.
Ишчисан, моторлар зарбига
Жўровоз юрагинг уриши.
Малҳамсан кишилар дардига,
Қаромат — узоқни кўришинг.
Дехқонсан — асримиз ардоги,
Тошларда ундирган гулларни.
Катталар, ёшларнинг гулбоги
Аташар бугунги чўлларни.
Шоирсан, ҳар сўзинг муқаддас,
Дунёнинг тақдири бошингда,

Гоҳ ғазал, гоҳ кўшиқ, гоҳ сарбаст
Ёзасан, комсомол ёшингда.
Рассомсан, мунаққид, ҳофизсан,
Бастакор ё спорт мастери.
Мушкулот қаршингда чўкар тиз,
Сўзларга сиғмайди тасвиринг.
Чўнглигинг, мардона қоматинг,
Иқтидор, саховат, кўҳлигинг,
Ҳар ишда кулгувчи омадинг,
Гоҳ жиддий, гоҳ ҳатто шўхлигинг
Мен учун қимматли, мўътабар,
Мен учун беқиёс дунёда.
Мен учун ардоқли, муштипар,
Мен учун иқболдан зиёда.
Мен — сенман,
Сен — менсан, комсомол!
Шавкатинг, шуҳратинг мўл бўлсин,
Сафларда ушлашиб қўлма-қўл,
Дейлики:
Қаришга йўл бўлсин!

1976

ОЛТИЛИҚЛАР

* * *

Озгина ишинигни кўп дема асло,
Хизматинг беришни айтсин одамлар.
Оғизга ёқимли оз бўлса ҳалво,
Меъёрдан ошганда ҳалво ҳам заҳар.
Сутти оз сигирнинг маърашини кўр,
Қулоқни қоматга кетирар қурғур.

* * *

Аяма бировдан яхши сўзингни,
Чилпарчин қилмагин юрагин зинҳор.
Рақибинг ўрнига қўй-чи ўзингни?
Бир совуқ қараш ҳам кўнгилга малол!
Сув билан кетарми қолса дилда доғ?
Юракни кемирар андуҳу фироқ!

* * *

Бошингга тушса гар бирор мушкул кун,
Мард бўлиб енгилга доим бўл қодир.
Токи ғам умрингни қилмасин забун,
Оғир синовларга чида баҳодир!
Шуни яхши билки, ғам келмас айтиб,
Нохушлик баъзида юради дайдиб.

* * *

Зулматни парчалар тушса зарра нур,
Юракнинг ёлқини — қўшиқ ва сурур.
Менинг-чун нур — ўзинг, қўшиқ ҳам ўзинг,
Илҳомим бошида тиниқ сарчашма.
Бахтлиман тушганда кўзимга кўзинг,
Висолинг қўйида юраман ташна!

* * *

Ҳар гапни юракка олмагин яқин,
Турли хил касалга бўлма мубтало!
Миянгда нохушлик чақмасин чақин,
Совуқ сўз умрга эгов, бир бало!
Ҳовуз чуқур бўлса, қийин лойлатиш,
Ёнғоқ қаттиқ бўлса синдиради тиш.

* * *

Дунёда не етсин чидам, саботга,
Қизарма, қилмишинг сўнгида тониб,
Бировнинг жаҳлини зинҳор қўзғатма,
Бекорга кетмасин янтоқдай ёниб!
Ўзингни жаҳлдан сақла, эй инсон!
Ҳар қандай жаҳлнинг сўнги — пушаймон.

* * *

Хастанни сиртидан ўйлама соғ деб,
Рангидан билинмас қовуннинг таъми,
Нақш олма ичини қурт кетади еб,
Илиқ сўз доимо бўлсин ҳамдаминг!
Ҳаммага аён бу касал бўлса кўз,
Юракнинг касали кўринмас, афсус!

Кўп ақл ўргатди онага бир қиз,
Эркасин тинглади она ҳам, эсиз...
Юзига чаплади упу, ҳар хил ранг,—
Қариган чоғида кестирди сочин.
Юзларда ажину кўриниш таранг,
Нуроний сиймодан нур кетди қочиб!..

* * *

Сув агар зўрайса, бузилар ўзан,
Оғир дард кишини қилади майиб.
Армонда дилингда қолган бир сўздан,—
Бир куни ранг-рўйинг кетар сарғайиб!
Дардингни юракда тутма яширин,
Ёмондир қалбингда мадда қўйса ин!

* * *

Куюқ барглар аро мўралайди тонг,
Шохлар орасида сайрайди булбул.
Жимликдан қулоқда галати оҳанг,
Яйрайди бир нафас хумори кўнгил.
Фақат юрак берар қатъий фармойиш:
Жаҳон мангу турсин шундай осойиш.

* * *

Ҳар кимга феълига яраша толе,
Баъзилар ҳасад деб, ранг-рўйи сариқ.
Ҳалол одамларнинг очиқ иқболи,—
Истиқбол машъали йўлида ёниқ!
Феълини билгандан табиат ҳатто —
Илонга оёқни этмапти ато!

Навбаҳор офтоби кулгай кўҳна олам томида,
Уйғотиб борин табиатнинг бисот-анжомиди.
Оймомо мисли қуёш, нур сочли наврўз шомиди,
Неки бор оламда кўрдим, нур, фараҳ андомиди,
Кел, мушоира қилайлик, фасли гул оқшомиди.

Қиш ўтиб, уйгонди олам, она-Ер олгай нафас,
Субҳидамда боғда қушлар сайрашур масту аласт.
Ин қулар айвонда чумчуқ, панжа-ю тумшуқда ҳас,
Уйнашар бир жуфт кабутар кўк юзида басма-бас,
Балки севгидин ўқир роз навбаҳор айёмида.

Қир яшил, ўтлоқ яшил, тоғлар яшил фасли баҳор,
Бўй чўзар кўрғач қуёшни ҳар неки фасли баҳор,
Тўлин ойни эслатур соҳибжамол фасли баҳор,
Гуллар ичра сарсари кезгай хаёл фасли баҳор,
Май қуяй, ёрим, ичайлик тоғда лола жомиди.

Томда қизгалдоқни кўрган эслагай байроқчани,
Малла сув оқмоқда қалқиб, тўлдириб ирмоқчани,
Олуча гулга кўмилган, синдирай дер шохчани,
Ер юзининг жаннати дер кимки кўрса боғчани,
Бир умр ёшликни кўрдим фасли гул инъомиди.

Бир қучоқ лола териб ким тутса жонон қўлига,
Мен билан юрсин шу онда ўрта Қарноб чўлига,
Элтаман ушлаб қўлидин лолазорнинг мўлига,
Шеър айтишсин Тошпўлат бирлан муҳаббат йўлига,
Қуч синашсин, шеър айтиб, навбаҳор илҳомида.

Кўз очиб тонг шуъла сочди, яйради кам-кам — бу гул,
Завқ билан боққан кишини айлади ҳуррам — бу гул,
Очилиб, ёғду сочиб ёнди мисоли шам — бу гул,
Кунга дуч келгач, бошини аста қилди ҳам — бу гул,
Сўнгра ҳуснини намоён айлади ҳотам — бу гул.

Боқди ғунча лабларини кўрсатиб япроқ аро,
Ғуллар ичра ҳусн султони бўлиб гулбоғ аро,
Яшнади минг-минг такаллуф мақтову ардсқ аро,
Сайрагай ошуфта булбул мадҳини чорбоғ аро,
Чунки булбул кўзларига бир жаҳон олам — бу гул.

Ғулни севган бир умрга гул каби кам бўлмагай,
Яхши богбон қўлларида яшнагай, гул сўлмагай,
Токи олам гулларини севмасанг, дил тўлмагай,
Ёки офтоб бошинг узра нур сочиб бир кулмагай,
Ғулшани дунё бўлур бир ерда бўлса ҳам бу гул.

Келтириб гул васфини хонандалар қилгай наво,
Маст қилгай, кезганингда боғ аро атри ҳаво,
Гул шифобахш, битта барги бўлди юз дардга даво,
Бошинг узра қўндириб, кўзларга айла тўтиё,
Ошиқу маъшуқаларнинг дардига малҳам — бу гул.

Сайри боғ этганда тонгда дасталаб гул созладим,
Риштаи меҳринг билан боғлаб уни эъвозладим,

Зеб бериб турфа, нафис барглар билан пардозладим,
Гул билан тонг чоғи ёримни мудом пешвозладим,
Билсанғиз Одам Атодан севгига ҳамдам — бу гул.

Ел қанотида атир гул ҳидларин ҳар ён сочиб,
Гуллар ичра моҳи сафсар кўркини аста очиб,
Баргидан парда тутиб, номаҳрам кўздан қочиб,
Тошпўлатга кайф бағишлаб, тутди туйғулар ажиб,
Навбаҳор чоғида илҳом бахш этиб хуррам бу гул.

АЗАМАТЛАР

(Қўшиқ)

Ҳорманг, пахтазор қўйнида донгдор азаматлар,
Толеи баланд, дилда ўти бор азаматлар.
Иқболи улуғ, элга вафодор азаматлар.
Қойил бу диёр сизларга, зарбдор азаматлар!

Юз хил яллаю аскияга, қўшиққа бойсиз,
Қундуз пахтазор қуёшисиз, кечаси ойсиз.
Гулгун шу ҳаёт чехрасида ҳусну чиройсиз,
Тинмай таратинг водийга «гулёр», азаматлар!

Қўзим нур олур, ростини айтсам, пахтазордан,
Дил ҳузур топура, ростини айтсам, пахтазордан.
Лабларга қўнар энг ширин байт ҳам пахтазордан,
Қўшиқ қайнагай дилларда тақрор, азаматлар!

Ҳорманг пахтазор қўйнида донгдор азаматлар,
Толеи баланд, дилда ўти бор азаматлар.
Иқболи улуғ, элга вафодор азаматлар,
Қойил бу диёр сизларга, забрдор азаматлар!

1970

ТАНҲО ЭДИНГ

Англамай маъно кўзимдан асти бепарво эдинг,
Мен эса, севгимни пинҳон айлаган шайдо эдим.

Дилбари ҳурилиқолардан гўзал, барно эдинг,
Мен эса, ҳажрингда ёнган ошиқи гумроҳ эдим.

Севги водийсида мавж урган оқар дарё эдинг,
Мен эса, қирғоқда ташна, эргашиб, ҳамроҳ эдим.

Юзларингдан нур ёғиб, тунни ёритган моҳ эдинг,
Мен эса чанқоқ бу нурга, нурпараст танҳо эдим.

Ақлу одоб бобида эл ичра сен якто эдинг,
Мен эса, савдойидай, эс-ҳуши бежо эдим.

Қайга боқмай, кўзларим олдида сен пайдо эдинг,
Тушда ҳам босган изингдан ҳар нафас оғоҳ эдим.

Тошпўлат дил гулшанида сен гули раъно эдинг,
Шул сабаб, гулшанда боғбон бўлганимдан шоҳ эдим!

ЧҰЛҚУВАР ҚҰШИҒИ

Қайтмасман чўлда боғ-роғ бунёд этмагунча,
Гулга кўмиб элимни дилшод этмагуича.

Измимга дош беролмай, қочар бу асрий саҳро,
Қайтмасман, чўлу даштин обод этмагунча.

Қақраб ётган қўриққа обиҳаёт оқиздим,
Қўймасман, Маликчўлни гулбоғ этмагунча.

Қуюн, шамол, чанг билан олишганим-олишган,
Қум бархонлар бағрини барбод этмагунча.

Қўймасман она-Ерни токи қилмай гулистон,
Янтоқ, чангал, тикандан озод этмагунча.

Қўярми чўлқуварлар қайсарлигин бу чўлнинг,
Очиб хазинасини, нажот этмагунча.

Тинчирми ҳеч Тошпўлат, ором олурми қалби,
Чўлқуварлар қўшигин ижод этмагунча.

Юртни обод айладинг, ёр, бўйгинангдан ўргилай,
Кўп яша, дард кўрма зинҳор, бўйгинангдан ўргилай.

Ҳамла қилди дашту саҳрога замон фарҳодлари,
Бу курашда бўлдинг илгор, бўйгинангдан ўргилай.

Гар қуёш бўлса юракда, элда бор шундай калом:
Дашту саҳролар чаманзор, бўйгинангдан ўргилай.

Марду мардона бўлиб, қўриқни обод этмасанг,
Розимасман бунда зинҳор, бўйгинангдан ўргилай.

Тошпўлат васф этди чўлда чўлқуварлар қўшигин,
Айлади ашъорин изҳор, бўйгинангдан ўргилай.

Ч О Л Л А Р

**Бахтимиз пиру бадавлат, хуш забон чоллар билан,
Чин насиҳатгўй, дуогўй, жонажон чоллар билан.**

**Маърака, тўй, маслаҳат устида тўйбоши, улуғ,
Чеҳрасида нур ёғилган меҳрибон чоллар билан.**

**Гоҳ миришкор, гоҳи боғбон, гоҳи деҳқон ҳар бири,
Қилни қирқ ёрган баҳодир, навқирон чоллар билан.**

**Тонг азонда уйғониб, гул дасталаб гулзор аро,
Ҳар сўзи гавҳар, ғанимат қадрдон чоллар билан.**

**Кексалик гаштини сурган, мўътабар, оқил, азиз,
Юртда ардоқли севилган жонажон чоллар билан.**

**Гул Ватан доврўқ таратган қитъалар, эллар аро,
Қўксига Юлдуз ярашган қаҳрамон чоллар билан.**

**Орзуим етсун муродга, қўлда асо Тошпўлат,
Улфати чор бўлса доим отахон, чоллар билан.**

Диёр васфига дўстлар, бор бисотимни жаҳон айлай,
Жаҳонни гулга буркай, мангуликка жовидон айлай,

Дарахтлар гулласа, гулга кўмилса новдалар ҳар ён,
Мен ҳам гул шохини булбул мисоли ошиён айлай,

Ватан гулбоғларини мадҳ этиб, кўшиқ қанотида,
Дилим шодликларини бирма-бир шеърда баён айлай.

Муқимий дод солди, тинглади бошин солиб Фурқат,
Бугун мен, толеимга минг шукур, мадҳи замон айлай.

Ватандир осмон, ёрқин ситора унда ҳар миллат,
Ки дўстлар юлдузни жамлаб, бошимга осмон айлай.

Кечиб дарё денгиз, боғу роғ, тоғлар ошиб қанча,
Шу чексиз гул Ватан, деб мен ўзимни посбон айлай.

Агар ширин ҳаётим, Тошпўлат, даркор бўлиб қолса,
Мана, жоним фидо, деб ушбу лаҳза нақди жон айлай.

БИР ҚАДАМ

Бир қадам қолган масофа, васли маъво бир қадам,
Қўрқаман келтургуси ул катта ғавғо бир қадам.

Икки қош янглиғ яқиндир, йўқ тўсиқ, ғов ўртада,
Журъатим етмас, бу не ҳол жон олур ё бир қадам.

Хоҳишим олдида дўстлар оҳ чекарман зору зор,
Солғуси балки бошимга катта савдо бир қадам.

Гулдан ҳам нозик юракни ранжитиб қўйсам нетонг,
Хам қилур дерман бошимни ушбу бежо бир қадам.

Сен юрак измига тушдинг, ўйлаб иш тут Тошпўлат,
Шоир ошуфта дилга икки дунё бир қадам?!



Максим Танк ва Тошпўлат Ҳамид

**Ким билур кун қадрини оқшом, қаро тун бўлмаса,
Туннинг гашти бўлмагай кўкда қуёш, кун бўлмаса.**

**Оқни оқ дерлар, агар ёнида бўлса қоп-қаро,
Севгида Лайло бўлолмас эрди Мажнун бўлмаса.**

**Бир зайилда йўқ яшаш ҳеч асти одам зотида,
Билмас эрди қайғуни гар инсон мамнун бўлмаса.**

**Ошиқ ҳеч ўртанмас эрди кўзига зор термулиб,
Маъшуқа одоб сақлаб, бунча маҳзун бўлмаса,**

**Гул либосида санамни жон дема, жонон дема,
Қалби ҳам шакли мисоли тоза гулгун бўлмаса.**

**Алқисса дунёси қизиқ, яхшида бордир ёмон,
Тошпўлат сўзинг не даркор унда мазмун бўлмаса?!**

РУБОИЙЛАР

Рубойй ёзишни қилдим ихтиёр,
Хайём ҳам, Бедил ҳам эмасман, зинҳор.
«Яхшига эргашган етур мурудга!»—
Ўтмишдан меросдир бу сиру асрор.

* * *

Яшаган замонин куйлади Бедил:
«Дунёни дуд билан ғубор дея бил...»
Саҳролар чаманга айланган чоғда,
Бу гапни айтишга сира бормас тил!

* * *

Ҳар ерда яйрарми бу тоза кўнгил,
Чаманга ярашар латофатли ғул.
Яшнаган боғини эрта саҳарда,—
Мадҳ этиб, кўкларга кўтарар булбул.

* * *

Тўлқинлар сафига ўзни ураман,
Қалбимда ҳаяжон мавж урар қат-қат.
Мавзолей томонга вазмин юраман,
Қуёшни кўриш-чун кутаман навбат!

ҲАМЗА ФРОНТДА

(Баллада)

1

Агитатор артистлар
Йиғилганди перронда.
Ҳамма нутқ сўзларди
Нигоҳ ташлаб ҳар ёнга:
«Закаспий фронтига
Рухсат бўлди жўнашга.
Санъатимиз кучини
Кўрсатайлик курашда...»

2

Дўстлар тикилиб турар,
Паровоз пишиллайди,
Сафарга чиққанларга
Ҳамма оқ йўл тилайди...

3

Тонг бўзариб келмоқда
Ҳамма уйқуда,
Фақат —
Купеда Ҳамза уйғоқ.
Олдида китоб қат-қат.
Нималар ўйлар экан,
Қалбин босган не армон?
Қўлидаги қаламга

Гўё бирдан кирди жон:
«...Курашувга қурол керак,
Қуrolланинг ишчилар!
Битсин золим, қорин бойлар,
Зулматга йўлбошчилар».

.

Вагоннинг ойнасидан
Ой сочарди қумуш нур.
Сўнгги мисрасин ёзиб,
Шоир қиларкан ҳузур,
Бирдан чўллар бағрида
Портлаб кетди зўр вулқон,
Осмоннинг бир чеккаси
Қизарди мисли алвон.
Ўқлар учар бетиним,
Ҳар ёнда қий-чув овоз.
Тутунлар орасига
Шўнгиб кетди паровоз.
Даштлик...

Кўзга кўринмай
Томоқ қоқади тўплар.
Оғзин очиб ётади
Ўпирилган окоплар...
Олдда Ҳамза боради,
Қошин чимириб, ҳушёр.
Бир қўлида чамадон
Иккинчисида дутор.
Мард жангчилар майдонда
Жон бериб, жон олади.
Снарядлар гумбурлаб,
Чўлларга жар солади.

4

Бир зум чўкканда ором
Закаспий майдонида,

Томоша қизиб кетар
Шу дам, бир сой ёнида.
Жанговор марш чалинар,
Қўшиқ учар ҳавода.
Душманга чексиз лаънат
Жаранглар ҳар навода.
Ҳаммани мафтун этар
Раққосалар ўйини.
Гармонь чалар бир жангчи
«Гопак» рақси куйини...
Ҳамза шеър ўқийди
Чўлларга киритиб жон.
Нотик шоир қалбига
Сифмай кетар ҳаяжон!
Мисралар салмогини
Олқишлар кесади гоҳ...
Барханлар учиб кетар,
Гранат портлар ногоҳ.
Юлдузлар учгансимон
Осмонда ўқлар учар.
Бир ҳамлада қўшинлар
Яна олдинга кўчар.

5

Штаб учун бирпасда
Янги ертўла тайёр.
Ҳажвий расмлар билан
Тўладир бир ён девор:
Инглизлар қочади
Ботинкаси қўлида.
Деникин, Врангеллар
Депсинади йўлида.
Босмачининг салласи
Ўраган ўз бўйнини,
Бекорга тўлдирибди

Пуч ёнғоққа қўйнини...
Ҳамза сурағни кўриб
Кулади такрор-такрор.
Рассом — таниш санъаткор,
Элда топган эътибор.
РОСТАдаги зўр адиб
Маяковский чизган.
Пастида найзасимон
Сўзлар топиб шеър тизган.

6

Ҳамза кўргандай бўлди
Қаламкаш дўст — устозин
Ва эшитгандай бўлди
Унинг сўнмас овозин...

* * *

Поезд секин жўнади,
Силкиниб қолди қўллар.
Паровоз шиддатидан
Ларзага тушди йўллар.

1949

МИНГ ЙИЛЛИК ХАЁЛ ВА ЗАРКОКИЛ СОҲИБЖАМОЛ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Дил ёзмоққа бўлди баҳона
Минг йиллардан қолган афсона...

Бир баҳодир, забардаст, олий,
Манглайига бахт ёзмиш толе.
Камаридан ўт чақнаб порлоқ,
Йўл олганди, йўли кўп узоқ.
Заркокили минг тарам-тарам,
Ҳуснига юрт, ўлкалар қарам
Бир гўзалдир унинг севгани,
Бу дунёда шудир дегани...

О, у гўзал, у тенгсиз қайда?
Йўллар олис, куймоқ не фойда.

Унга етмоқ бўлсанг, паҳлавон,
Қалбдан интил, олов бўлиб ён.
Қанот ёзгин жабҳаларга сен,
Ҳаёт бергин жилғаларга сен.
Содиқлигинг кўрсат оламга,
Қудратингни бахш эт одамга.
Ишқнинг гўзал дostonларин ёз,
Муҳаббатинг бўлса ағар рост:
Ҳув, тоғлардан ўзмогинг лозим,
Саҳроларда кезмогинг лозим.

Салобатли, кўрқмас баҳодир
Қалби тўла бир оташин сир
Кўпирарди тўлқинлардан тез.
Тўғонларни чўктирарди тиз.
Саҳроларга берарди ҳаёт,
Гоҳ уларни этарди барбод.
Булутларга сапчирди ўтдек,
Қоялардан учиб бургутдек,
Чақмоқ бўлиб, баъзан отилар,
Ёр васлига етолмай йиглар...

Чўлу даштда уйилган ҳар тош,
Унга қўнган ҳар шабнам — кўз ёш —
Баҳодирнинг кўз ёши эмиш,
Қоя,— тошлар бардоши эмиш.
Йўлларида саратон ёзи,
Йўлларида қишнинг аёзи.
Учиб елган бу йўлдан қушлар,
Жониворлар доим беҳушлар.

Боғлар ёнса жавзо ойлари,
Экинзорлар бўзласа йиғлаб,
Қуёш келса қиличин тиглаб,
Тоғдан сапчиб ўтайин дерди,
Ҳаёт ва бол тутайин дерди,
У гўзални кутайин дерди.
Етолмасди, афсус, муродга,
Киролмасди, афсус, ҳаётга.

Алаmidан куйиб паҳлавон,
Ёр ўйида чарх урар ҳар ён.
Ғазабидан қудрати қайнар,
Ғазабидан тошларни чайнар.
Водийларга ёзиб сочини,

Хаётбахш, хур, кенг қулочини
Ёйиб, ёниб ўртаниб ҳар гал,
Баҳорларга бериб у сайқал,
Яшар эди гул оғушида,
Минг бор эслаб ёрни тушида.
Мармар тонгдан ёпиниб рўмол,
Заркокилли, шўх соҳибжамол
Қўк ойнасин юзига қараб,
Тарам-тарам сочларин тараб,
Янги қўшиқ, янги соз билан,
Юз хил оҳанг, юз хил ноз билан,
Бағрин очди баҳодирига,
Паҳлавони, чин ботирига.
Дийдор кўрмоқ кўп маҳол эди,
Асрларки бир хаёл эди.

Октябрда балқиган қуёш,
Ўзи бўлди саодатга бош.
Яшнаб кетди чўлу саҳролар,
Яйраб оқди азим дарёлар.
Томоғини «Қўшоб» даштида
Ўл қилолмай жавраган қушлар,

Қанот қоқиб баҳор гаштида
Чаппар отар, вақтини хушлар.
«Қоқтепа»да унади гуллар,
«Ўртачўл»да ғўзалар гуллар.
Қир-адирда жонланди ҳаёт,
Ишкомларда «Биҳишти» — новвот
Пушталарда «Бўрикалла» — асал,
Гилос пишиб ёнади ял-ял,
Беқасам тўн ҳар битта тарвуз,
Қадамингда дейди: «Мени уз!»
Боғлар гуллар, кулар ғунчалар,
Бу тўй азми улуғ шунчалар.

Баркаш юзли кунгабоқарлар
Мой дарёси бўлиб оқарлар.
«Хайриобод»га кирди файзу қут,
Лим-лим тўлиб оқади «Шоҳруд»
Нурга тўлди яқин-йироқлар,
Навоийда ёнган чироқлар,
«Тўдақўл»да акс этар сувда,
Қўл мавжланар нурда осуда.
«Эчки ётоқ» деб аталган жой,
Хиёбонга, паркка бўлар бой.
Қўлларида сапчийди балиқ,
Қўлларида сузади қайиқ.
Боғлар, гуллар, кулар ғунчалар,
Бу тўй азми ана шунчалар.
Заркокилли гўзал Зарафшон,
Баҳодиринг келди, кутиб ол.
Қўлларида аста тутиб ол.
Огушида кўргин ўзингни,
Лабларига туткин юзингни.
Амударё — полвонинг келди,
Амударё — давронинг келди!

1967

ШАМОЛ

(Баллада)

Тол барглари орасидан
Аста қўзғалди шамол.
Анҳор сувин жимириллатди,
Силаб ўтди йўлларни.
Таъзим қилиб қола берди,
Бедазор, дарахт, ниҳол,
Боққа кириб титкилади
Садарайҳон, гулларни.
Тонг бағрида мудраб ётган —
Қушлар учди патирлаб.
Пахтазорға у йўл олди
Ўзалар баргин силаб.
Кенг пахтазор...
Жўякларда
Шамол шошиб югурди.
Ширмон юзи лўппи-лўппи,
Лобар қизларни кўрди.
Сарсаридай елиб турди,
Сийлаб қизлар сочини
Ва бағрига босди бир-бир,
Кенг очиб қулочини.
Ўзаларки, кўкрак ўпар,
Шиғил-шиғил ҳосили.
Гулларидан бол шимириб,
Асаларилар учар.
Барглариға у бош қўйиб,

Шоналарга осилиб,
Маъшуқаси — қизларжоннинг
Оппоқ бўйнидан қучар.
Рашким келар!
Рашким келар сенга шамол
Лек, дидингга қойилман!
Пахтазорда қизлар гўзал,
Шўхсан, бебошлигимсан.
Пахтазорнинг қизларига
Мен ҳам сендек мойилман,
Сени шамол деб атадим,
Аслида — ёшлигимсан!

1969

ЛЕНИН ҚИЙГАН БЕҚАСАМ

(Баллада)

I. УЛУҒ САҒАР

Холиқ бобо бахтли чол,
Олтмиш бешда оқсоқол.
Звеновой, план юз,
Кўксида «Олтин Юлдуз».

Элда машҳур пахтакор,
Топган обрў, эътибор.
Чолда қирқта неvara,
Қанча-қанча чевара,—
Неваралар ҳар куни
Ўрашиб олар уни.

— Ҳой буважон, буважон,
Олиб келдим, мана, беш!
— Ёпгандилар ойим нон,
Ёрдам бердим пешма-пеш.
— Мен ҳам битта шеъл ёдлаб
Айтиб белдим боғчада...
Неvara-чеваралар
Берур ҳар куни ҳисоб.
Силар сочларин бува,
Севинчлари қоп-қоп.

Бу йил кўркам келди ёз,
Имтиҳонлар ўтди соз.
Бухородан учовлон —

Бир қизчаю бир ўғлон,
Бахтли бува — қаҳрамон
Чиқишдилар сафарга —
Улуғ Москва томон.

Перронда одам гавжум,
Поезд силжиди аста.
Ортда қолди Бухоро,
Осмонўпар минора.
«Лаби Ҳовуз», тоғ-тошлар,
Нилий гумбаз, гулбоғлар.
Поезд учар чўллардан,
Ўтиб борар кўллардан.
Пишқиради тепловоз,
Чинқириб берар овоз.
Томоша қилар чандон,
Деразадан учовлон,

Чўлу қирлардан оша,
Поезд берар томоша.
Дарёлар оқиб ўтар,
Кўкда сузар булутлар.
Яшил-яшил ўрмонлар,
Тоғ-тоғ буғдой хирмонлар,
Гоҳ паст, баланд пичанзор,
Поёни йўқ олмазор
Кўзлардан чопиб ўтар,
Пойтахтни ҳамма кутар.

Ёнида икки фарзанд,
Холиқ бобо шод, хурсанд.
Неваралар хуррам-шод,
Авазбек билан Марьям
Йўлни ёзиб боришар,
Тун ўтиб, кун ёришар.

Бошланур рус ерлари —
Далалари, қирлари
Кўздан ўтади бир-бир
Ҳадсиз ўрмон, яшил қир.
Россия... қора тупроқ,
Ям-яшил ўрмон ҳар ёқ!
Ўрмонга боқар Марьям,
Мижжа қоқиб дам-бадам.
Кўрган эди у аввал
Суратларда ўрмонни.
Кўргандай у шу маҳал
Ўрмонда олмахонни.
Қорбобо, қорқиз, арча
Меҳмон бўлур шу ердан.
Хурсанд бўлади барча,
Бу бебаҳо меҳрдан.
— Марьям, қара,— деб Аваз,—
Денгиздир, ажаб эрмас...
Жилмаяр Холиқ бобо,
Сўнгра сўзлар ҳижжалаб:
— Чўнг дарёдан ўтамиз,
Дейишганди эрталаб.
Денгиз эмас, Волга бу,
Мисоли биллур кўзгу.
Рус қалбидай кенг дарё,
Дарёмас, меҳригиё.
Фашистларни биз шунда
Тутдай тўкканмиз, тутдай.
Асир тушди кўплари,
Танклари-ю, тўплари
Кечагидай эсимда,
Эслаяпман шу зумда...
Авазбек бўлиб ҳайрон.
Тикилар дарё томон.
Эсга келар шу топда
У ўқиган китоблар.

Улуғ дарё тарихи,
Шеърлардаги таърифи.
Усти юпун, яланғоч,
Тўр судрашиб, қорни оч —
Бурлаклар кун кўришган,
Дарё бўйлаб юришган.
Қадимий рус ерлари,
Некрасовнинг шеърлари —
Бари келар ёдига,
Ёзар ён дафтарига.
Қуёш оғар ўрмонга,
Ҳамма зўр ҳаяжонда.
Москванинг шаънига
Қўшиқ янграр вагонда.

II. ДОҲИЙ ЮРГАН ИУЛЛАРДАН

Москвага меҳмонлар
Келади Ер юзидан.
Одам кам Москвани
Тотимаган тузидан.
Москва меҳмон кутар,
Ҳар она тилдай ўтар.
Холиқ ота шод бугун,
Неваралар ҳам мамнун.
Икки невара ёнда,
Совғалар чамадонда,
Аста поезддан тушар,
Шодлиги қайнаб тошар.
Юк ташувчилар шу он,
Қарши олишар хандон.
Икки қўли кўксида,
Шофёрлар олур қарши,
Одамлар бунча яхши!

Ҳис-ҳаяжони ошиб,
Аваз қолади шошиб,
Умрида биринчи бор
Москвани кўриши.
Доҳий юрган йўллардан
Биринчи бор юриши.

«Россия» — меҳмонхона,
Тенги камдир жаҳонда.
Савлат тўкар мисли тоғ,
Дарё бўйида шундоқ!

Чолнинг «Олтин Юлдуз»ин
Кўксида кўриб дарҳол.
Меҳмонхона ходими
Қарши олади хушҳол.
Аваз ҳам бобосидай
Агар бўлса қаҳрамон
Кўтаради бошига
Уни жумлаи жаҳон.

Кремлга рўпара
Жой олишар учовлон —
Холиқ бебо, Авважон
Ва дўмбоқ қиз — Марьямхон

Дам олишар... Бирси кун —
Бошланади саёҳат:
Москва улуғ пойтахт —
Дунёга таратар бахт.
Гавжум кундуз, кечалар —
Одам тўла кўчалар.
Мавзолей... Қизил Майдон,
Кўз тикар жумлаи жаҳон.

Ёқут юлдузлар ёнар,
Қўрган кўзлар қувонар.

Инсон — оқ, қора, сариғ,
Зиёрат қилур бари.
Мавзолей — зиёратгоҳ,
Доҳий меҳри дилда жо.
Саф тортишиб одамлар
Аста-аста қадамлар.
Бош эгиб, вазмин юриб,
Улуғ Ленинни кўриб,
Чиқишади миллионлар,
Унутилмас бу онлар.
Марьямхон билан Аваз
Қилган орзую ҳавас
Бугун ушалгани рост,
Ҳеч унутилмас бу ёз.

Мана, турар қадимий
Кремль деворлари,
Бунда кўйилган хоки
Лениннинг сафдошларин,
Номлари ҳам ёзилган
Ва соф тортиб тизилган
Кремль арчалари.

Одамларнинг барчаси
Қайта-қайта қарашар,
Бориб қилур томоша.
Мана: подшо — қўнғироқ,
Пушка ҳам подшо бироқ.
«Оружейный палата»
Кўриш керак албатта.
Кремль курантлари
Занг урар жаранг-жаранг.
Жаранглайди дегандай:
— Одамлар, менга қаранг!

— Яна бунча одамлар
Қайси томон қадамлар?
— Номаялум солдат қабри,
Ҳаммани чорлар ўзга.
Унга қараб кишилар
Ёш олишади кўзга.

Кремлнинг чиройи —
«Съездларнинг Саройи».
Бунда Ватан юраги
Уриб туради гурс-гурс,
Учрашар бу бинода,
Турли миллат, ёр-дўст,
Бунда азиз, бебаҳо —
Ҳар бир тош зиёратгоҳ.
Соборлар, олтин қубба
Диққатни тортар жуда.

Бирси кун Марьям, Аваз,
Дилида тинмай ҳавас,
Яна сайрга чиқдилар,
Хотиралар йиғдилар.

Будир Горький кўчаси,
Гавжум кундуз, кечаси.
Ун икки қатор саф-саф,
Енгил машинлар юрар.
Пиёдалар бир тараф
Кўча гаштини сурар.
Мана, Пушкин майдони,
Улуғ шоирга ҳайкал.
Шеър ўқигани ёшлар
Йиғилишар ҳар маҳал.
Бу бино телеграфдир,
Дунёни улар бир-бир.
Ҳеч лофи йўқ, бу гап чин,

Бутун дунё кишисин
Бунда учратиш мумкин.

«М» ёзувли дарвоза
Донғи элга овоза,—
Метро — ер ости шаҳар,
Уйғонади ҳар саҳар.
Ярим тунгача ишлар,
Унда юрар кишилар.
Эскалатор — нарвон,
Тасма айланар ҳар он,
Қатнайди минг-минг одам,
У тиним билмас бир дам.

«Москва — Волга Река»
Қирғоғида қалқийди,
Куёш отиб беланчак
Тўлқинларда балқийди.

Доҳий Марксга ҳайкал —
Берар шаҳарга сайқал!
Бу — Миусский майдони,
Пионерлар саройи.

Давом этар саёҳат,
Дилларда севинч қат-қат.
Анграйиб қолар Аваз,
Футболга дилда ҳавас.
«Хужумчиман» шиддаткор,
Бунда ўйнашим даркор.
Футбол тепар умидвор —
Қабул қилса «Пахтакор».
Командага бош бўлса,
Ўйнаса Лужникида.
Қолмаса дилда армон,
Шуни ўйлар ҳар замон.

Электричка, метро,
Чаққон, тез, уддабуро,
Ҳамма юрар бир сафда.
Дерлар: — Бу ер виставка.
Виставка — томошабоғ,
Ҳам шаҳару, ҳам қишлоқ.
Мана, буғдой сербошоқ,
Пахта очилган оппоқ.
Қучоққа сизмас тарвуз,
Пишиқчилик — олтин куз.
Узумлар шундоқ пишган,
Олма тагига тушган.
Лимон сап-сариг офтоб,
Мева-чева беҳисоб.
Бир ёнда станоклар,
Электрону тоқлар.
Космос фанининг боши,
Она-Ернинг йўлдоши,
Машинанинг юз хили,
Темир одам, йўқ тили...
Бобою иеваралар,
Роса қилур тамоша.
Аваз ўзида йўқ шод,
Хурсанддир Марьямпошша.

Олтинчи кун наҳор
Чол деди-ку: — Киройи,
Ленин тоғларида бор,
Пионерлар саройи.
Чойни ичиб шу замон,
Қўл ушлашиб учовлон,
Сарой сари йўл олар,
Ҳамма ҳайратга қолар:
Оқсоқол чол, бўта кўз,
Қўксида «Олтин Юлдуз»
Қучоқлаб, болаларга,

Тоза гуллолаларга
Ёнидан олиб абжир,
Дўппи кийгизар бир-бир.
Қарсак янграб даврада,
Чиқар значок қадаб.
Дер: Бухородан ёдгор,
Йўлингизга интизор,
Албатта бўлинг меҳмон,
Меҳмонга садага жон!
Москвалик пионер
Сўз олару шундай дер:
— Сизга раҳмат бобожон.
Унутмаймиз ҳеч қачон!
Бўлинглар азиз меҳмон,
Бизлар бир тану бир жон!

III. ЛЕНИН КИЙГАН БЕҚАСАМ

*В. И. Лениннинг шахсий секретари Лидия Александровна
Фотисеванинг хотираларида, ёзувчи Евгений Марнинг
«В гостях у Ленина»¹ китобида бухороликларнинг
В. И. Ленинга беқасам тўн кийгизганлари эсланади.*

Лениннинг уй музейи,
Доҳий яшаган хона.
Турар буюмлар оддий,
Ҳеч нарса йўқ шоҳона.
Стол, юмшоқ кресло,
Китоблар тўла жовон.
Бу ерни кўрмоқ истар,
Бутун жумлаи жаҳон.
Лениннинг кабинети,
Очиқ қолган календарь...

¹ «В гостях у Ленина», Издательство «Детская литература», Москва—1971 г. стр. 89.

Яп-янги турар бети,
Бугун очиб қўйгандек.

Қизиқ бир ҳикояни
Бошлар экскурсовод.

Мана, қаранг, беқасам —
Доҳий бўйига шинам,
Кўзга кўринар иссиқ,
Тарихи жуда қизиқ.
Ленинга меҳрибонлар —
Бухоролик деҳқонлар
Ильични кўрмоқ учун
Келган эмишлар бир кун.
Усти бўлса ҳам юпун
Қўлларида бўхча-тугун.
Суҳбат қуриб бир замон,
Кўнгил очишмиш чандон.
Доҳий сўраса савол,
Жавоб бермиш кекса чол.
Суҳбат қизиб кетибди
Ва сўнгига етибди.
Бухоролик отахон
Тугунни олиб чаққон,
Беқасамни олипти
Елкасига солипти.
Дўппи кийгизиб қувноқ,
Белига боғлаб белбоғ.
Бир кўтариб қўйипти,
Ленин бўлипти ҳайрон,
Сўнгра кулипти чунон.
Шунда депти кекса чол:
— Сиз ҳурматли оқсоқол,
Бугун жуда бахтлимиз,
Сизни севар халқимиз.
Шундоқ ўзбек удуми:

Улуғга кийгизар тўн,
Бу тунда мужассамдир
Халқимиз меҳри бутун!
Хайрлашиб кетгач меҳмон,
Тўнни кийиб бир замон,
Йигитлардай киройи,
Бу уйда юрган доҳий...
Шунинг ўзи кифоя,
Жуда қизиқ ҳикоя.

Кипригин қоқиб бирпас,
Марьямга қарар Аваз.
Улуғ Ленинга тўнни
Кийгизган боболари.
Шундоқ турипти янги,
Ўзбекча сарполари.
Марьямнинг хаёлида
Ленин тўн кийиб юрар.
Ўқишидан, ишидан
Гўё ҳол-аҳвол сўрар.
Шундай ўтар ажойиб,
Сафарнинг бу куни ҳам.
Блокнотига ёзиб,
Борар Авазжон, Марьям.
Мана, бугун ниҳоят,
Тушда туғади сафар.
Совға-саломга навбат,
Жўнашар эрта саҳар.
Хайр, азиз Москва,
Хайр, азиз пойтахт.
Сен-ла ўтган дақиқа
Ўнутилмас катта бахт!

ДОСТОНЛАР



ТИЛЛА ДАРВОЗА

*«Аму билан Сир дарёлари оралиғида яшовчи
массагетлар темир ва кумушни сира ишлатмайдилар,
бироқ олтин ва мисга бойдирлар».*

Геродот

Муққадима

Ватандошим,

орзу одами,

Ишқингиз бэр кўнгил қатида.

Йигит ёшим бу ширин дами

Мунаввар эл муҳаббатидан.

Тоғлик юртда униб-ўсганга

Тоғдан гўзал жой йўқдир, майли,

Ой кўринар Қизилқум менга,

Олов юраклиги туфайли.

Агар тақдир отса йироққа,

Кесилса-да, ҳатто оёғим,

Топар эдим уни сўроқлаб,

Меҳри бўлиб қўлтиқ таёғим.

Қумларини суртай кўзимга,

Гардлари — дур, олтин ҳар тоши.

Ҳар зарраси қувват сўзимга,

Қизилқумда илҳом қуёшим!

Қумда ўйнаб, нурда чўмилган

Ва қуёшни ҳовучлаб ичган,

Чўлда гуллолага кўмилган,

Мурунговда ёшлиги кечган,

Қизилқумда бир дўстим бордир.

Шамолларга сингиб гоҳ шамол,

Қишда тўзғиб ёғувчи қордир,

Наврўз фасли навбаҳор мисол,

Ёзда қалби оташдай ёнар,

Турфа фасл унда мужассам.
Фасллар гоҳ шаштидан тонар,
У тонмайди шаштидан ҳеч ҳам!
Даст кўтариб қуёшни бошга
Қизилқумни ёритган Данко!
Қалби ўхшар порлоқ қуёшга
Ва бу қалбда жаҳон бўлур жо.
Чўлда, деса, Ерни думалоқ,
Инонасан, боқиб тўрт томон.
Уркач-уркач қум яқин-йироқ,
Қумга бориб туташар осмон.
Бошланади қумдан уфқлар,
Гоҳи текис, гоҳи баланд-паст.
Шиддат билан бургут чарх урар,
Парвозидан ўзи бўлиб маст.
Қўринади ва бир дов-дарахт,
Яккам-дуккам учрар саксовул.
Бир қултум сув йўловчига бахт,
Барханларни судрайди довул.
Қизилқумда, сен билган қуёш —
Қумдан чиқиб, қумга ботади.
Тоғдай бўлиб, кўкка чўзиб бош,
Қумтепалар йўлда ётади.
Чўлни ёриб кирган асфальт йўл —
Хаёлингга ташлайди каманд.
Зарафшонга ундайди кўнгил,
Ўйларингда очилар чаман.

I

Қумликларда, гўё келинчак,
Қад кўтармиш бир шаҳри азим.
Асфальт йўлдан чўлнинг елидек
Чўл томонга елар «Волга», «Зим».
Олтин шаҳри — гўзал Зарафшон!
Сен, Қизилқум ёноғида хол.

Чироқлардан бўйнингда маржон,
Сен мен учун ҳаёт ва ҳаёл.
Хумор қилди гўзал боғларинг,
Жамолингни соғиниб келдим.
Мурунговдай олтин тоғларинг,
Қамолингни соғиниб келдим.
Сени сеҳр чамани дейман,
Инсон ақли қилмайди бовар.
Наҳот, асрий қумлар бериб тан,
Чўлда битмиш бу жаннат шаҳар!
Қўп қаватли мактаб ўрнида
Чирпанарди кеча гирдибод.
Кўркам хиёбоннинг тўрида
Оч бўрилар соларди фарёд.
Янтоқларни кўчириб кўржин
Учирарди етти фалакка.
Барханларнинг юзида ажин
Ёнбош тушиб ётарди яккаш.
Судраларди бефайз, бенажот,
Шу зайлда йиллар, асрлар.
Пинҳон эди ҳазина сирлар,
Курашарди ўлим ва ҳаёт!

II

Хиёбон муюлишида
«Тилла узук» кўчаси.
Бир хонада чироқ ёнар,
Ўчмас узун кечаси.
Эркалаб тун одамларни
Ўхлатар қучоғида.
Абдулазиз танҳо кезар
Ҳаёллари боғида.
Умидларнинг оғушида,
Лабларида табассум.
Раънохоннинг боқишлари

Ухлатмас уни бир зум.
Тонг оқариб, келар, бироқ
Уйқу келмас кўзига.
Шифтга эмас, термилади
Гўё Раъно юзига.
Гоҳи ухлар, гоҳи уйғоқ,
Севги кайфи-ла беҳуш.
Тонгстарди Абдулазиз
Кўрар ажойиб бир туш:
Раънохонни олиб борар
Туғилган қишлоғига.
Қўл ушлашиб, гўё тўхтар
Қатта ёнғоқ остида.
Шилдир-шилдир сув оқади
Гулҳовузнинг пастида.
Гул дасталаб Абдулазиз
Тутар ёри қўлига,
Онажони қулоч ёзиб
Чиқар келин йўлига.
Раънохонни ўпиб-ўпиб
Эркалайди қайнона.
Кейин ўғлин атрофида
Бўлур она парвона.
Кўрибсизки, тўпланибди
Қариндош, уруғ-аймоқ,
Оқиб келар қўни-қўшни,
Охири бўлмас адоқ.
Ер остидан Раъно боқар
Абдулазиз кўзига.
Лола ранги кўчмиш шундоқ
Раънохоннинг юзига.
Тандирхона туйнугидан
Чирмашар кўкка тутун,
Онажони хамир қориб,
Патир ёпар уззукун.
Абдулазиз томга чиқиб,

Ѓўзапоя ташлармиш.
Томда ёйиқ туршакларни
Кўриб, кўзи яшнарниш.
Ёпилармиш бўрсилдоқ нон,
Анқир эмиш нон иси.
Домла Ҳалим олар эмиш
«Насруллоини» эзиб...
Эшик бирдан тақиллайди,
Бузилади ширин туш.
— Ким ахир шунча ухлар,
Қутяпмиз, пастга туш!
Деразадан пастга боқса,
Йигилишиб дўслари,
Автобусда кутишади,
Қоржома кийган бари.
У шошилиб кийинади,
Ёдга келмас нонушта.
Машинага илашади,
Тамадди қилар ишда.
Кранчи қиз — Раъно асли
Сеҳрлаган дилини.
Абдулазиз ишқ домига
Билмай қолди илиниб.

Олов ёшлик! Бебаҳосан,
Ҳароратинг қуёшдай,
Севги дарди бошга тушса,
Айриласан бардошдан.
Сеҳрли ишқ азобида
Бедор ўтар тунларинг.
Интиласан, интиласан.
Равшан ўтар кунларинг,
Автобусда ёшлик борар —
Асримизнинг шуҳрати.
Чўл, саҳронинг багрин ёрар
Ёшлигимиз қудрати.

Ёшлик етди фазогача,
Тамға босди ойга ҳам,
Галактика йўлларида
Тинмасдан босар қадам!
Тўлқин узра тўлқин оққан
Каби улкан дарёда,
Ёшлик оқар тўлқинланиб
Ёшлик оқар саҳрода...

III

Ҳу, осмонда қўшиқ учар,
Тингланг, куйлайди Раъно.
Қизнинг ёниқ авжларида
Қуёш қадар таманно!
Ҳали бунда кўп қаватли
Биолар бўлар барпо,
Бу ер кўркем бўлиб кетар,
Чўл кияр гулдан сарпо...

Қўллар кўлга тегмас сира
Иш қайнаган қизғин пайт.
Поёни йўқ чўл бағрида
Самосваллар гуруллар.
Қуёш эмиб яшнаб турар
Қизилқумда бир дарахт.
Бир дарахтки, ҳар бутоғи
Турфа-турфа, муаттар.
Монолитдай мустаҳкамдир
Бу дарахтнинг танаси.
Қор қилолмас бўрон, ёмғир,
Қумларнинг кўчиши ҳам.
Шу кунларда бу дарахтга
Келур жаҳон ҳаваси.
Етмиш элат мевалари
Бу дарахтда жамулжам.

Афсонага ўхшар...

лекин

Афсонадан йўқ дарак.

Ялтироқ сўз ярашмайди

Меҳнат байтин тизмоққа.

Меҳнат —

болға ва ўроқнинг

Қудратидир муштарак.

Ёрқин сўзлар топиш керак

Рост гапларни ёзмоққа!

Бульдозерлар ер текислар,

Пайвандчи сачратар ўт.

Сув, цемент, қум, сим... хуллас

Бинокорнинг иши бут...

IV

Юқори вольт электр симлар

Салқи-салқи ётар чўл бўйлаб.

Ҳавозалар тизилиб имлар,

Симлар узра шамоллар куйлаб.

Бурғуларнинг олмос тиғлари

Ботиб борар тубсиз қумликка.

Тонна-тонна руда тўлғазиб

Машиналар ўрмалар тикка.

Ана, полгон экскаватор

Нортуядай чўзар бўйнини,

Тинмай қазар, ғайрати ортар,

Менсимайин шамол ўйнини.

Ҳавзаларда ер портлаб кетар,

Замбурғдай кўтарилар чанг.

«БЕЛАЗ», «КРАЗ» рудани элтар,

Бораётир ҳаётбахш бир жанг...

Келиб қолар кўчма ошхона,

Тёркин мисол Маҳмуджон ошпаз.

Тушлик ўтар қувноқ, шоҳона

Давом этар турли-туман баҳс:
— Ажаб фан-да, кибернетика!
— Яшаш мумкин денгиз тубида!
— Медицина орқада, нега?
— Ҳаёт бордир чўллар субҳида!
— Бўлди энди хаёлпарастлар,
Тугай деди тушликнинг вақти!
Қани, ишга, турунлар дўстлар,
Бузилмасин қурувчи аҳди!
Экскаватор шопирар яна
Сариқ, қизғиш, ложувард руда.
Жилоланиб, товланиб ёнар
Рангин тошлар қуёш нурида.
Ишга томом берилган Азиз
Тўқар экан рудани аста,
Бир сония ҳайратда қолди
Бош чанагин кўриб тўсатдан.
Шамол гўё зўрайди бора,
Чаноқ кўкда қолди муаллақ.
Гўрдай кўзлар унга тобора
Яқинлашиб келарди шу пайт:
— Қўрқма!
Тоғдан акс-садо.
— Қўрқма!
— Тингла!
Тоғдан акс-садо,
— Тингла!
Аждодиингман, мен ҳам сендай
Гўзал эдим, ёш эдим.
Оқар дарё каби жўшқин,
Тинчимас, бебош эдим.
Бог-роғларни яшнатувчи,
Қадами қуёш эдим.
Сенга ўхшаш йигит эдим,
Кўпчиликка бош эдим...
Уч юз йилдир, тупроқ тагида

Ётибман мен, қоришиб тошга.
Уч юз йилдир, тоғ этагида
Қўмилганман, маҳрум қуёшдан.
Осмоидаги ой куйиб кетган,
Гўристондай зим-зиё ҳар ён.
Менинг учун бу дунё битган,
О, йигитча, мен бағри гирён!
Уч юз йилки, тоғ теграсида
Босилмади инсон оёғи.
Эшитилди шамол сасида
Табиатнинг дўқи, сабоғи
«Борса келмас», деб аташарди,
Қизилқумнинг бу хилват жойин.
Одамзоднинг хўрлиги, дарди,
Бу жой эди даҳшат саройи!
— Сени шаҳид этиб кетган ким,
Ҳайвонларга ем қилиб мурданг?
— Замонадир қотилим, балким,
Не-неларни бу дунё кўрган!
Уч юз йилдир...

Кунлардан бир кун,
Чақиртирди амир хизматга.
Оилада хурсандлик буткул,
Раҳматлар, деб бундай ҳимматга!
Остонада қолди эҳ, маҳзун
Чачвонини кўтариб дилдор.
Йиғлаб-йиғлаб дийдалари хун,
Сўнг бор деди: «Унутмагин ёр!»
Гўзал эди у қоши камон,
Чевар эди, эди қўли гул.
Тақдир солди ўртага ҳижрон,
Йўлга тушдим узолмай кўнгил.
Паранжисин солиб бошига,
У кузатди орқадан узоқ.
— Хайр! — дедим, қалам қошимга,
Юрагимни ёндирди фироқ.

Шундай қилиб, саройга бошлаб
Олиб кетди қишлоқ ҳокими.
Пар ёстнққа амир ёнбошлаб
Бизга аён қилди ҳукмини,
— Ҳурилиқо — парилар юрти
Сари жўнар жаъми паҳлавон.
Кимнинг бўлса омади, бурди,
Бўлар роса бозори чаққон.
Бойиб қайтар, парилар билан —
Бир умрга бўлур бахтиёр.
Шароитга ким келтирса шак,
Парилари етказар озор.
Ҳозирланди карвонлар сўнгра,
Лашкар бўлди йўлга равона,
Хуржунларда талқон, ширмонлар,
Хайрлашди амир шоҳона.
Ярим тунда чиқдик шаҳардан,
Қизилқумга етдик тонг чоғи.
Ҳеч ким билмас қандай сафарга?
Карвон борар тортмай оёғи.
Юрганимиз — борса келмас йўл,
Элтар экан тилла конига.
Олиб келди ошиб саҳро, чўл,
Мурунговнинг шундоқ ёнига.
Метин чўкич олдик қўлларга,
Олтин қаздик олий ҳимматга.
Мадоримиз қолмай белларда,
Ўтдай урдик ўзни меҳнатга.
Олтин қаздик бизлар юзовлон,
Қоплар тўлди тилла тошлардан
Сўнгра юкли хориган карвон,
Амударё сари йўл олди.
Ювишаркан увоқлаб роса,
Олтин қолиб, қумлар оқаркан.
Бўлмасин, деб элга овоза,
Мардикорга бир айб тақаркан,

Қўлларини арқонга ўраб,
Харсанг тошлар осиб бўйнига,
Икки оғиз калима сўраб,
Отишаркан дарё қўйнига.
Битар экан шўрликлар куни,
Балиқларга бўлар экан ем.
Амударё билса-да буни,
Оқар экан, оқар экан жим.
Махфий сақлаб тилла сирини,
Қазган бўлса кимки бизга чоҳ,
Қайтиб борган куни шаҳарга,
У ҳам гумдон қилинар, эвоҳ!
Шундай қилиб сир — сирлигича,
Қолаверди, мана, уч юз йил.
Мен ҳам битта жабрдийда, бил!
Уч юз йилки, кўрмади қадам,
Бойлигини яширди бу тоғ,
Энди тинчиб ётарман, бўтам,
Аждодингман, кўрқма, бўталоқ!
Аммо, эшит, бунда бор бир куч.
Сезилади даҳшатли изи.
У олади баъзан қаттиқ ўч,
Дейишади уни «Тоғ қизи»,
«Тоғ қизи»дан асра ўзингни,
Келтирмасин у сенга кулфат.
Қаратмасин ерга юзингни,
Эҳтиёт бўл, сен ундан фақат!
Халқда бордир шундай афсона,
Афсонанинг таги — ҳақиқат,
Абдулазиз ёна ва ёна,
Бу даҳшатни эслади фақат...

V

Қизилқумда сўқмоқлар кўп, йўллар кўп
Геологлар изи кетган уфққа.
Қуёш чиқиб келар гўё олтин тўп,

Саховатин багишлаб еру кўкка.
Тонгдан яна бўшаб қолар Зарафшон,
Мурунговга жўнар олтинтопарлар.
Мурунговга элтувчи йўл нурафшон,
Машиналар қатнар шому саҳарлар.
Кучоғида бебаҳо ганж яширмиш,
Кўп асрлар гувоҳи — бу тизма тоғ.
Ёзда қизиб, қордан пўстин кийиб қиш,
Йиртқичларга шу тошлар бўлган ётоқ.
Қишда қорга кўмилади Мурунгов,
Қор бўрони ўкиради чўққида.
Уюм-уюм қор йўлларда бўлар ғов,
Тошлар музга айланар совуғида.
Мурунговга келганида навбаҳор
Йўлларингда гилам бўлур гуллола.
Ирмоқларда куйлаб оқар кумуш қор,
Қизғалдоқлар гўё ёқут пиёла.
Ёзда қуёш эритади тошларни,
Қушлар учиб, излар бирор соя жой.
Ўт-ўланлар тоғда қурий бошлайди,
Уфқларда сароб оқар мисли сой.
Қузда иссиқ келур бунда об-ҳаво,
Қўтарилар яйдоқ тоғда гирдибод.
Гоҳи совуб, кунлар исиб кетар гоҳ,
Шамол ҳоким, ҳокимдир у умрбод!

VI

Қуёшли кун эди...

Мурунгов —
Мисдай қизиб ётарди чунон.
Бермаса-да юрак ишга дов,
Иш тўхтамас эди ҳеч қачон.
«БЕЛАЗ» қатнар йўлда мокидай,
Тўлиб ташир олтин рудасин.
Мўралайди тошлар чокидан
Зарра-зарра олтин тўдаси.

Абдулазиз «Полвон машин»да
Тарашларди тоғнинг юзини,
Мўъжизага дуч келди, бирдан
Харсанг тошга тикди кўзини:
Олмас кавш чарх тортти гўё,
Сачраб кетди олов учқунлар.
Сўнг, табиат қилди ихтиро:
Тошларда акс этди тўлқинлар,
Пардозланди ажиб гўзаллик
Сароб тошнинг безакларида.
Соҳибжамол турар эди тик
Унга қараб бир оз нарида.
Олма бирам гуллабди, бай-бай,
Тошга чизмиш бун табиат.
Уста рассом ҳатто чизолмай,
Лол бўларди кўрганда албат!
Гул табиат, севимли элим,
Магнийларга кетма қоришиб,
Яшнайверсин гулчирой ўтлар,
Учаверсин қушларинг эркин.
Парвоз этсин тоғда бургутлар,
Очилсин тоғ, даштларинг кўрки!
Ном-нишонсиз йўқолсин губор,
Ҳаво доим бўлсин мусаффо,
Табиатга бахш этиб баҳор
Оқаверсин шагиллаб дарё!
Абдулазиз хаёлин олиб
Кетар эди тошдаги дарахт.
Болалигин эсига солиб
Ўз боғига бошлади бир вақт:
Бир туп олма гулларди богда,
Минг куйларга солиб хаёлин.
Ўнинчини битирган чоғда
Зарафшонга бошлади толе.
Қўшни қизи — сулув Ҳожархон
Ҳадя этиб суюқ табассум,

Кўринди-ю, гўё меҳрибон,
Юрагига қўл солди бир зум.
Абдулазиз кўзига дунё
Гўзал бўлиб кўринган чоғда,
Унутди қиз, бўлди — бевафо,
Ишончини қолдирди доғда.
Шу-шу бўлди унга бу қишлоқ
Тўрт йилдирки ҳамон бегона.
Ўша олма, ўша кўркам боғ
Ва жафокаш меҳрибон она
Қолиб кетди олис қишлоқда.
Йўлланмани олгани чоғда
Унга Ватан бўлди Зарафшон.
Олтин қазир, мана, у тоғда,
Она йўқлаб келар ҳар замон.
Акалари келар гоҳида,
Кенжаларин согиниб, қумсаб,
Дўстларининг у паноҳида
Йигит дейсан, йигит бўлди зап!
Виждон ундан сўрар ҳар йўла:
— Қани, айт-чи, йигитлар алпи,
Кимларга деб қазийсан тилла?
Шунда жавоб қайтарар қалби:
— Шу олтиндан чўлларда асфальт,
Қизилқумда битган шаҳарлар.
Қурилишлар кўтармоқда қад,
Ой ҳам ерга тутқазмоқда бар.

VII

Қояларга илиниб булут
Ташлаб кетди бир-икки томчи.
Қиш ортидан ҳамал ҳам етди,
Ёмғир роса туширди қамчи.
Баҳор келди...

тогда лолалар
Очилгандан очилди кўркам.

Қирга чикди қувноқ болалар
Тўшалганда майсадан гилам.
Мурунговда бўлса гул сайли
Қучиб келар Зарафшон шундоқ.
Тоғда кезар навбаҳор файзи,
Чўққиларда лоладан байроқ!
Ёмғирдан сўнг чиққанда офтоб,
Гуркирайди ўту ўланлар.
Бир тасодиф рўй берди шу тоб,
Тогдан тушиб келди кўланка:
Баҳайбат тоғ силкинди гўё,
Тошлар кўчиб, бўлди чилпарчин.
Абдулазиз ташласа нигоҳ,
Қирра тошлар сирғанмоқда чин!
Кабиначин ёпди-ю, тезда
Бир ричағни тортди ўзига,
Увоқ тошлар босарди, сезди,
Нимадир «ялт» этди кўзига.
Кўнгли озиб, айланди боши,
Кўзин очса шифохонада.
Кўзларида мўлтираб ёши
Ўлтирарди Раъно ёнида.
Азиз очди кўзларин аста,
Бетоблигин унутди бирпас:
— Йўқ, Раънохон, эмасман хаста,
Ётишим ҳам етар энди, бас!
— Нима бўлди Сизга, жонгинам?
Эшитдим у битди бардошим!
— Қўйинг Раъно, еманг бунча гам,
Майли, айтай сизга сирдошим:
«Тоғ қизи»нинг иши бўлди бу,
Ўжарлигин кўрсатди илк бор.
Қўп кулфатлар солар бошга у,
Фақат айтманг, ҳеч кимга зинҳор!
Раъно қолди ерга тикилиб,
Хаёллари пўртана уриб.

Иситмаси ошди деб билиб,
Хайрлашди, сўнг кетди туриб.
Ҳожар пуфлаб, ўчирган олов,
Яна алангалай бошлади.
Сўнгра, ёна кетди-ю, лов-лов,
Хаста дилга умид ташлади.
Хуллас, Азиз кетди согайиб,
У ўзини сезди соғ, енгил.
Юрмади у баргдай сарғайиб,
Севгисидан гап очди дадил,
— Раъно, сизга айтсам ростини,
Оғзим куйган севги, деб бир бор...
Ҳожар деган вафосиз қизга
Илк бор этдим муҳаббат изҳор.
У хат бериб китоб қатида:
— Сизсиз ҳаёт йўқ менга,— дея
(Сизга айтмоқ уят-ку жуда)
Яна дилин этган ҳадя.
Сўзларига лаққа тушибман,
Меҳр пайдо бўлиб юракда
Ва ҳуснига билмай учибман,
Турмас экан сўзи куракда.
Зарафшонга истиқбол излаб,
Сизни излаб келган эканман.
Комсомолдан йўлланма қистаб,
Шамол бўлиб елган эканман.
Баҳор сиздан олмиш нафосат,
Боғ гуллари эса хуш бўйин,
Оқ шуълалар чехрада қат-қат,
Дудоқларда лаъл қилур ўйин.
Бари содда, табиий бари,
Қўллариингиз меҳнатдан қадоқ!
Кўзга суртай мен у қўлларни,
Кўзларимга улар шамчироқ.
Раъно, сизни фариштам дедим,
Сиз мен учун кутилган баҳор.

Сизни дедим бахтим, севинчим,
Сизнинг билан бўлай бахтиёр!
Раъно тишлаб аста лабини,
Харсанг тошга ўтирди бориб,
Абдулазиз дил талабини
Эшитди-ю, кетди қизариб.
Ҳаё тортиб, рўмолин учи
Билан тўсди аста юзини.
Сархуш қилди муҳаббат кучи,
Йўқотгандай бўлди ўзини.
Йилтиллади манглайида тер,
Юрак гуп-гуп ура бошлади.
Назарида гир айланди Ер,
Айланди Ер тоғу тошлари...
Ўша кундан бери Раънога
Дунё гўзал бўлиб кўринур.
Қўшиқлари учар сабога,
Ҳаёт гўзал бўлиб кўринур.

VIII

Зарафшонда бугун катта тўй,
Чехраларда ғурур ҳисси бор.
Осмон сари ўрлар қўшиқ, куй,
Қўшиқ учар шаффоф, беғубор.
Етмиш миллат, етмиш қон-қардош,
Кўрсатишар етмиш хил мақом.
Акс-садо берар тоғу тош,
Шундай дилбар, фараҳли айём.
Ўз касбидан миннатдор ошпаз,
Сира тиниб-тинчимас мухбир.
Бу гурунгда киритишар файз,
Бари эпчил, бариси моҳир.
Залда янграр дилкаш «Тановар»,
Раъно учар бамисоли қуш,
Елкасида қирқ кокил қатор,
Абдулазиз бўлади сархуш.

Навбат келар олтин тозалаш
Фабрикасин ишчиларига.
Найкамалак, юз хил ранг талаш
Оқ рўмолли қизлар паридай.
Гўё кўлда сузар оққушлар,
Қарсак янграр улар шаънига.
Азиз Раъно қўлидан ушлар,
Титроқ ўтар ундан танига.
Ярим тунда тугар карнавал,
Нуқта қўйиб «Вальс» куйига.
Абдулазиз Раънони аввал
Кузатгани борар уйига.
— Раъно, дастлаб танлаганим дур —
Дур эмас, бир тош экан холос.
Олтин дебман, эканман-да ғўр:
Олтин топдим бугун бепардоз.
— Бу олтин ким?
— Жоним, ўзингиз!
— Йўқ, мен эмас, бу олтин — Сизсиз!
— Баландпарвоз бунча сўзингиз?
— Олтин топдим, ўша олтин — Сиз!
Раъно гапни олиб қочади:
— Ойим ошпаз, геолог дадам —
Лекин дилни қўшиқ очади.
Машқ қиламан баъзида шеър ҳам,
Шунчаки дил ҳаваси холос.
Мана, олинг, ўқиб кўрарсиз,
Қораладим бекорга қогоз,
Ўқисангиз, кулиб юрарсиз,
Қиз «хайр» деб, кирар уйига,
Хув, уфқда мўралайди ой.
Йигит кезар севги куйида,
Юлдузлардан кўкда гулчирой.

IX

Бизнинг меҳнатсевар Раънохон,
Гулдай тоза, сулув бир пари.

Тилга кириб кетар шу замон,
Раънохоннинг «Шеърлар» дафтари:
«Севдим сизни Абдулазиз,
Тегмасин бегона кўз.
Юраккинам ёнар, лекин
Айтолмадим бирор сўз.
Сизни кўрсам дашту саҳро
Бўстон бўлиб кўринур.
Қизилқумда жами гиёҳ
Райҳон бўлиб кўринур.
Қумтепалар худди шу кун
Тогдай гўзал кўзимга.
Сизни кўрсам кўчар нечун,
Лола ранги юзимга?
Сизни кўрсам нечун, ахир,
Адашаман сўзимдан?
Сира жавоб тополмайман,
Савол берсам ўзимга?!
Юлдуз каби гоҳ чарақлаб,
Гоҳ кўринмай кетасиз?
Хаста дилим бунча доглаб,
Бунча қийнаб нетасиз?
Сизга бўлган муҳаббатим
Ор-номусдан ҳам зўрроқ,
Ғурурим ҳам битди, балким
Устун келди иштиёқ.
Қани, менинг ўша сокин,
Осуда, тинч кунларим?
Қани, менинг уйқу ҳоким
Бўлиб юрган тунларим?
Лекин шодман, эвазига
Дилга тушди нур — туйғу
Ва жўр бўлди дил созига
Саодат келтириб у,
Муҳаббатим! Минг розиман,
Машаққатга, ҳижронга,

Эвазига бахтим топдим
Мен ҳам ёруғ жаҳонда.
Менга нодир гўзалликлар
Бахш этолган ўзингиз.
Ўрним топдим бу ҳаётда,
Ҳамроҳ бўлди ширин ҳис!
Абдулазиз!

Сиз ва ҳаёт —
Менга қиммат ҳаммадан.
Қизилқумим кўркам, обод,
Саодатли бир Ватан.
Кўзларимга дунё гўзал,
Ҳаёт тотли, нашъали.
Тугён урар дилда ғазал,
Муҳаббатнинг машъали!
Ишқ чамани жаннат мисол
Орзу ёқди, дилда машъал
Яшнайверсин ҳар нафас!
Ҳалол севги, бахту иқбол,
Ҳалол севги — муқаддас!..»

Абдулазиз ўқиб шеърни
Ҳам лолу, ҳам бахтиёр.
Қамгапғина шу қизда, эҳ,
Қайдин бунча иқтидор?
Уйида иш столида
Шу кеч ўчмайди чироқ,
У келажак ҳаёлида
Тонгни кутади уйғоқ.

Х

Қизилқумда яна баҳор... Эсар кўклам нафаси,
Ёвшанларга пир-пир қўниб, учар сўфитўргайлар.
Алвон-алвон лолаларга келар киши ҳаваси,
Яйловларда маърашади қўю қўзилар яйраб.

Дона-дона ёмғир ёғар, яшнаб кетар тоғу тош,
Бир дам соя, бир дам шуъла кезар мовий самода.
Бир томонда қуёш порлар — сеҳргар, кекса наққош,
Товланади у ранг-баранг, чизган мисоли наққош.
Осмон бўйлаб найкамалак дарвозаси бир ёнда,
Абдулазиз қалби олур шу баҳордан андоза.
Чўл еллари олиб келар гиёҳларнинг атрини,
— Жоним, қаранг, олдимизда очиқ тилла дарвоза,
Шу сўз билан бошланг энди шеърингиз илк сатрини,
Кейин ёзинг: «Бу дарвоза — бахтимиз дарвозаси!
Бу дарвоза ичра кутар бизни янги бир ҳаёт,
Бир ҳаётки, жаҳон бўйлаб, таралар овозаси.
Бу дарвоза — иқболимиз рамзи бўлур умрбод».
Раънохоннинг қўлларини аста босиб бағрига,
Узук ҳадя қилар унга Зарафшон тилласидан.
Бармоғида узук ёнар, қўлларида гулдаста,
Гўё лола қизаради Раънохон ибосидан.
Тоғ ортидан чиқиб келар, елкада майда кокил,
Найкамалак нусха атлас кўйлак кийиб олган «Тоғ қизи».
Севишганлар даврасига кўнгли бўлгандай мойил,
Лолалардан даста ясаб, гуллардан чамбар тизиб.
— Тингланг, дўстлар! Мен — тоғ рамзи, таслим
бўлмадим асло.

Очиқ айтсам ҳис қилардим ўзим арши аълода.
Сиз ёввойи чўлда бўстон айладингиз муҳайё —
Деб, тиз чўкди ошиқ-маъшуқ Азиз билан Раънога.
Хаёлида шундай бўлди. Ёрин ушлаб қўлидан
Одимлади, рўпарада очиқ тилла дарвоза.
Қизилқумда тилла шаҳар, толеи ёр йўлида,
Абдулазиз, Раънохоннинг бахти элга овоза.

1971—1972

Шовуллайди аста дарахтлар,
Баргларида безовта шамол.
Бўй таратиб, муаттар гуллар
Хиёбонда кўрсатар жамол.
Йўлкаларга сув сепиб ўтар
Асфальт йўлдан катта машина.
Сув тигига ўзини тутар
Ва югурар олдда Дельфина.
Қаҳ-қаҳ кулар бўлиб шалаббо,
Кокилларин силкитиб чопар.
Қий-чулашиб, айти муддао,—
Сувга ўзин урар гўдаклар.
Айланади чархпалакдай
Болажонлар кўзида жаҳон.
Ҳаёт завқи ичирмасдан май,
Маст қилади уларни шу он.
Ёш Дельфина завқу шавқига
Тор келади катта кўча ҳам.
Атрофида чувуллаб борар
Бутун кўча болалари жам.

.
Йўл четида юради зўрға,
Оёғини судраб Мордухай.
Қони қочган юзлари бўрдай,
Синглисига ҳатто қарамай.
Мордухайнинг бечора бошин
Гангитади қандайдир хаёл.

Зўрга борар чимириб қошин.
Ҳатто юриш келади малол.
Мана, ўнгда — она мактаби,
Севган жойи — футбол майдони...
Мижжаси нам, қимтинар лаби,
Халқумига тиқилар жони.
Ўнинчига боради бу йил,
Ўқир девди яна ҳам аъло.
МГУ га тортарди кўнгил,
Қайдан бошга тушди бу бало?!
У юради дилида ғусса,
Уялади кўтаргали бош.
Шу ҳаётдан ризқини узса
Бунга юрак берарми бардош?!
Каловланиб борар бир четдан,
Бегонадай она шаҳрида.
Насибаси узилган, битган,
Таниш кўрса ўтар наридан.
Дельфина ҳам сув билан ўйнаб,
Қайтиб кетар паст кўча томон.
Мордухайни бир азоб қийнаб,
Тинчлик бермас руҳига ҳамон.
Қуёш ботар...

кўча, хиёбон —
Одам билан тўлар бир пасда.
Хаёлга ғарқ бўлиб, хафақон
Гул бозорга бурилар аста.
Сотиб олар икки даста гул,
Ўз йўлига бўлур равона.
Кўнгил титрар, йиглайди кўнгил,
Дардларини хотирлаб яна,
Йўқ, гул эмас, қўлида гўё,
Тароватсиз, қуруқ бир янтоқ.
Қафас бўлиб туюлар дунё,
Ёритолмас кўнглини чироқ.
Мана, савлат тўккан дарвоза:

Ичкарида сокин мозорот...
На машмаша ва на овоза,
Эшитилмас на оҳ, на фарёд!
Ғавголардан ҳоли бу макон,
Давлат, шуҳрат талашмас ҳеч ким.
Бунда ётар доно ва нодон,
Бунда ётар қотил ва ҳаким.
Мордухайнинг қўлларида ғул,
Вазмин юрар гўрлар оралаб,
Она қалби...

бўзлайди кўнгил,
Оҳ, уради йиғлайди ҳўнграб.
Қучиб олар қабр тошини,
Юзларини қўйиб йиғлайди.
Кўтаролмас зилдай бошини,
Яширин гам бағрин тиғлайди.
Бўшатади юрагин шўрлик,
Гулдастани қўяр қабрга.
Она меҳр қилару зўрлик,
Сўнгра аста тиз чўкар ерга.

.
Қанотларин ёзар қоронғу,
Қуёш иниб кетар магрибга.
Ой ҳам чиқиб, сочади ёғду,
Нурларини тараб борлиққа.
Мордухайни қамрар ҳаяжон
Энтикади чопган мисоли.
Хаёлида жонланар шу он,
Яқинлашар она тимсоли

О н а:

Жигарим қўй, бўзлама зинҳор,
Мен тинч ётай энди қабримда.
Бўталоғим, ким берди озор?
Қийналибсан сен назаримда!

Дуди оҳинг тутар осмонни,
Не маломат ёғди бошинга?
Боиси на бундай фиғонни?
Кўз ёш тўкма қабр тошига!
Ёки шикаст бериб кажрафтор,
Сабр тоғинг қуладими, айт?
Қабристонга қандай ихтиёр
Бошлаб келди сени шу фурсат?
Кўзларингдан беқиёс ҳасрат,
Озурдасан, паришонхаёл?
Нелар кечди ўғилгинам, айт?
Мен нотаваон бўлиб қолдим лол!

М о р д у х а й:

Сизни кўмиб кетдик ўша кун,
Қонлар ютиб, азиз онажон,
Шундан бери устимиз юпун,
Шундан бери йиғлаймиз қон!
Дельфинангиз гўдак, тушунмас,
Сизни кутар, кўзи эшикда,
Дадам бўлса, кунда келар маст,
О, онажон жонга ҳам тегди,
Бегоналар келишар судраб,
Биз ухлолмай, орттирамиз тонг.
Қучоғимда Дельфина мудрар,
Кун чиққунча қон ютамиз, қон!
Уйимизга келиб туришар
Турли-туман сатанг аёллар.
— Беҳаё! — деб, қўшни уришар,
Ана шундай бизнинг аҳволлар!

О н а:

Шўрлик болам, қўй энди етар,
Қабримда ҳам отанг қўймас тинч.

Қуйилмагур тузалиб кетар,
Кемирмасин дилингни ўкинч.

Дельфинани босиб бағринга,
Ҳам ота бўл, ҳам она бўлгин.
Шафқат қилгин шўрлик сағирга.
Гул чеҳраси бўлмасин сўлгин.

.

М о р д у х а й:

Йўқ, йўқ, мени кечир онажон,
Дардим бўлмас, дардим кўп оғир.
Тилим бормас, қийналар виждон,
Ватанни тарк этмоқчи ахир!
О, онажон, мен қандай қилиб,
Бош кўтариб юрай элора?!
Ўз шаҳримда шарманда бўлиб,
Изза бўлдим мен юзи қора.

Отам Ватан тарк этиб мутлақ,
Бегона бир юртга кетмоқчи.
Жўнаймиз деб, тирайди оёқ,
Бизларни ҳам бирга элтмоқчи.
Кетолмайман мен сизни ташлаб,
Қабрингизни ташлаб, онажон.
Бир ойдирки, кўзимни ёшлаб,
Менга тинчлик бермайди виждон!

О н а:

О, бу даҳшат!
Бу шармандалик!
Унинг билан мен турмуш қурдим!
Хўрланмаган ҳеч ким менчалик,
Бир гапни мен яшириб юрдим.

Ўғлим эшит!

Уруш йиллари,—
Фашист деган одамхўр бало
Ёндирдию қанча элларни,
Юрт бошига келтирди гавго.
Бир ёқадан чиқардию бош,
Барча миллат, элат вакили.
Бари бирга бўлиб қуrolдош,
Шу Ватанни муқаддас билиб,
Ёв тулкию, бўлиб бари шер,—
Ёпирилди душман устига.

У бўлсайди чиндан жасур — эр,—
Ёпинмасди найранг пўстига!
Мунофиқлик йўлини тутиб,
Жангдан қочди ишлатиб найранг.
Унутмадим, кўп йиллар ўтиб,
Мана, ахир тугар экан жанг...
Совиганди ўшанда кўнглим,
Одамлардан юрдим уялиб.
Билиб қўйгин сен буни ўғлим,
Адо бўлдим кўнглимга олиб...
Ҳа, айтганча, уруш йиллари,
Бўлмаганда миллатлар иноқ,
Босиб олиб барча элларни,
Газандалар қиларди чатоқ,
Жудо бўлиб ота-онадан,
Қолганида минг-минг гўдаклар,
Жой топилди ҳар бир хонадан,
Эшик очди миллион юраклар!

Ҳозир тинчлик замони ўғлим,
Бошгинангга Ватанинг посбон.
Истаган уй сеники, тўғри
Бориб киргин, эмассан меҳмон.
Сени бугун келтирмиш бунга

Бошингдаги ақлинг ва ўйинг.
Чидаб юрма бу оғир кунга,
Сизни кутар болалар уйи.
Ватан ўзи олар кўксига,
Қийинтирар, боқар, ўқитар.
Болажоним, қўйгин, ўксима,
Аччиқ тушдек бу кунлар ўтар!

.

Гўристонга ой сочади нур,
Ярқирайди қабр тошлари,
Мордухайнинг дили беҳузур,
Яна кимдир сўзлай бошлайди.
Қулогига эшитилгандай
Дўстларининг овози бир-бир,
Боши узра сўзларди шу пайт,—
Қадрдони дўсти Баҳодир:

Б о л а н и н г о в о з и:

Йиғлама Мордухай,
йиғлама бекор.
Манглайинг устига
тушмасин ажин,—
Сен ҳам инсон-ку,
дўстларинг бисёр,
Биламиз шу онда
сенга ҳам қийин.
Отангинг амрига
бўйсуниб бугун
Исроил юртига
кетасан кўчиб,
Гўристон устида
дийдаларинг хун,
Волиданг қабрини
турибсан қучиб.

Б о л а н и н г о в о з и:

Кетсанг, кет,
 тилингни унутма бироқ.
Ёшлик йилларингни
 шамолга отма!
Онангнинг гўридан
 олиб кет тупроқ,
Инсонлик бурчингни,
 дўстим, йўқотма!

М о р д у х а й:

Эшитяпсизми, волидам?!
Тингланг, шулар-ла ўсдим,
Шулардир менинг дўстим,
Кўзимга зиндон жаҳон,
Юрак ёнар, онажон!
Дўстларим берур дашном,
Бўлиб қолдим-ку бадном.
Кошки, кўр бўлиб кўзим,
Тушмаса юзга юзим.
Тилим бўлса-ю соқов,
Сўрамаса гап биров.
Улар куйманиб айтар,
Гапи бўлса ҳам заҳар,
Холис, ачийди дили!
Айтару куяр тили!

Қайдан келди бу бало,
Бир балою бедаво?
Дўстларим доим, она,
Бошим узра парвона!
Сўзларида йўқ шафқат,
Лекин бари ҳақиқат.
Дунёда кўп ҳақорат:

Қўрқоқ, иблис, чуғз, номард,
Ваҳший, бузуқ, қотил, жин...
Баридан ёмон сотқин!
Сотқин номин олгунча,
Афзалроқдир ўлганим!

О н а:

Қўй, ўғлим, эмагин бунча,
Отанг тепганда мурдамини.
Ҳали сен бир гули ғунча,
Дилингга олмагин ғамни.
Туғилган ернинг янтоғи,
Ўзга юрт боғидан афзал.
Ҳавоси, кўллари, боғи
Умрга бергуси сайқал.
Ватан, онанг, азиз ўғлим,
Онангни кетмагин ташлаб.
Уруғ, аждодларинг бунда
Қоларму кўзларин ёшлаб.
Бўлиб умримга зомин у,
Гўримда ҳам мени қўймас.
Тилидан ёғдириб оғу,
Яна оғу сочар, бадмаст!
Азиз ҳар кимга ўз юрти,
Қуш ҳам ҳатто алишмас ин.
Отам, дерсанми номардни,
Ота дема, ата хоин!

.

Мордухайнинг битар қулоғи,
Хаёл сулар, сарсари, беҳуш,
Дилда ёниб ҳасрат ўчоғи,
Мурда сира келмас эди бўш.
Етти пушти қалқар оёққа,
Бувилари, боболари ҳам.

Туришарди қолиб азобга,
Саф тортишиб, бошин қилиб хам...

К а т т а б у в а с и:

Икки ярим минг йил бурун
Исроилдан бу ерга
Келиб қолмиш яҳудийнинг
Бир неча аймақлари...
Икки ярим минг йил — тарих
Ўтроқлашиб қолмишлар,
Ўзга одат, ўзга удум,
Расм-русм касб этиб,
Шундан бери Ватан бўлиб
Шу заминнинг боглари,
Яҳудийдан чиқмаганди
Сотқину айғоқлари.
Амир эди ўзгалардан
Дарвозамиз паст эди.
Олачилвир боглатарди
Мажбур қилиб белларга.
Олачилвир — майда миллат
Белгиси бўлсин, деди.
Фақат шўро ҳукумати
Тинчлик берди элларга!

Профессор, докторлар бор,
Лауреат, артистлар.
Хушхонлари овозаси
Кетган етти иқлимга!
Яҳудий ҳам қурол олди
Уруш бошланган йиллар,
Шу Ватан деб, икки ўғлим
Кўкрак тутди ўлимга!
Амакиларинг қаҳрамондир,
Бошинг юргин кўтариб.

Етти пуштинг шу тупроқ деб,
Аямаган жонини.
Жон бергандир икки ўғлим
Фашизмни тўнтариб,
Тозалади қузғунлардан
Шу Ватан осмонини!
Бир палакда битар экаң,
Турли-туман қовунлар.
О, жигарим!
Сенинг отанг —
Чиқди ғумалак туйнак!
Кетса, кетсин жаҳаннамга,
Оқпадар ёвни қувла!
Ғам-андухга бўлма дучор,
Ҳали ёшсан, кул, ўйна!
Житомирда зиёратгоҳ —

Бир амакинг тупроғи.
Курскда шараф билан
Ётур яна бириси...
Ватанфуруш у беҳаё,
Майли, кетсин, чирогим.
Эл ҳам ундан қутулади,
Кетса йўқдир ҳечқиси!
Мозоримиз шу Ватанда,
Тупроқ эса сотилмас!
Оқ қилдим, мен ватанфуруш —
У беҳаё ўғилни!

М о р д у х а й:

Наҳотки, тун бўйи бешигим узра,
Сиз айтган аллалар рост эмас, ёлғон
Ватаним тупроғин суртардим кўзга,
Наҳотки, янглишган бўлсам, онажон!

О н а:

Япроқдай титратма, титратма мени,
Шу Ватан сеники, мағрур тут
бошинг!

Дўстларинг бағрига босади сени,
Қабримни ёритган ёлғиз қуёшим!

К а т т а б у в а с и:

Усти битиб, тўйса агар халойиқ,
Нон тепгурлар пайдо бўлар азалдан.
Мўл-кўлчилик, замон таҳсинга лойиқ,
Яшаб қолгин ахир, шундай маҳалда!
Нима етмас, нима камчил отангга?
Уст-боши бут, болалари қошида.
Руҳига нахс илашибди, аттанг-а?!
Эс-хушидан озиб, эллик ёшида.
Сен айрилма Ватанингдан бир
қадам,

Ким алмашган дўзах билан жаннатни.
Аждодларинг изидан бор сен, бўтам,
Ота дема, қайта падарлаънатни!

О н а:

Тургин болам, ой ботади ҳадемай,
Ана, ердан нурларини йигмоқда.
Синглингни бос қучоғингга, ғам ема,
Мозоротда юрма, бундай кеч
пайтда.

· · · · ·
Гулни қўйиб, қабр тошига,
Кўз ёшини артар Мордухай.
Кино каби бир-бир бошидан

Бу даҳшатлар жонланиб ўтар.
Қабристонда юз берди бу ҳол,
Тасаввурда тирилди бари.
Дуч келтирди онага хаёл
Ва очилди юрак дафтари.
Ёш пардаси ортидан бир-бир —
Кўриндилар аجدодлари ҳам.
Кўрсатишди бариси тадбир,
Жўнаб қолди сўнгра хотиржам.
Тўзгидию ҳасрат тутуни,
Ортда қолди сокин мазорот.
Қучоғига чорлади уни, —
Боғ сайрига, қайнаган ҳаёт!
Лампочкалар ёнар нурафшон,
Сиғишмайди одамлар боққа.
Парпирайди электр маржон,
Одамлар ҳам оқар шу ёққа.
Айланади нурда карусель
Ер курраси айланган мисол,
Томошалар, ўйинлар ҳар хил,
Севишганлар топишар висол.
Чувуллашар қувноқ гўдаклар,
«Туя»ларни, «фил»ларни миниб.
Боғ сайрига келгандай шаҳар,
Томошадан кўз кетар тиниб.
Коля, Ўлжас, Иванко, Ёдгор,
Баҳодир, Ли, Микола, Арам,
Ладо, Рамз бўлишиб қатор —
Улфати чор ва Мордухай ҳам
Боришади боғнинг йўлидан,
Қўл ушлашиб бариси бирдай,
Дўстларининг ушлаб қўлидан —
Нур қўйнига сингди Мордухай!

ҚОРА КИЙИК

Муқаддима

Бир минг тўққиз юзу ўн олтинчи йил,
Фуқаро безовта, кўк мотамсаро.
Дарёдай пишқириб, қўзгаларди эл,
Исёнга шай эди кўҳна Бухоро...

I

«Саррофон» остида тиззасин қучиб,
Хаёлга ғарқ бўлиб ўтирар Аҳмад.
Одамлар бозорга келгандек кўчиб,
Биров ипак олиб ўтар бир сават.
«Саррофон» гумбази остида бозор,
Дўзахдан жаннатга кирасиз гўё.
Осиё ёзида шундай хислат бор:
Иссиқ бир дунё-ю, салқин бир дунё!
Эй фалак, қизиқ-да, чархи кажрафтор,
Дунё ҳам бўлинар жаннат, дўзахга!
Бировлар обрўли, бадавлат, молдор,
Бировлар ётади тўш бериб заҳга.
Гарчи қуш зотида бўлмаса ошён,
Дарахтдан дарахтга қўниб, кўрар кун.
На чора? Ер қаттиқ, узоқдир осмон,
Ой ҳам ёруғ эмас, қоронғу бу тун!
Бозорда югуриб-еларди ҳаммол,
Чачвонли аёллар сотар зардўппи.
Гадога садақа берарди баққол,

Бойлар харид қилар хўб савлат тўкиб.
Отлар тақасидан учади учқун,
Қайроқ қарсиллайди файтон ўтганда.
Елкага ташланган тароқи хуржун,
Бу ерни пулдорлар қилмайди канда.
Аҳмад аста турар, қоқар этагин,
Пиёда йўл олар «Чор Минор» сари.
«Роҳатижон» сўзи «Саррофон» таги
Ўйнатиб қолади унинг кўзларин.
Торгина кўчалар оралаб борар,
Қумгондай қайнайди қуёшда боши.
Серрайиб гоҳида ҳайратда қолар,
«Пўшт-пўшт!»лаб чўчитар бирдан извошчи.
Девор қавагида ғувиллар каптар,
Аланга — саратон сеп ёйган кўкка...
Мусича сояда ётар ёзиб пар.
Қалдирғоч шошилар соя — туйнукка.
Қайроқ йўл осмонга қайтарар ҳовур,
Сояга ўзини олар одамлар.
Файтонга қўшилган отлар бир товур,
Терига чўмилиб, зўрға қадамлар.
«Қани яхоб ичинг, бай-бай, муз дейсиз!»—
Сувини мақтайди кекса мешкобчи.
Аҳмадвой иссиқда одимлайди тез,
Иссиқдан бўйнида томирлар кўпчиб,
«Чор минор» ёнида пастқам чойхона —
Мусофир, камбагал, гадога макон.
Бунда меҳнат қилиб яшар «шоҳона»
Манғлай тери билан топиб парча нон,
— Бозоринг чаққонми, дейман Аҳмадвой,
Бугун вақтли қайтдинг, тикка пешин чоғ?
— Келмади мардикор сўраб бирор бой,
Бир мири нон пули топмадим, ўртоқ.
Болтасин эговлар мусофир тожик,
Помирча лаҳжада қилар қочирим:
— Ҳой, жўро, сен бойга боқмапсан-да тик,

Қўрққандан сўрар сендан кечирим!
Чоржўйлик бир туркман қайнатар шўрва,
Гапга аралашар: — Дунёси бир гўр,
Шукур қил, устингда бўлса бир кўрпа,
Эзилма, шу шўрва ҳаммага етар.
Аҳмад белбоғини ечиб отади,
Қоп-қора кўзлари, лаблари кулар.
Ариқда ювиниш унинг одати,
Аста мажнунтолнинг остига юрар.
Бўтана сув оқар телба, лойланиб,
Мажнунтол барглари тутар тўлқинни.
Аҳмаднинг хаёли сувга беланиб,
Лойланар шу сувдай, гоҳ кетар тиниб.
Маҳзун лиғоҳида бир олам маъно,
Уқи атрофида айланади Ер.
Ҳаёт ғазаб қилар, анқайтирар гоҳ,
Биров роҳатда-ю, биров тўкар тер.
Ҳаёлин элтади оқизоқ сувлар,
Ўзи униб-ўсган она қишлоққа...
Бузуқ эрганакли ҳовлича ҳувлар,
Қумравот аталмиш кўҳна тошлоқда,
Девори қулаган тандирхонада
Эслайди онасин тўкканин кўз ёш.
Аҳмадни бағрига босиб — она-да,
Оғир кунларга ҳам берганин бардош.
Бир бурда арпа нон, тариқ зоғора,
Ҳафтада бир марта қайнарди қозон.
Икковлон иссиқда бўлиб овора,
Бошоқ териш билан сақлашарди жон,
Сувда кўринару онанинг юзи,
Бирпасда ўрайди шошқалоқ гирдоб.
Яктаги барига артади кўзин,
Сўнг эслар тўшакда ётганин бетоб.
Сўнгга мудҳиш бир кун...

Тобути ҳовлидан чиқди лопиллаб.
 Аҳмадни эзди-ю, ҳаётнинг зулми,
 Ахирн қон қилди бағрини тиглаб.
 Отасин билмаган багри қон етим,
 Ёлғиз онадан ҳам ажралди бир кун.
 Аҳмаднинг ҳолидан хабар олар ким?
 Энди у қишлоқда кўролмасди кун.
 Қумравот мачитин супурди бир йил,
 На қавму қариндош, на бир суянчиғ...
 Мачитда имом ҳам чиқди аччиқ тил,
 Етимнинг дилига ураверди тиг,
 — Бахтингни излагин, чиқ бола, йўлга,
 Шаҳарлик бойларга даркор мардикор.
 Феълинг, хулқ-атворинг яқин кўнгилга.
 Отангнинг арвоҳи бўлсин мададкор!
 Раҳмдил деҳқонлар тилашиб оқ йўл,
 Изидан тикилиб қолдилар унинг...
 Онасин қабрида бўшатди кўнгил,
 Шаҳарга жўнади Аҳмад шу куни.
 Тўрт йилки, Қумравот қолди йироқда,
 Тўрт йилки, дарбадар кезади ўғлон,
 Тўрт йилки, қишлоқдан Аҳмад узоқда,
 Бошига тополмас соя, соябон.
 Ғазабдан чақнайди ўткир нигоҳи,
 Ҳасрат чўкиб ётар ўткир кўзларда.
 Қуюндай чирмашар осмонга оҳи,
 Чархлайди фикрини суҳбат, сўзларда.
 Илик сўз айтганни тутар қариндош,
 Бегона кўзлардан излайди мадад.
 Ҳаётни кўп ўйлаб, қотиради бош,
 Ўткир нигоҳида кўринади дард...
 Ҳамон хаёл суриб, боқар гирдобга,
 Нигоҳин банд этиб тўлқинлар чопар.
 Эй фалак, отмагин ғам-изтиробга,

Бир етим болага бунча ғазаб, қахр?!
Аҳмад бир сесканиб келар ўзига,
Ариққа чўмилиб олади бирпас.
Дунё бошқачароқ бўлиб кўзига,
Салқинлаб, енгилроқ олади нафас.
Мусофир чойхона, мардикор дўстлар,
Дастурхон устида унга интизор.
Йўлига тикилган самимий кўзлар,
Хайрият, бахтига дўстлари ҳам бор.

II

Тўрт йил ўтиб кетди гўёки бир туш...
Мана йигирмага киради Аҳмад,
Елкалар пахсадай, дуркун, ялангтўш,
Хушбичим чинордай бўйу баст, қомат.
Дейдилар; йигитга етмиш ҳунар оз,
Ҳаммомда гўлоху кўчада фаррош.
‘Мева бозорида ишлар келса ёз,
Қишда самоварда аралар ёғоч.
Ўтарди шу зайл эринчоқ кунлар,
Йўлига муҳаббат қўйганди тузоқ.
Бошланди беором, уйқусиз тунлар,
Азалдан севги деб аталган фиरोқ!
Машриқдан нур сочиб турганда офтоб,
Аҳмад иш изларди шаҳар оралаб.
«Дегрез» кўчасига, олай деб савоб,
Норбуви уйига келди у дастлаб.
Сув ташиб хумларни тўлдирди шу кун,
Бечора кампирнинг дуосин олди.
Кампирнинг дуосин билиб муқаддас,
Хайрлашиб чиқди-ю, сўнг жўнаб қолди.
«Тими Абдуллахон» — каттакон бозор,
Бу ерда сотилар атласу кимхоб.
Кундалу бахмалнинг юз хил тури бор,
Пулдорлар харидни қилишар қоп-қоп.

Аҳмаднинг кўзлари мол-дунёнимас,
Шу ердан маъсума бир қизни излар.
Муҳаббат ўтида ёниб юрар маст,
Ўтишар паранжи ёпинган қизлар.
Юраги қаърида яширин дарди,
Ўйлар гирдобиди айланар хаёл.
Нотаниш ўша қиз қалбин эзарди,
Ҳеч кимнинг бошига тушмаган бир ҳол.
Ана, келиб қолди у оҳу, санам,
Бошида паранжи, юзида чачвон.
Салом берган бўлди, қаддин қилиб хам,
Аҳмадни титратди яна ҳаяжон!
Бугун ҳам сеҳрли, гапсиз учрашув,
Аҳмад юрагида ёнар чўғ-олов,
Қим бўлди бу гўзал, нозанин, сулув
Юзинг кўрсат деса, юрак бермас дов.

III

Шу кеча куйганди ойнинг ярмиси,
Кўланка ташларди бир даҳшат, ёҳу.
Томда тақиллатиб, то, челақ, мисни,
Одамлар соларди оламга қий-чув.
Аҳмад ухлаёлмай қийналди узоқ,
Сўнг туриб, мажнунтол остига юрди.
Оқар сув бетида ўйнардн япроқ,
Шу сирдош манзилда узоқ ўтирди.
Аҳмадни овутар бир туп мажнунтол,
Одати, шу ерда суради хаёл.
Дардини оқар сув оқизар дарҳол,
Ғамига бўлади шерик мажнунтол.
Кеч қайтди, дўстларга айтмади сирни,
Қалбида тўлғанар ғалати туйғу.
Муҳаббат богига илк марта кирди,
Хаёлин ўгирлаб кетди у сулув.
«Тими Абдуллахон» соқчиси гўё,

Ҳар кун қатнайди кўрай деб қизни.
Қиз ҳам ўша онда бўлур муҳайё,
Кўрасиз бир ерда икки юлдузни.
Ўзлари гаплашмас, гаплашар диллар,
Фикрлар сўзлашар, ўйлар сўзлашар,
Учрашув чоғида лол қолур тиллар,
Чачвон ўртада-ю, кўзлар сўзлашар.
Кўнгиллар сув ичар, фақат бир жойдан,
Бироқ гаплашмаган бир-бири билан.
Учрашар икковлон ўтиб кўп ойлар,
Севишар бир-бирин дил сири билан.
Чиммати остидан қиз кўрар уни,
Аҳмадга бу насиб бўлмайдн, луноб.
У қизни кўрмайин бўлган мафтунн,
Хаёлда суратин чизар бениқоб:
У ажиб, сеҳрли сув парисидай,
Оқ пўчоқ, ширмон юз, лаблари гилос.
Кўзлари оҳунинг қора кўзидай,
Мижжалар қайрилган саф тортиб, қийғос.
Ярашиб туради кулса кулгичи,
Кўзлари ўзидан кулар олдинроқ.
Сурмадай сочлари товон ўпгувчи,
Ипакдай мулойим, сўзлари қаймоқ!
Қиз суратин чизар Аҳмад хаёлда,
Осмонда оҳиста ёришар ой ҳам.
Кўз узмай ўтирар у мажнунтолдан,
Ой ботиб, тонг отар...
Ҳар кун субҳидаи
Ҳанифа ўчоққа қалайди ўтин,
Чарсиллаб учади шох-шабба ёниб.
Юзлари ёришар гоҳ ўқтин-ўқтин,
Кўзлари оловга тикилар толиб.
Қўллари косову сочи супурги,
Кўнглига тегмайди уй-рўзғор ниши.
Қозони қайнайди, шунга шукурки,—
Сўлдирмас рангини турмуш ташвиши.

Эрта тонг отгандан қора шомгача
Қалпоқ қоплайди-ю, тикар зар дўппи.
Меҳнат эвазига қолар чойчақа,
Ишқилиб, яшайди шундай тер тўкиб.
Ҳанифа оловга тикилар узоқ,
Қозонни ялайди ўрлаб аланга.
Бу дунё кўзига кўринур ўчоқ.
Одамнинг қиммати наҳот бир танга.
Бир миринг бўлмаса шу бугун очсан,
Эртанинг ташвиши елкадан тушмас.
Умринг ўтиб борар, оч-ялангочсан,
Бу ҳаёт инсонга бунча қилур қасд?
Бошига қайнайди юз минг бир чигил,
Ҳаётга беради ўзича дашном.
Нарх-наво ошмоқда ўтган сайин йил,
Риштадан ўлмоқда камбагал — авом.
Бой қизи олтинга ўралар нечун?
Бухорий тиллодан билагузук, ҳалқа,
Марварид, ёқутдан бўйнида маржон,
Яна солиқ нега тушаркан халққа?!
Нега бой қизлари кияди кимхоб?
Нега савдогар-чун яралган кундал?
Нега, нега? Айт-чи, эй қора дунё,
Қачон бу жумбоқни сен қиласан ҳал?!
Ҳанифа ўт қалаб қўяр ўчоққа,
Аланга шуъласи ёнар юзида.
Хаёллар гирдоби элтар узоққа,
Бу дунё ўчоқдай унинг кўзига...
Отасин ташлади амир зиндонга,
Озодлик йўлида кўз юмди мангу.
Ёшликдан зор бўлиб бир парча нонга,
Кекса она билан кўрган куни шу.
Ёшлик бир қур келар инсон зотиға,
Ёш қалбда муҳаббат очади куртак.
Севги эш бўлганда гул ҳаётиға,
Олам орзуларга тўлади юрак.

Ҳапифа ўн саккиз ёшида бугун,
Унинг ихтиёри ҳаёл мавжида.
Чехраси кулару йиглайди беун,
Бир пари рухсордай етилган жуда.
Қошлари пайваста, кўзлари шаҳло,
Мижжалар қайрилган, юзларда кулгич,
Оқила, ширин сўз, тенги йўқ барно,
Сочлари тун каби қора, тақимпеч,
Хонатлас, барқутни қилади орзу,
Бармоқлар интизор тилла узукка...
Дунёнинг тескари қилмишлари бу,
Хунукка берару бермас тузукка.
Ҳапифа ўчоққа қалайди ўтин,
Севган йигитини қолади ўйлаб.
Ўйлайди:— Севганим билмаса балким,
Қуйганим билмаса, қизиқ бўлар зап,
Мен чачвон остидан кўраман ҳар гал,
Кўзларинг кўзимдан узмайсан сира.
Жонгинам, сўламан кўрмаган маҳал,
Не қилай, мен сепга бўлсам асир?!
Ҳанифа ўчоқнинг ёнида ҳамон,
Аланга ташлайди юзида шуъла.
Кўз ўнгида Аҳмад яна намоён,
Ҳаёда суҳбатдош бўлур бир йўла...

IV

Пастқам чойхонада қизиган суҳбат,
Ҳикоя қиларди мардикор Жалол:
— Дунёнинг келиши ғам билан ғурбат,
Қарасанг, кундап-кун баттардир аҳвол.
Ариқлар қуриган, қишлоқлар хароб,
Ҳамма ер вайрона, бузуқ, чордевор.
Бу ёруғ дунёда билганинг азоб,
Рост гапни сўзласанг, сени кутар дор.
Замона қараган пулдорга, бойга,

Иккита бўлмайди сира бир тўнинг.
«Бой бойга боқару, сой оқар сойга!»
Дўзахдан қолишмас ўтган ҳар кунинг.
— Туркманнинг аҳволи бундан ҳам баттар,—
Сўз бошлар Қақали чимириб қошин,—
Эй раббим, элимни ўзгинанг асра,
Жайхунга қўшилиб оқар кўз ёши.
Туядай бурнидан ўтказиб каноп,
Истаган томонга судрайди замон.
Роҳатнинг ўрнига билгани — азоб,
Оллога ёлворар, юрак-бағри қон...
— Ўзбекдан, туркмандан очдингизлар гап,
Бадахшон тоғича оғир ғамимиз.
Очликдан ўлмоқда, қанча-қанчалаб,
Кўҳистон юртида тожик халқимиз,
Эркаклар нон излаб тарқалган юртдан,
Қарилар худога сигинар тун-кун.
Бенасиб қилмасин сут ва қуртидан,
Шукурким, сигир бор болалар учун!
Қиш бўйи болтани елкага ташлаб,
Бойларнинг тўнкасин ёриб берамиз,—
Бир мири отади, елкасин қашлаб,
Раҳмат ҳам демайди, очкўз, бетамиз!
Болалар яланғоч, керак усти бош,
Тер тўкиб йиғаман арзимас танга.
Чидайман, чидамлар бўлмайди одош,
Чойхона бошпана мен беватанга.
Суҳбатга қўшилар Аҳмад ҳам аста,
— Азалдан шундайин эмиш таомил,
Бойлар бош эмишу авом дилҳаста,—
Шундай деғандилар қишлоқ имоми!
— Имомнинг гапига тушибсан лаққа.

Муллалар тулкидан баттарроқ, айғоқ,
— Бойларга ён босиб, тош отар халққа,
— Уқдингми Аҳмадвой, бу бўлсин сабоқ!

Самоварчи бир вақт шипшир оҳиста,
Жинчироқ остига келиб яқинроқ;
— Кеча бир мусофир келди иш истаб,
У билан суҳбатда бўлдим мен узоқ...
Тошкенту Фаргона, Қўқон авоми
Ушлашиб қўлларда ўроқ ва кетмон,
Борики бойларни қириб тамоми
Қурибмиш авомлар озод бир замон!
Оқпошшо аскари қочибди дув-дув,
Жуфтакни ростлабди, изғиб тўрт томон.
Рўёбга чиқибди кўп йиллик орзу,
Давлатга бош эмиш ишчи ва деҳқон.
Инқилоб бўлди эрта ё индин,
Шаҳарда тарқалган бугун миш-мишлар.
Газанда уйига ўт тушди лекин,
Махфий бир ташкилот тузмиш кишилар.
Шу кунлар безовта янги Бухоро,—
Бир коса сув каби туради қалқиб,
Янги исён учун тайёр фуқаро,
Косиблар чиқармиш ҳуқуқларин деб.
Ўзини йўқотди амир Олимхон,
Кўзини қоплади айш билан ишрат.
Авом оч-зорликдан зўрға сақлар жон,
Амирнинг билгани майшат фақат.
Ҳар кун уволига қолар бир қизнинг,
Емиши чумчугу бедана палов.
Қуръон ҳам урмайди бундай юзсизни,
Айбини юзига айтолмас биров.
Ташқари қоронгу, зим-зиё атроф,
Қайдадир узоқда сайрайди бойқуш.
Қалбдаги гам-алам, ҳасрат — Кўҳиқоф,
Жинчироқ ўчай деб милтиллар нохуш.
Қуюқ туманларга ўралиб хаёл
Узоқ уфқларга орзуни бошлар.
Қўрқинчли туш каби бу ҳаёт баттол!
Дарёга айланур кўздаги ёшлар...

Себзор даҳасида бугун катта тўй,
 Дарвоза олдида гуруллар олов.
 Тўйчига тўёна келар қўчқор, қўй,
 Аҳмад хизмат қилар, қўллари косов.
 Гулханга чўп қалар ва ташийди сув,
 Қўчани супуриб, ёради ўтин.
 Ичкари базмида ўйнайди сулув,
 Ташқари ҳовлида кавобнинг дуди.
 Шашмақом дилларни қилар чилпора,
 Ҳофизлар куйлашар навбатма-навбат.
 Кўчада чалинар бирдан ноғора,
 Майдонга қизиқчи тушади бир пайт...
 Қий-чувлаб йигилар болалар, ёшлар,
 Тўйхона ёнида ажиб томоша...
 Ўртага каттакон айиқни бошлар,
 Қизиқчи сўзлайди бошини қашиб:
 — Айиқ полвон билан ким бўлса тараф,
 Курашмоқ истаса, чиқсин майдонга!
 Бойвачча майдонга чиқар ширакайф,
 Довдираб, йиқилар қасд қилиб жонга.
 (Айиқ тирноқлари ўралган чармга,
 Оғзи ҳам тўрланган, кўп хавфли эмас).
 Навбат келиб қолар полвон Қаримга,
 У ҳам думалайди, олишиб бирпас.
 Даврада қий-чувлар кучайиб борар,
 Айиқ устун келар ҳар гал курашда.
 Томоша кетарди қизиб тобора,
 Кўп юрак қилмаган бўлса ҳам бошда
 Аҳмад энг шимариб чиқди майдонга,
 Айиқ ҳам бўш келмай, тортишди узоқ,
 Ахири, зўр келиб «малла полвонга»,—
 Енгилиб бўкирди ва чўзди оёқ!
 Болалар кўтарди яна қий-чув, дод,
 Аҳмадвой айиқни тойдирди ҳолдан.

Тўйчидан қора тўн олди мукофот,
Қизлар додлашарди аста девордан.
Кимдир шипшир эди Аҳмадни мақтаб,
— Қаранг, зўр йиртқични — қўйди қўрқитиб.
Қишлоқи бўзбола полвон экан зап.
Айиқ-пайигинингни ташлай дейди еб!

VI

Эртаси тонг билан туриб баравар,
Қалбига сигмасди қувончли умид.
Аҳд қилди ўзича қатъий бу сафар —
Қиз билан сўзлашар очик бетма-бет.
Юракда яширинган марварид сўзлар,
Нотаниш санамни ром қилур бугун.
Бугун учрашади оташин кўзлар,
Ечилар қалбларда тугилган тугун.
«Тими Абдуллахон» сари йўл олар,
Наздида чарақлар бир олий чақмоқ.
Муҳаббат қалбига гулгула солар,
Йўл босар севгани васлига муштоқ.
Яна ўша бозор, серқатнов кўча,
Деворга суяниб мудрар гадолар.
Қаландар қироат қилур бир четда,
Қулоққа чалинар фарёд, нидолар.
Бозорни оралаб юради Аҳмад,
Кўзлари излайди юрак мулкини.
Паранжи ичида у сарвиқомат,
Аҳмаднинг йўлига турар тикилиб...
Сийнасида тинмай типирлар юрак,
Лола қизиллиги югурар юзга.
Дил розин айтгани куч, журъат керак,
Умрида битта сўз айтмаган қизга.
Чачвони остидан тикилар санам,
Аҳмаднинг суюкли гўзал малаги.
Тузатмоқ бўлганда чимматин бир дам,—

Енг тушиб, кўринур оппоқ билаги.
Шу эрур Аҳмадга олий мукофот,
«Севиши рост экан, шунча зўр ҳиммат!»
Кўзига жаннатдай кўринар ҳаёт,
Дил розин айтишга етишмас журъат,
Икковлон туришар бироз юзма-юз,
Сўнг, санам равона бўлур йўлига.
Аҳмад ҳам изидан борар узмай кўз,
Энг яхши сўзларни жойлаб кўнглига.
Қиз кетар қайрилиб «Дегрез» кўчага,
Йигит қадамини тезлатар ҳамон.
Одам йўқ бир жойда — хилват чеккада
Чачвонни оҳиста кўтарар жонон.
Аҳмад салом берар зўрға қизариб,
Ҳаяжондан унинг титрар овози:
— Афв этинг, билдирсин сизга бу гариб —
Дилида аламга айланган розин.
Хаёлан чизардим суратингизни,
Рост экан кўзингиз экани шаҳло.
Тасаввур қилибман мен Сизни тўгри,
Тахминан ҳа, тўгри. Ҳаммаси аъло.
Қишлоқда туғилдим. Йўқдир бошпанам,
«Чор Минор» ёнида кўланка жойим,
Севдим мен бир кўриб сизни эй, санам!
Соянгиз бўлдим кузатдим доим,
Бугун насиб бўлди висол-учрашув.
Айб этманг, мана, мен тик турибман лол.
Юрагим сизни дер, шошилманг сулув,
Севгидан сўзласам келмасин малол,
Сиз кунсиз, мен тунман, тун каби қора,
Ишонинг, сўзим чин, юрагим оппоқ,
Бир шафқат қилсангиз гарибга зора,
Кўрмаган кунларим — тоқатларим тоқ...
Пиқирлаб кулару қошлари камон,
Йигит бўй-бастини чунон кўзлайди.
Ингичка қошлари чимрилиб шу он,

Кўзларин яшириб, аста сўзлайди:
 — Шу чачвон остидан илк марта кўриб,
 Сизни деб яшашга паймон қилганман.
 Соғинган кезларим ахтариб юриб,
 Севги нималигин шунда билганман.
 Отам йўқ, бир ёлғиз онам бор холос,
 Рўзғорни тебратиб юрамиз зўрға,
 Гоҳи тўн, гоҳ дўппи тикиб, кўпми-оз,
 Тангрига шукур деб яшаймиз бирга.
 Исмингиз сўрасам майлими?
 — Аҳмад, сизнинг-чи?
 — Ҳанифа, маъқулми сизга?
 — Афсуски, фаришта бўлмапти фақат!
 Фаришта рашк қилур чиройингизга!..
 Дақиқа сукунат бўлур ҳукмрон,
 Ҳанифа юзлари ёнади лов-лов.
 Сўз топмай, қизарар Аҳмад паҳлавон,
 Лекин қиз юраги берар сўзга дов:
 — Кийикдай ихчамсиз, кийикдай чаққон,
 Кийик кўзларидай ёнар кўзингиз.
 Бозордан излайман, сизни ҳар замон,
 Кийикдай бермайсиз тутқич, ўзингиз..
 — Ҳўб, кийик бўлайин, кийик денг, майли
 «Қора кийик» денг, сиз (Кулади бир он)
 Фақат илтимосим, севгим туфайли —
 Мен — «Қора кийик»ни эсланг ҳар замон!..
 — Ҳу, ўша дарвоза қарайди бизга,
 Совчи бўлиб келсин бирорта аёл.
 Жонимни багишлаб қўйганман сизга,
 Тараддуд қилингиз кечикмай дарҳол..
 Аҳмад ҳайрон қолур, бўлур ҳангу манг,
 Нор хола ҳовлиси... Ўша дарвоза!
 — Кампирга сув ташиб, билмапман аттанг,
 Яширипиб, шайтон қиз, сир тутган роса!
 Чачвон тутиб олар жўнаётиб қиз —
 Булутга шўнғиган офтобсимон.

Аҳмад ҳам изидан тикилиб ёлғиз,
Йўл олди бемақсад, бош оққан томон.

VII

Чойхона тўрида ёнар жинчиरोқ.
Аҳмад ёноғида ўйнар хира нур.
Елкалар силкинар тутиб қалтироқ,
Безгак қалтиратар, қилар беҳузур.
Тўрт кунки, огзига олмайди нон, сув,
Тўрт кунки, куйдирар иситма ўти.
Тўрт кунки, тер тўкар, бошида ғулув,
Ҳарорат қиздирар, ётар ғам ютиб.
Гиргиттон дўстлари — Қақали, Сангин,
Қозонда биқиллар қалампир шўрва.
Оғзига сув олмай, ётади ғамгин,
Нафаси қисилар, ҳансирар зўрға,
Сангин жинчиरोқни тонгда ўчирар,
Ҳадемай туйнукдан мўралар ёғду.
Сўнгра, чойхонага аста нур кирар
Қақали кириб дер,

— Келди бир сулув.

Паранжи ичида ўралган аёл
Эшикда тик турар, исмингни сўраб,
Аҳмад сапчиб туриб:— Чақир,— дер,— дарҳол!
Ул менинг Ҳанифам, юзин бир кўрай!

VIII

Ёз шашти сал қайтди, тушди ҳарорат,
Офтобдан ранг олди гулоби қовун.
Кунлар қисқарди-ю, соя чўзди қад,
Аҳмадни мажлисга бошлашди бир кун.
Одамлар синамол тикилди дастлаб,
Қақали, Сангинга боқди у ҳайрон.
Чўғ бўлиб чарақлар кўзлар — эркталаб,

Мажлисда сўзларди бир тили бийрон:
— Сафимиз кўпаяр ҳар соат сайин,
Учқундан алапга олиши аниқ.
Истибод тугаши қонуний, тайин,
Инқилоб ўтлари нур сочар ёниб.
Косиблар саф тортиб туришар, сергак,
Мешкобчилар авжи баланд шу кунлар.
Амирнинг юраги уриб така-пак,
Ухлолмай чиқармиш санқиб, шу тунлар...
Аҳмад ҳамон ҳайрон, тикилар ўжар,
Сангиндан сўрайди:
— Ким бу азамат?
— Ҳу, ўша, айтганим — Файзулла Хўжа,
Гапни қўй, сўзини эшит, қил диққат!
Қишлоқи ёш йигит, кўнгилчан, содда,
Оқ билан қоранинг фарқига етмас.
Ҳаммага ишонар у бу ҳаётда,
Унингча, ишига ҳақ тўлашса бас!
Қақали, Сангинга ҳаёт мактаби
Ўргатган турмушнинг аччиқ-чучугин.
Қурашдир уларнинг асл матлаби,
Ечилиб бормоқда чигил бир тугун.
Қошларин чимириб, бўш келмас нотиқ:
— Рус халқи эркини олди қўлига!
Эзилиш бўлурму бундан ҳам ортиқ!
Битта жон садаға Ватан йўлига!
Ёрдамин аямас Ленин, Москва,
Большевик дўстлардан сўраймиз кўмак.
Оғиз чучимаиди деган-ла холва,
Қуrolли курашни тезлатмоқ керак!
Йўталиб, сўз сўрар Қозим афанди:
— Биз туркмиз, Туркия бўлсин халоскор!
Шу мужик русларга қилмайлик тақлид.
Инглиз юртидан-ку, паноҳимиз бор!..
Фош қилур жаидни Файзулла обдан:
— Қузғуннинг емиши ҳамиша мурда!

Ажралиб қоласиз, сиз ҳазрат, кўпдан,—
Бу чирик фикрнинг оёғи гўрда!
Мустақил бўлгуси ўзбек миллати,
Ёмғирдан қутулган дуч келмас қорга.
Русга дўст тутинса ўзбек элати
Мангу ёр бўлади озод баҳорга.
Тожиқ ҳам улуг халқ, туркман ҳам улуг,
Тақдирин белгилар ҳар бир халқ ўзи.
Лениндан сўраймиз бизлар йўл-йўриқ,
Сиз айтган у гапнинг йўқ сира тузи!!!
Сув қуйманг душманнинг тегирмониға,
Айгоққа ўрин йўқ бизнинг сафларда.
Миллатчи мараздир халқнинг жонига!
Йиртилди ниҳоят юздаги парда,
Сарғайган япроқдай қалтирар жадид.
Файзулла шаънига янграйди қарсак,
Йигитлар чиқишар сўзга кетма-кет.
Жадидга гап билан тушириб тарсак
Тузилар режалар равшан, тез, аниқ,
Мажлис тарқалади намозшом чоғи.
Кўзларда инқилоб учқуни ёниқ,
Аҳмаднинг ловиллар икки ёноғи.
У ҳайрон, Қақали, Сангин ойларки,—
Бир махфий иш билан машгул, серташвиш,
Ёқтирмас савдогар, мулла, бойларни,
Қўришар Файзулла билан бирга иш.
Гоҳ келиб-кетишар туркман, тожиклар,
Косанинг тагида бордай нимкоса.
Сир бермас Аҳмадга улар ортиқча,
Хуноби чиқади Аҳмаднинг роса.
Қақали, Сангинни тортиб бир ёнга
Нимадир пичирлар Файзулла Хўжа.
Гаплашиб, тикилар гоҳ Аҳмаджонга,
Сўнг олар ҳаммани бағрига кўча.

Норбуви эшигин Аҳмад қоқди-ю,
 Бир мудҳиш хабарни эшитди, э воҳ!
 Бу хабар ўтларга уни ёқди-ю,
 Вужудин кул қилиб ўчирди гўё.
 — Ҳанифа ҳарамда! —

йиғлар Норбуви,—
 Сочларин юлади амир қўлида.
 Жаллодлар куч билан элтди сулувни,
 Эй ўғлим, кўр бўлдим, йиғлаб йўлида!
 Илоҳи кўр қилсин элу юрт тузи,
 Илоҳи ер ютсин у беҳаёни.
 Йўқолди ҳаётим сўнгги ишончи,
 Амир олиб кетди бори бисотим.
 Биргина Ҳанифа — дилим қувончи,
 Наҳотки, амирга қирқинчи хотин?!
 Наҳотки, тириклай парча юрагим
 Ўрнидан суғуриб олади амир?!
 Наҳотки, жория этишлари чин?
 Наҳотки, амирни тортмас қора ер?!
 Наҳотки, адолат йўқ бу дунёда!
 Наҳот ҳамма ерда зўрлар ҳукмрон?
 Ғам-ташвиш кундан-кун бўлиб зиёда,
 Тишга-тишни қўйиб чидайди инсон.
 — Йўқ, йўқ, дунёсига қўяман олов!
 Ёқасин чок этар, тик туриб Аҳмад,—
 Энди тўсолмайди йўлимни ҳеч ғов,
 Амирдан қасд олай, бойдан қасд олай,
 Савдогар, пулдордан олай энди қасд.
 Барига ажалнинг сиртмогин солай,
 Интиқом олишни билай муқаддас,
 Кўзлари қон истар, қон истар кўзи,
 Ҳар қадам қўйганда истар интиқом,
 Гапирса қон истар ҳар битта сўзи,
 Ўч ол дер, ўч ол дер, қистаб интиқом.

Ўқ тегиб ўтгандай паҳлавон шерга,
Овозсиз инграйди гажиб тишларин.
Гоҳ кетар тутақиб, гоҳо чўмиб терга,
Эзади ҳаётнинг нохуш ишлари.
Бошида айланар тегирмон тоши,
Кўзлари олдида дунё зим-зиё.
Бугун гўё сўнди иқбол қуёши,
Ҳаддидан оширди азобин дунё!
«Ситораи моҳи хоса» — ою, юлдузга —
Хос бир боғ...

Ер юзин кўрки, жаннати.
Анвойи бўёқлар ташланар кўзга,
Гулларга монанддир товуслар пати.
Қулочин кенг ёйган чинор шохлари,
Арчалар кўкариб ётар бир умр.
Олдида ип эшмас Эрам боғлари,
Қушчалар сайрайди шаънига сурур.
Булбуллар чаҳчаҳлар, қумрилар хушхон,
Ўзаллик бу ерда куйлайди беун.
Кечқурун амирга гул танлар боғбон,
Қай бир қиз шу гулдай сўлади бугун?
«Тошҳовуз» томонга йўл олар амир,
Тип-тиниқ сув узра кўрар ўзини.
Ҳарамдан қизларни чиқариб кампир
Амирга қисади айёр кўзини.
Чинор панасига у олар ўзин.
Қимсасиз гулбоғда ечинар қизлар.
Сув сепиб парилар қилади ўйин,
Олимкон кўзлари қай бирин излар...
Чумчуқни пойлаган айёр мушукдай
Юз хилда ўйнайди айёр кўзлари.
Хирсий маишатга хумор қилар май,
Қирқ қизнинг ҳар бири суқсурдай пари.
Ўн олти ёшида, гўзал маъбуда,
Сувда сочлар ўйнар, бели бир тутам,
Балиқдай сузарди Нигора сувда,

Олимхон чидолмай, бақирар бирдан:
— Ҳой, момо!

Олиб кир мана унисин!

Нигора томонга отади олма.

Қувониб қаҳқаҳлаб кулади кейин,

Хонага киради армони қолмай...

«Ситораи моҳи хоса»— ою, юлдузга

Хос бир боғ...

Товуслар юрар хиромон.

Ҳарамнинг қирқ қизи яқиндир кўзга,

Соқчилар бичилган...

бичилган боғбон...

Тинчиган эркаклик нафси бир умр,

Ҳарамда қизларга дугона, маҳрам,

Соқчи бирор қизга бўлса-да манзур,

Амирда шубҳа йўқ, яшар хотиржам.

Х

Ичма-ич хоналар санъат гултожи,

Усталар юрагин қони-ла битган.

Камалак рангида тусин ёғочи

Кўрган ҳар кимсани асирбанд этган.

Бўёқлар мўътадил, шуъла мўътадил.

Баҳордай хушҳаво, баланд, фусункор,

Барида акс этмиш бари тўрт фасл,

Барида акс этмиш фасли навбаҳор,

Барининг девори ганчкор ойнабанд,

Шифтидан юлдузлар ётар тўкилиб.

Ҳар бир гул афсона, чаманга монанд,

Мўъжиза мўралар девор сўкилиб.

Биллурий деворлар, баланд шу уйда

Тож кийиб тахтида ўтирар амир.

Маишат, айш-ишрат ўтар шу куйда,

Бу ерда сақланар махфий, қабиҳ сир.

Ҳанифа шу ерда...
Шу мудҳиш богда.
Кўз ёши ҳўл қилур болишин ҳар кеч.
Аҳмадни ўйлару ёнар фироқда.
Ёшли кўзларига уйқу келмас ҳеч!
Аҳмад аста юрар ариқ томонга,
Мажнунтол остида ўтирар узоқ.
Фиғони тутундай чиқар осмонга
Бу дунё кўзига кўринур дўзах.
Ўйласа, сўнгига етмас ўйлари,
Не қилсин? Қаерга урсин бошини?
Дардини у яна сувга сўзлайди,
Сув олиб кетади кўзин ёшини!
Йиғи кор қилмайди, йиғлар нотаваон,
Дардини яширса зўрайар касал.
Наҳотки ҳарамга бориб бешовлон,
Амир Олимхонни этолмас ўсал?!
Борар ва дўстларга очар дилини:
— Яхши дўст олади қурол қўлига,
Дўст бўлсанг боғлагин қани, белингни!
Мен кирдим курашнинг оташ йўлига,
Дўстларим, берингиз сиз менга кўмак!
Кўяйлик амирнинг ҳарамига ўт!
Ёримни дўзахдан қутқазмоқ керак.
Тўзғисин бошидан қоп-қора булут.
Чилангар Маҳмудга буюрай қилич,
Қалқонлар ясасин, айтай ботиниб.
Хўб денглар, муҳайё қилайин шу кеч
Бухоро бойларин учқур отини.
Курашга отланинг, дўстлар курашга,
Бирлашсак, амирни тикамиз гўрга.
Кўмакдан айрини еб кетар қашқир,
Қора кун солайлик бой — муштумзўрга.
Ҳанифа учун деб ўйламанг асло,
Ор-номус йўлида курашмоқ керак.
Истибод, зўрликдан халқ бўлди адо,

Бир қошиқ қон бўлди, ахир, бу юрак.
Ҳаммол, мешкобчилар қўшилار бизга,
У кун и мажлисга тўпланганлар ҳам.
Файзулла огага бораилик тезда,
Шоядки, тополсак бу дардга малҳам.
Ҳанифа тарихин сўзлайди бир-бир,
Совуқ милтиллади кўзларида ёш,
Йўл-йўриқ сўрайди, сўрайди тадбир,
Маслаҳат кутади, сўнгра эгиб бош
Сўз олар Чоржўйлик дўсти Қақали,
— Тақдирдан билардинг жабру жафони,
Барига тушуниб етибсан, балли!
Янгидан тикламоқ керак дунёни,
Тайёрмиз курашга биз сен туфайли,
Дўст учун дўст қилур жонини қурбон,—
Қўрқиш йўқ! Курашда ўлсак ҳам майли,
Зигирча кўринмас кўзимизга жон!
Бироқ сен тушунгин, вақт эртароқ.
Давлатнинг бошида турибди амир.
Минг-минглаб сарбозлар қўлида яроқ,
Ем бўлиб кетамиз уларга ахир?!
Бу фикр Файзулла оганинг фикри,
У доно, бизлар ҳам унга фикрдош!
Амир томирига болта ҳам тегди,
Курашга чиқамиз, бир оз қил бардош,
Ўн уч йил муқаддам Намоздай ботир
Миёнқол томонда кўтарди исён.
Амирни енгишга эмасди қодир,
Бекорга тўкилди бу курашда қон.
— Қўрқоқсан!
Кечдим мен сендайин дўстан!
Қўлини силтади қизишиб Аҳмад.
Эшикдан чиқару йўқолар кўздан,
Қақали қолади ерга чизиб фақат,
Помирлик тожигу мардикор Жалол,
Самовар қайнатиб юрган Рўзиқул

Изидан югуриб чиқишар дарҳол,
Аҳмаддан дарак йўқ, чангиб қолган йўл...

XII

Малик чўлларининг барқут кўкида,
Юлдузлар чарақлар марварид мисол.
Сукунат ҳукмрон, ой ҳам уйқуда,
Узунсой шилдираб оқади хиёл.
Харсанглар қалашиб Қарноб тогида
Лоладай қизариб, ёнади гулхан.
Ёнади бир олов дил ўчоғида,
Нуридан нурафшон бўлади хуфтон.
Қўл чўзсанг, қўлларинг етгудек шундоқ
Бош узра чарақлар биллур юлдузлар.
Тушовли отларга тоғ усти ўтлоқ,
Гулханга тикилиб Аҳмадвой сўзлар:
— Босмачи эмасмиз, ўғри ҳам эмас,
Бу йўлга бошлади бизни интиқом.
Амир дунёсига олов қўйсак бас,
Қўллагай эзилган меҳнаткаш авом!
Қишлоқи йигитлар тўпландик, мана,
Етганда ахири суякка пичоқ.
Шаҳарда Қақали, Сангин бор яна,
Бир куни улар ҳам кўтарар байроқ.
Томчилаб кўпайсак, бўлур бир дунё,
Элликка етибди бугун сонимиз.
Қуролу отлар ҳам бўлди муҳайё,
Оламиз бойларнинг мол-мулкини биз...
Ўртада чўп сихда қизарар кабоб,
Косада лоладай ёниб турар май.
Олингиз, бой қўйин емоқ кўп савоб!
Йигитлар маст-аласт кулишар тинмай.
— Бўгизлаб қумравот бойини кеча,
Гиёсбек мол-мулкин тарқатиб элга,
Майдан сипқориб, кайф қилдик пича,

Бойлигин совирдик қирларда елга,
Аҳмад сўзлар эди кайф билан ҳамон,
Чарсиллаб ёнарди гулхан ўртада.
Уфқда илк шафақ қон қусарди, қон,
Ғалаён қиларди қалбда пўртана.
Бўлурмиз юз киши балки, минг киши!
Амирни бўғизлаб ташлаймиз шунда,
Муштумим билан мен синдириб тишин,—
Қутқарай ёримни мангу тутқундан...
Йигитлар ўй суриб қолишар ғамгин
Дўстлари ғамига шерик бўлишиб,
Тоғ тошлар қайгуриб олган каби тин,
Эслатар ёрини ой ҳам тўлишиб,
Сўнг Аҳмад тикилар осмонга, ойга,
Қошларин чимириб ўй сурар узоқ,
Хаёли учади ҳарам, саройга,
Ҳанифа жонланиб келади шу чоғ.
Ой сузар... Ўтади тун ҳам ярмидан,
Йигитлар от сурар, чўл кетар чангиб.
Бу кеча мўлжалга тушган Зарметан,
Сафарбой ғафлатда қолади гангиб.
Йигитлар ўрашиб олар ҳовлини,
Босилар отларга бугдой, ун, гуруч,
Камбагал гадонинг бўлур совруни,
Амир лайчасидан олинади ўч,
Ўт қўяр Аҳмадвой қуруқ бедага,
Ловиллаб ёнади Сафарбой уйи.
От суриб, қийқириб ярим кечада
Кўчани чангитиб кетар шу куйи.
Сафарбой оғзига тиқилган латта,
Кўзлари бақрайган, қўллари боғлиқ.
Кулолнинг лойидай еган у шатта,
Устунга ўралган, турар этмай миқ.
Камбагал, қашшоқлар ўзида йўқ шод,
Қай ботир кўрсатмиш ҳақиқат кучин?!
Дув-дув гап: «Қора кийик» деган зот

Бойлардан олармиш камбағал ўчин.
Дув-дув гап: фалончи тонгда уйғонса,
Бир қоп ун турганмиш эшик ёнида.
Савоб иш — бир гадо шунча қувонса,
Умрида бир тўйса буғдай нонига.
Раҳимқул қараса, айвонда гуруч,
Шу кеча қайнайди занглаган қозон.
Номаълум юради шафқатли бир куч,
Бу «Қора кийик» ким? Одамлар ҳайрон!
Дув-дув гап тарқалган қишлоқлараро:
Чиқибмиш бир ботир, забардаст ўғлон.
Билмасмиш зотини жами фуқаро,
Бойларнинг мулкани қилармиш яксон,
Ўт қўйиб, куйдириб уй-жойларин,
Нонини, донини берармиш халққа.
Куйдириб бой қурган арк, саройларни,
Интиқом тўпида қуёшдай балққан!
Ким бўлди бу ўғлон?

Номаълум ботир
От суриб, кезармиш қишлоқма-қишлоқ.
Камбағал-қашоқни қўллаб, баҳодир
Бойларнинг йўлига эмиш тўғаноқ,
Амир сарбозларин чавақлаб, отиб,
Бир зумда кўринмай кетармиш кўзга.
Сарбозлар қуршаган чоғда йўқотиб,
Аламда қолармиш, изидан бўзлаб.
Бойчибар жийронлар чангитиб йўлни,
Йигитлар қийқириб, қўлларда қилич,
Яшнатиб, эзилган минглаб кўнгилни,
Амир қўшинига бермасмиш тутқич!

ХIII

Бойобод кўкида ўралар тутун,
Қарсиллаб ёнади омбор, айвонлар.
Содиқбой тинмайин додлар узун тун,

Кўз қисиб, бир ёнда турар деҳқонлар.
Юз ямоқ тўнини қоқиб, бир гадо,
Дер эди: — Мен кўрдим, азамат зотни.
— Мен «Қора кийик»ман,— деди у ҳатто,
Кулди-ю, қамчилаб кетди отини.
— Ёпирай,— ёқасин тутарди бир чол,
Тутганни олтинга кўмармиш амир!
— Баччагар, бу гапни айтишинг увол,
Интиқом олар у халқ учун ахир!
— Амир одам қўйган Кийик йўлига,
— Дейдилар, кийикдай эпчил, қочагон!
Озодлик туғини тутиб қўлига,
Бу йўлда у сира аямасмиш жон!

XIV

Бухоро ўзига сиғмай қўзғалар,
Амирнинг остига келиб қолган сув.
Шамолни уфурар оловли йиллар,
Саройда айш-ишрат, атрофда қайғу.
Қўчқор уриштирар ширакайф амир,
Қанча сулув қизлар эрмак тиззада.
Қочишга шайланар, билдирмайди сир,
Олтинни жойлайди мис хум, кўзага.

* * *

Файзулла Лениндан мадад сўргали
Москвага яширин жўнади кеча.
Большевик дўстларни бориб кўргали,
Когонга вакиллар йўл олди неча...
Қақали, Сангинлар қўшин тортишиб
Тожик, туркманларни тўплашган чўлда.
Буйруқни кутарди инқилоб пишиб,
Қулоқлар буйруқда, қуруллар қўлда.
Мешкобчилар билан бирга косиблар

Амирнинг аҳволи бўлиб қолган танг.
Дорларга эрк талаб жонлар осилар,
Эрк дея жон берар йигитлар яктан.
Тахтида дарғазаб бўлиб Олимхон,
Қон ичиб, қон қусар, бўғзида жони,
Озодлик деганни осар беомон,
Оллонинг аршига чиққан фигони.
Помирлик Сангину туркман Қақали
Аҳмадни эслашиб, очадилар сўз:
— Бойларни қийқиртиб юрганмиш балли!
Ёнида йигитлар тўплаб, қорақўз.
— Аҳмаднинг бошини олиб келганга
Олимхон берармиш бир саноч олтин.
— Алданиб тушмасин қўлга, аттанг-а...
Ўзича шошилди, ўйламай олдин!
Файзулла айтгандай қизишди, шошди,
Қарс чиқмас ҳеч қачон ёлғиз бир қўлдан,
— Шўрликка кулфат ҳам ҳаддидан ошди,
Ўжар ва дадил эди, қайтмади йўлдан.
Бухоро осмони ёмгир олдидан —
Тўлишиб келарди, солиб қовоғин.
Гулдурак гумбурлар ялт этиб бирдан,—
Бир қилич сингари осмон чақмоғи...

XV

Ёз фасли. Ойдин кеч. Кўкда тўлин ой.
Хўрозлар қичқирар аҳён-аҳёнда.
Райҳону жамбиллар очиб юз чирой,
Атрини таратар яшнаб бир ёнда.
Бир ёнда арчалар тизилган қатор,
Арғувон, тол гуллар ташлайди соя.
Бир йўлка кетгунча тизилган чинор,
Барглари шивирлар ажиб ҳикоя.
Тун оғиб борарди саҳар қўйнида
Ҳарамда қирқ қизлар ухлар бир пасда.

Эриниб, шошмасдан, милтиқ бўйнида,
Бир соқчи йўлкада юарди аста
Боғаро шилдираб оқар эди сув,
Гоҳ кўкда бир юлдуз кетарди учиб.
Сояда соқчини босарди қўрқув,
Кўланка кўринса кетарди чўчиб.
Мудрарди милтиғин қилиб у ачом.
Бехосдан урарди дук-дук юраги.
Нечундир, хаёлин ўраб намошом,—
Бир зумда чалинди оёқ тиргаги!
Бир зумда оғзини беркитиб биров
Наъматас остига тортди-ю, йиқди.
Сўнг, кимдир томоғин бўғиб, беаёв,
Белбогин ечди-ю, оғзига тикди.
Миршаблар айланар қўрғон теграсин.
Боғ ичра кезарди бир сиру асрор.
Биллурий хонада амир олар тин,
Овозсиз ёлворар соқчи сўнгги бор:
— Ўлдирманг, мен бўлай хизматингизда
Мабодо алдасам, куйсин имоним!
Жонимни тикаман ҳимматингизга...
Аҳмад дер:— Эшитгин, аввал бизни жим.
Дунёдан тўйгансан, жабрдийда қул.
Биз томон бўлгину кўрсат бизга йўл.
У қонхўр амирдан олайлик қасос,
Қайда у? Бўғзига тортайлик қилич.
Ҳанифа қутулсин, фурсат келди соз.
Ма, қуръон, ушла-ю, ўтир, қасам ич!
Қуръонни бир ўпиб, манглайга уриб,
Тиз чўкиб соқчи қул ичади қасам.
Этагин қоқади, ўрнидан туриб,
Сўнгра дер,— эшитинг, агар дўст бўлсам,
Ҳу, ўша хонада ҳарам қизлари,
Сенинг Ҳанифанг ҳам худди шу ерда.
Мен нечук чақирай, борми эсларинг,
Тонг отар олдидан келгин сен эрта.

Сув йўли ёнида пойлагин уни,
Қувурдан чиқариб юборай секин,
Шу чоқда бўлмагин умрин забуни,
Уйғотсам бир ғалва турар, инон, чин!
Бичилган маҳрамни тутиб қўлидан,
Хайрлашиб, панага ўтар йигитлар.
Оҳиста чиқишар ғулва йўлидан,
Орқада вовиллаб қолади итлар.
Ярим тун саройда сирлар ўтса ҳам,
Оппоқ тонг қўйнида мудрарди ҳарам!

XVI

Ханифа ҳар лаҳза кутар висолни...
Нигоҳи қаршида жонланар Аҳмад.
Соябон қилгандай бир мажнунтолни,
Аҳмад ҳам ўтирар бўлгунча диққат.
Ой сузар осмонда, сукунат ҳоким,
Уйқуда тамоми жони жонивор.
Ханифа чиқишин соқчи кутар жим,
Ҳарам эшигига тикилар такрор.
Аҳмад ўтиради не-не хаёлда,
— Наҳот қуръон ўпиб, онт ичган соқчи,—
Ичган қасамидан айнади-қолди,
Наҳотки, хиёнат қилса чатоқ-чи?..
Ҳар бошда бир хаёл, сузар кўкда ой,
Тун ўтиб боради ярмидан ошиб.
Ғийқиллаб очилар эшик ҳойнаҳой,
Ханифа эшикдан чиқару шошиб.
Дарахт соясига ўзини олар,
Сўнг юрар соқчи қул айтган томонга,
Сув йўли — қувур ҳам кўриниб қолар,
Қалтираб, тушади у ҳаяжонга.
— Қўрқмагин, ўт қизим, ўт бўталогим,
Бу ваҳший ҳарамдан яшагин узоқ.
Ёрингга салом айт, соғ бўл чирогим,

Тезроқ бўл, қизгинам, йўлинг бўлсин оқ!
Чол қайтар, гулвадан ўтар Ҳанифа,
Аҳмаджон югурар йўлига пешвоз.
Ҳаяжон устунлик қилару пича,
Иккиси гаплашмай туришар бир оз.
Сўнг, ёрин багрига босару Аҳмад,
Кўзидан, сочидан ўпади бир-бир.
Ҳанифа ёш тўкар, йиглару фақат,
Қалтирар теракнинг баргидай дир-дир.
— Йигламанг, мен етдим энди муродга,
Қутқардим амирдай балодан сизни.
Ҳарамни куйдирай, келтирай додга,
Пушаймон қолдирай мен у юзсизни.
Сўнг ушлаб ёрининг қўлидан аста,
Зовурдан юради йигитлар томон.
Отини ушларди йигитлар пастда.
Қарсиллаб ўқ узди кимдир шу замон
Соқчилар ўт очди, уйғонди сарой;
Дарвоза очилиб, чиқди сарбозлар.
Йўл чангиб, тулпорлар учди пойма-пой,
Ҳарамни қоплади қий-чув овозлар.
Отишма бошланди тонг олди бирдан,
Гўёки осмондан учди юлдузлар.
Амир ҳам хабардор бўлди бу сирдан,
Ҳанифа қочган деб, додлашди қизлар.
Отига миндириб ёрини Аҳмад,
Тизгинин қўйворди ёвни гангитиб.
Ўқ узиб, ўқ узиб қочарди фақат.
Тулпори учади йўлни чангитиб.
Пойгага қўйгандай саман, жийронлар,
«Ситораи моҳи хоса» йўлида учар.
Аҳмаднинг дўстлари — марду майдонлар —
Яшин қучган каби ўқ узиб кўчар.
Ҳанифа ёрини қучиб бўйнидан,
Кўксига бошини қўйиб боради.
Парво ҳам қилмайди ўқ ўйинига,

Ёрининг ҳуснига тўйиб боради.
Ўқ узар визиллаб, гоҳ ўнг, гоҳ сўлдан,
Орқага қайрилиб боқаркан Аҳмад,
Шарақлаб қуроли тушади қўлдан,
Шиддатли учади чинор каби қад!
Тизилиб оқади кўкрагидан қон,
От чопар, боради отга осилиб.
Бошини Ҳанифа кўтарар чаққон,
Йиғлайди юзидан ўпичлар олиб,
Қирларни чангитар отлар гумбурлаб,
Малик чўлларида ўтишар қатор.
Қарнаб тоғларига чирмашар ўрлаб,
Аҳмад видолашиб қолар сўнгги бор:
— Жонгинам, Ҳанифа, хайр, алвидо!
Кураш камарини боғла белингга.
Қасос ол, қон ютсин амир беҳаё,
Курашиб, бахт келтир бахтсиз элингга!
Оҳиста юмилар ўткир кўзлари,
Ҳаёти тугайди азиз инсоннинг.
Белбоғ-ла юзини ёпиб дўстлари —
«Қуръони шариф»ни қўйиб ўртага
Қасамёд қилишар олгали қасос!
Ҳанифа кўнглини овулар бари...
Тошлардан қайтади акс-садо, овоз,
Тугайди Аҳмаднинг ҳаёт сафари.
Тонг билан кўмилар ботир жасади,
Қабирда дўстлари ўқир фотиҳа.
Гўрига гул қўйиб, ошиб ғзаби,
Аччиқ қамчиларни урар отига!

XVII

Когонда гумбурлар тўплар садоси,
Ларзага келади кўҳна Бухоро.
— Ўт қўйинг, ловиллаб ёнсин дунёси! —
Ҳанифа от сурар йигитлараро.

Гўёки ер титрар, титрайди осмон,
Оҳу зор чекинар, фарёд чекинар.
Калтак, ўроқ олиб чиққан оломон,
Бухоро еридан иснод чекинар.
Касофат чекинар, қайғу чекинар,
Чекинар офтобнинг юзидан булут,
Фисқ-фасод чекинар, қайғу чекинар,
Қасоскор кўзларда чарақлайди ўт!
Олтинни орқалаб амир Олимхон —
Нафратга чидолмай, қочиб боради.
Кесакдай ирғитди замон — амирни,
Қочади, заҳрини сочиб боради
Бирлашиб ўзбегу тожик, туркман, рус
От суриб, душманни қувиб боради.
Олимхон қочади олайтириб кўз,
Аскарлар чўлларни тутиб боради.
Онгсиз курашларнинг қурбони Аҳмад —
Орзиққан оловли кунлар бошланди.
Инқилоб кўтарди ёш йигитдай қад,
Уламо, бойларнинг кўзи ёшланди.
Бир сафда Аҳмад ҳам кўринар гўё,
Қақали, Сангинлар борар ёнма-ён.
Янгидан туғилиб келар бир дунё,
Дунёки, довруғи туганмас дoston!

1972—73

Тошпўлат Ҳамид 1927 йилда Бухоронинг Бўстон қишлоғида ту-
гилди. Отаси Мирза Абдулҳамид Ҳакимов хат-саводли киши ва
дурустгина котиб бўлгани учун инқилобгача китоб кўчирнш, одам-
ларга турли хил иш қоғозлари ёзиб бериш билан шуғулланган.

Уруш йиллари ўз қишлоғидаги Максим Горький номли ўрта
мактабнинг эндиғина ўнинчи синфига ўтган Тошпўлат Бўстондаги
«Намуна» колхозида табелчи, бошланғич синфларда рус тили ўқи-
тувчиси, сўнг меҳнаткашлар депутатлари Қизилтепа Ижроия Коми-
тети қошидаги физкультура ва спорт жамиятида раис бўлиб хизмат
қилади.

Кейинроқ, 1949 йилда Тошпўлат Ҳамид Бухоро Давлат педаго-
гика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини муваффа-
қият билан тугатиб, Бухоро область Шофрикон районидаги Шота
Руставели номли ўрта мактабга ишга тайинланади. Орадан икки йил
ўтгач, Қизилтепа район маорифининг мудирини бўлиб хизмат қилди,

1955 йил ҳеч қачон Тошпўлатнинг эсидан чиқмайди. Шу йили
атоқли адиб, Ўзбекистон ёзувчилар союзининг раиси Абдулла Қаҳ-
ҳор бўстонликларнинг республика Олий Советига депутати сифатида
келиб, ўз сайловчилари билан учрашади. Турли йиғинлар, суҳбат-
ларда устозга ҳамроҳ бўлган шогирд бор бисотини кўрсатади ва
бундан буён шеър машқига жиддий киришиш истаги борлигини
айтади. Унинг ижодий пиланишларида истеъдод учқунларини кўрган
Абдулла Қаҳҳор Ўзбекистон ёзувчилар союзн Бухоро область бўлн-
мига секретарлик лавозимига тавсия қилади.

Йиллар кетидан йиллар ўтди. Тошпўлатнинг тўнғич китоби

«Қуёш шаънига» (1960) уйдаги мавжуд имкониятларни яққол кўрсатди. «Изҳори мақсад» ва мавзулар доирасини белгилаб олиш рамзи бўлган ушбу шеърини тўпламда меҳрибон қўлини доимо елкамизда ҳис этиб келаётганимиз ва истиқбол йўлини ёритиб турган Коммунистик партия — қуёш шаънига, «тупроғни тўтиё» азиз Ватан мадҳига айтилган қўшиқлар бор. Пахтазорда жавлон ураётган «толеи баланд, дилда ўти бор азаматлар», «Қир бетида мисли қирмиз пиёла» бўлиб очилган лолалар, «шудрингдан кўзойнак тақиб, ғира-шира тонгга боқадиған» наъматак, меҳнат баҳори, «ақлда ҳам, азобда ҳам танҳо» гўзалнинг ишқи шоир қалбини тўлқинлантиради.

Тошпўлат бу йилларда дурустгина шеърлар ёзиб улгурган бўлса-да, «мен шоир бўлдим»,— деган хулосага келгани йўқ. Чунки, ғоят сермашаққат, ижиқ ва умр бўйи тинмай изланишни талаб қиладиган шеърини осонликча жоловини қўлга бермаслигини тушуниб қолган эди. Қисқаси, «Қуёш шаънига» унинг учун бир гувоҳнома бўлди-ю, шу гувоҳнома билан Москвага, икки йиллик Олий адабиёт курсига ўқишга юборилди.

1962 йили Москвадан қайтгач, илмий-ижодий ишлар билан шуғулланди. Шу билан бирга гоҳ Бухоро Давлат педагогика институтида кафедра мудири, гоҳ «Бухоро ҳақиқати» редакциясида адабиёт бўлими мудири, кейинроқ редактор ўринбосари бўлиб ишлади. Ниҳоят, мана, қарийб ўн йилдирки, редакторлик қилмоқда. 1969 йили «Асқад Мухторнинг поэтик маҳорати» мавзuida диссертация ёқлаб, филология фанлари кандидати илмий даражасини олди.

Тошпўлат қаерда ва қандай вазифада ишламасин бадий ижод донмо ажралмас қамроқ бўлиб қолаберди. Энди унинг шеърлари полапонлик даврдан ўтиб темир қанот бўлган, шоирда эса ўзига ишонч ҳисси пайдо бўлган эди. «Менинг асрим» (1965) китобидаги:

Учқур қанот пайдо қилиб шеърларим
Қалдирғочнинг боласидай учдилар.
Орзуларим.

қалбим,
манглай терларим
Хонамни тарк этиб, мана, қучдилар...

каби мисралар шунга ишорадек туюлади. Бу ерда муболаға йўқ. Ахир, ҳар бир роман ёки повесть, ҳар бир дoston ёки шеър муаллиф-

нинг серилҳом ишхонасидан чиқиб, ўқувчилар оламга кприб бо-
ради-ку.

Лирика конкрет қаётдаги воқеа-ҳодисалардан таъсирланиш,
ҳайратланиш ва тўлқинланиш самарасидир. Лирика шоирнинг шах-
сий ҳаётний тажрибаси бўлиш билан бирга ижтимоий ва гражданлик
тажрибасини ҳам акс эттиради. Шунинг учун авваллари кичикроқ
масалалар атрофида, сўнг катта Ватан миқёсида фикр юритган
Тошпўлат бора-бора умумбашарий мавзуларга қўл уради. Шеърла-
ридан бирида:

Самовийман, Ер куррасин дейман ўз қасрим.
Шу боисдан шодлик, ғамга шерик ҳар қачон
Кўз ёшим ҳам,
қувончим ҳам,
сен билан асрим,—

деб ёзади.

Шоир лирик асарларида инсон шахсининг ҳаяжонини халқ
идеали нуқтаи назаридан тасвирлаб, ёмонлик ва яхшилик, бадбинлик
ва гўзаллик ҳақидаги тушунчаларини ифодалаган бўлса, лиро-эпик
дostonларида инсон тақдирини бутун бир халқнинг турмуши ва
кураши билан узвий боғланган ҳолда кўрсатади. Унинг «Сирли қўч-
қор» (1960) дostonи фольклор материални асосига қурилган ва қул-
ликка сотилган бола Асрорнинг оғир саргузаштларидан ҳикоя қила-
ди. Тарихий-революцион мавзудаги «Қора кийик» (1974) дostonи
муаллиф ижодидаги ҳар жиҳатдан яхши ишланган асарлар сирасига
киради. Ҳам лирик, ҳам қаҳрамонлик хусусиятларига эга бўлган
содда қишлоқи йигит Аҳмад бир бурда нон излаб шаҳарга келади.
Ўз кучини сотиш мақсадида Саррофон гумбази тагида ўтириши,
сарсон бўлиб «Чор минор» ёнидаги пастқам чойхонага бош суқиши,
«Тими Абдуллахон» бозорида жон ўртагувчи гўзал Ҳанифа билан
учрашувни дostonдаги реалистик бўёқларни қуюқлаштиради. Қўпгина
воқеалардан кейин инсон эрки учун, амир зулмига қарши курашда
ҳалок бўлади.

«Тилла дарвоза» (1973) — Олтин шаҳри — гўзал Зарафшон
мадҳига бағишланган. Бу ерда шаҳарни ҳаракатга келтириб турган
ёшлик мўъжизалар яратмоқда. Бинобарин, «Ялтироқ сўз ярашмайди,

Меҳнат байтин тизмоққа. Ишчи сўзлар топиш керак Рост сўзларни ёзмоққа». Саҳрода мавж уриб оқаётган ёшлик дарёсида асар қаҳрамонлари — Абдулазиз билан Раъно ҳам сузиб бормоқда. «Нортуядай бўйин чўзган» полвон экскаваторлар, ҳар бири қарийб 30 тонна руда ортадиган «БелАЗ»лар улар амрига бўйсунган. Зарафшонга келгунча бир-бирининг борлигини билмаган бу олтинтопарлар Ватан учун фидокорона меҳнат жараёнида ўз шахсий бахтларини топадилар. Шоир яқинда «Табаррук тупроқ» достонини ёзиб тугатди.

Тошпўлат ҳозирги кунда ўндан ортиқ шеърий тўплам ва олти дoston муаллифи. Унинг бир неча китоблари рус тилида нашр этилган. Шоир «Орзу» номли шеърида асарлари ҳақида гапириб: «Истардимки, қалдирғочдай севилиб, Ин қўйсиплар кириб ёруғ уйларга» деган эди. Демак, у энди рус ва ўзбек китобхонининг уйида меҳмон.

Ҳаётда ҳам, шеъриятда ҳам серзавқ, жўшқин Тошпўлат Ҳамид 50 ёшга тўлди. У авжи ижод палласида. Шубҳа йўқки, ўз ўқувчиларини янги-янги бадий асарлари билан хушнуд қилади.

МАҲМУДАЛИ ЮНУСОВ

филология фанлари доктори

Шеърлар ва балладалар

«Не боисдан...»	5
«Қуёш қанча бўлмасин юксак...»	6
«Тўтнё тупроғинг...»	7
Қуёш шаънига	8
Қувонч	10
Мирзачўлга	11
«Қаердадир сайрар...»	12
Бувимга	13
Раҳмат, онажон!	14
Баҳор завқни	15
Тонгда	16
Лектор	17
Қалдирғоч	18
«Водий нафасидан...»	19
Жабай ота	20
Норхола	22
Шоир дўстимга	24
Болалигим	25
«Биров сўраб...»	26
Чироқлар	27
«Ой сузади...»	28
Тупроқ ўйини	29
Қуёш зарраси	30
«Дунё ташвишида...»	31
Кўлмак	32
Иҳота дарактлари	33

Арча	34
«Уч-тўрт ўғлон...»	35
Қиш кунда	36
Қурбонлар	37
Она	39
Кўприк	40
Ватандошимга	41
Куз лавҳалари	42
Ёз оқшомлари	43
Баҳор тунаб ўтибди	45
Қарши чўлларидаги хаёллар	46
Дала гашти	48
«Шимол гўзал...»	49
Соғиниш	50
Фируза оқшомлари	51
«Лабимдан аримас»	52
Орзу	53
Умр чуққиси	54
Юрак дафтарига ёз	56
Қуёшга навбат кутиб	57
Тўлин ой кечаси	58
Ранглар	59
Қишлоқни соғиниб	60
Қадаҳ	62
Навниҳол	63
Ой қўлларида фонарь	65
Ерга сажда	67
Кут...	68
Ёввойи ёнғоқ	69
Самарқанд сайқали	70
Тил очиш	71
Лочин ва загизгон	73
Зиёратгоҳ	74
Гумбазлар садоси	76
Устоз	78
Қарвонбоши	80

Шеъримга	81
*Тоғларга боқ, тоғларга	82
Руҳим	83
Илтижо	84
Ёшлик ва баҳор	85
Кенглик	86
*Қайлардан сени излай	88
Пахтазорда	90
Таъзим сенга, эътиқод	92
Жавоб	94
Боғ	95
Гул ва қурол	97
Умид	99
*Олтинтопарлар ёр-ёри	100
Қиш билан хайрлашув	102
Хирмон	104
Умр ва сув	106
Митти қуш	107
Уфқлар	108
Ҳандалак	110
Рус ўрмонлари	111
*Ёшликка қасида	113
Олтиликлар	115
*Баҳор мушоираси	118
Гул	120
Азаматлар	122
Таиҳо эдинг	123
*Чўлқувар қўшини	124
Ургилай	125
Чоллар	126
Диёр васфи	127
Бир қадам	128
Бўлмаса	129
Рубоийлар	130
*Ҳамза фронтда	131

***Минг йиллик хаёл ва заркокил**

~Соҳибжамол ҳақида баллада	. . .	135
*Шамол	. . .	139
*Ленин кийган беқасам	. . .	140

Достонлар

Тилла дарвоза	. . .	155
Табаррук тупроқ	. . .	176
Қора кийик	. . .	190
*Тошпўлат Ҳамид (М. Юнусов)	. . .	223

*©ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ, 1978

ТАШПУЛАТ ХАМИДОВ

КРУПИНКИ СОЛНЦА

Стихи, баллады, поэмы

Редактор *А. Шаропов*
Рисом *Т. Сайдуллаев*
Расмлар редактори *А. Кива*
Техн. редактор *Э. Саидов*
Корректор *М. Холматова*

ИБ № 299

Босмахонага берилди 09. 01. 78 й. Босишга
рухсат этилди 11. 08. 78 й. Формати
70×108¹/₃₂. Босма л. 7,25. Шартли босма
л. 10,15. Нашр л. 7,73+0,08 вкл. Р—01398.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат
нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Шартнома 87—76.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия
ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат
комитетининг Тошкент «Матбуот» полигра-
фия ишлаб чиқариши бирлашмасига қа-
рашли 2-босмахонасида № 1 қозоғга
босилди. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44.
1978 йил. Заказ № 480. Баҳоси 1 с. 20 т.

✱
Ҳамид Тошпўлат.

Қуёш зарралари: Шеърлар, балладалар, поэмалар.— Т.:
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.—232 б.

Тошпўлат Ҳамиднинг шеър ва ғазаллари, тарихий-революцион темада ёзилган дostonлари адабиёт ихлосмандларига қўпдан таниш. Унинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан тартиб берилган ушбу тўпламга энг яхши шеърлари, балладалари, «Табаррук тупроқ», «Қора кийик», «Тилла дарвоза» каби дostonлари киритилди.

Ҳамидов Т. Крупинки солнца. Стихи, баллады, поэмы.

Уз2